

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”  
Тармоқ маркази директори  
\_\_\_\_\_ Ф.М.Закирова  
“\_\_\_\_\_” 2018 й.**

**“КИНОТЕЛЕДРАМАТУРГИЯ, РЕЖИССУРА,  
КИНОТЕЛЕФИЛЬМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”  
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи(лар):**

**Б.Ж.Базарбаев  
И.П.Парманкулов  
А.И.Мамадалиев**

**Тошкент – 2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТЕЛЕВИЗОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”  
йўналиши**

**“КИНОТЕЛЕДРАММАТУРГИЯ, РЕЖИССУРА,  
КИНОТЕЛЕФИЛИМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИР ЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



---

**“КИНОТЕЛЕДРАММАТУРГИЯ РЕ-  
ЖИССУРА КИНОТЕЛЕФИЛИМ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ” модули  
бўйича**

---

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУ А**



**ТОШКЕНТ - 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

---

Тузувчилар: ТАТУ , “Телевизион технологиялари” кафедраси факултет декани ф-м.ф.н.,: А.Ш.Мухамадиев  
ТАТУ,“Телевизион технологиялари” кафедраси ўқитувчиси: Г.А .Қаюмова

---

Такризчи: ТАТУ , “Телевизион технологиялари” кафедраси факултет декани ф-м.ф.н.,: А.Ш.Мухамадиев

---

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан нашрға тавсия қилинган (2016 йил 29 августдаги 1(661) - сонли баённома)**

# МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастур

2

Модулни ўқитишда  
фойдаланиладиган  
интерфаол таълим  
Методлари

3

Назарий  
Материаллар

4

Амалий  
Машғулот  
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Адабиётлар Рўйхати

I. БҮЛШИМ

ИШЧИ ДАСТУР

## ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Бугунги кунга келиб телевидение, кинематография ва уларнинг таркибий қисмлари санъатнинг илғор турларидан бири ҳисобланади. Кинотелетасвирга олишлар эса ижодий ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида кенг кўламда кўлланилмоқда. Шу боис бўлажак ТВ ва кинематографчиларда гоявий-бадиий маданият, юқори даражадаги профессионал малака ҳамда кўйикма билан бир қаторда ТВ ва кинематографияда фильмлар ишлаб чиқариш, тасвирий ечим, сценарий билан ишлар, режиссура кабиларнинг ўзига ҳос технологияси ва имкониятларини ўрганиш зарурати туғилмоқда.

“Кинотеледраматургия, режиссура, кинотелефильм ишлаб чиқариш” модули кино ва телевидениеда фильмлар ишлаб чиқаришда менежмент ишлари ва унинг асосларини, кино ва телевидениеда драматургия ва режиссура асосларини ўргатувчи модул ҳисобланади. Унда фильм ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари, ҳодимларнинг вазифа ва мажбуриятлари, менежмент асослари, фильм сметаси ва унинг асосий элементлари, бир сўз билан айтганда, телевидение ва кино санъатида фильмлар яратишнинг алифбоси ўрганилади. Шу билан бирга адабий ва киносценарий билан ишлаш, фильмнинг композицияси, монтаж жараёни, режиссурасининг асослари ўрганилади. Санаб ўтилган жихатларни амалий нуқтаи назардан ўрганмай туриб, кино ва телевизион технологиялар соҳасининг сир асрорларини эгаллаш мумкин эмас.

Модуль доирасида дастлаб асосий тушунчалар, уларнинг моҳияти ўрганилса, кейинчалик тингловчилар фильмлар ишлаб чиқаришнинг нисбатан мураккаб бўлган томонларини ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан ўзлаштирадилар. Шу билан бирга менежментга, драматургия ва режиссурага оид масалаларнинг ечими, турли жанр ва турлардаги фильмлар яратиш, постановка сценарийси, смета, ишлаб чиқаришнинг календар режаси каби тушунчалар билан якиндан танишадилар.

Модулнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари тингловчиларга предметни мустахкам ўзлаштириш билан бир қаторда ўз ижодий имкониятларидан тўла фойдаланиш шароитини яратади, телевидение ва кино санъат соҳасида ўз билимларини янада ривожлантириш, фильм истиқболини олдиндан кўра олиш қобилиятини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш гурухига раҳбарлик қилиш, унда иш юритиш кўникмаларини шакллантириш имконини беради.

Тингловчиларни, яъни соҳанинг бўлажак мутахассисларининг келажакда кинематография ва телевидениеда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш кобилиятига эга бўлишлари мазкур модулнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, модуль телевидениеда соҳасидаги бўлажак мутахассиснинг фильм яратиш ишида, ижодий ва техник муаммоларни ечишда керакли билимга ва тажрибага эга бўлишини таъминлайди. У тингловчига кинотелефильмнинг бадиий. ва техник жиҳатдан сифатли бўлишини таъминловчи жиҳатларни ўргатади. Шунингдек, бу модулнинг ўзига хос ҳусусияти шуки, у тингловчиларга предметни мустаҳкам ўзлаштириш билан бир қаторда ўз ижодий имкониятларидан тўла фойдаланиш шароитини яратади.

### **Модулнинг мақсад ва вазифалари**

**“Кинотеледраматургия, режиссура, кинотелефильм ишлаб чиқариш” модулининг мақсади:** тингловчиларга кино, телевидениеда фильмлар ва бошқа турдаги медиа маҳсулотлар яратишда менеджерлик фаолиятини олиб бориш, ижодий гурух ишини ташкил қилиш, иш юритиш ва раҳбарлик қилиш, сметалар тузиш, маҳсулот яратишнинг календар режасини тузиш ва назорат қилиш бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

#### **Модулнинг вазифалари тингловчилар:**

- мазкур предмет бўйича назарий билимларни шакллантириш;
- курс доирасида олинган назарий билимларни амалиётда кўллай олиш малакасини шакллантириш;
- тингловчиларда фильм ишлаб чиқариш саноатини бошқарувчи раҳбар малакасини шакллантириш;
- уларда самарали натижа олиш йўлида мавжуд муаммоларни хал эта олишлик кобилиятини яратиш;
- замонавий менежмент тушунчаси ҳакида тўлиқ маълумот бериш;
- мамлакатимизда ва жаҳон кино ишлаб чиқариш саноатида фойдаланилаётган сўнгги техник воситаларнинг эксплуатацияси бўйича назарий-амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўниқмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Кинотеледраматургия, режиссура, кинотелефильм ишлаб чиқариш” курсини ўзлаштириш жараённанда амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- икки ўлчовли ва уч ўлчовли тасвирга олиш, монтаж қилиш, уларнинг фарқлари ва ишлаш усулларини;
- видео монтаж асосларини;
- драматургия асосларини ва драматургия йўналишларини;
- янги фильм ичлаб чиқариш технологияларини;
- рақамли фото тушунчаларини;
- кино ва телевиденияда маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнларини, технологияларини;
- телевизион технологияларга оид жараёнлар, овоз ва тасвирни ёзиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, чоп этиш, уларнинг математик, ахборот ва дастурий таъминотини;
- телевизион технологиялар соҳасининг техник ва дастурий воситаларини лойиҳалаш, созлаш, ишлаб чиқариш ва амалиётга татбиқ қилиш жараёнларини **билиши** керак.
- мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- телерадиокомпанияларда ишлатиладиган асосий техник воситалардан фойдаланиш;
- фильмларни яратища эски ва янги технологияларни қўллаш;
- дастурли компьютер ва автоматлаштирилган тизимлари воситаларини ва телевизион тизимларни синаш ва эксплуатация қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- амалиётда телевизион технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва услубиётларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- матн, тасвир, овоз ва видео ахборотларидан фойдаланилган ҳолда мультимедиали иловаларни яратиш;
- катта ҳажмдаги хотира қурилмалари ва мультимедия дастурларининг амалий пакетларидан фойдаланиш;
- замоновий рақамли камералар, овоз ёзиш системалар, студиялар, замоновий рақамли микшер бошкарув пультларда ишлаш;

- рақамли аудио ва визуал аппарат ускуналар билан ишлаш;
- видео ёзиш ва қайта ишлаш;
- яратиш жараёнида сиртларни тортиш, ёпиштириш, олиб ташлаш;
- ёруғлик тушишини ҳисобга олиб ёқларни бўяш;
- кинотелефильмларнинг ишлаб чикариш жараёнида, сценарияни ёзиш, бадиий кенгашда тасдиқлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- мультимедиа маҳсулотларини тақдим этишда график, аудио, видео ахборотларни рақамлаштириш жараёни ва параметрларини бошқариш;
- анимация яратиш ва видеомонтаж дастурларидан фойдаланиш;
- рақамли телевидениясида каналли кодлашни амалиётда қўллаш;
- дубляж жараёнида аудио видео файлларга овоз бериш ва жойлаштириш;
- кино ва телевидение маҳсулотлар монтажи учун дастурлардан фойдаланиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш**

“Кинотеледраматургия, режиссура, кинотелефильм ишлаб чиқариш” курсини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Модулни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (Microsoft PowerPoint) интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Тингловчилар томонидан назарий, амалий билимларнинг ўзлаштирилишида модулга алоқадор бўлган янги педагогик технологиялар қўлланилмоқда. Интернет тармоғининг ахборот базасидан доимий равишда фойдаланилади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мулътимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни

улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин муроқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Кинотеледраматургия, режиссура, кинотелефильм ишлаб чиқариш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Кинотеледраматургия, режиссура, кинотелефильм ишлаб чиқариш” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ва “Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг Кино ва ТВда драматургия, режиссура, фильмлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ фанлардан касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар кино ва ТВда фильмлар ишлаб чиқариш асосларини, драматургия ва режиссура, композиция сосларини, турли фильмлар сметаларини, сценарийларини, фильм ва кўрсатувларни таҳлил этиш, уларни баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
			Аудитория ўқув юкламаси				Мустакил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот	
1.	Телевидение маҳсулотларини яратиш, телевидениеда ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар	4	4	2	2		
2.	Бадиий ва ҳужжатли фильмни яратишида ижодий гурухнинг асосий таркиби	4	4	2	2		
3.	Режалаштиришнинг бош ҳужжати, тасвирга олиш жадвалини тузиш, фильмнинг сметаси ва бюджети	4	4	2	2		
4.	Фильмни монтаж қилиш	6	4	2	2		2
5.	Тугун ва саспенс, драматик вазият	4	4	2	2		
6.	Драматик вазиятларда архетиплар, драматик перипетия ва конфликт	4	4	2	2		
7.	Перипетия ва катарсис	4	4	2	2		
8.	Ҳаракатнинг ривожланиши, протагонист ва антагонист, кульминация	6	4	2		2	2
	<b>Жами</b>	<b>36</b>	<b>32</b>	<b>16</b>	<b>14</b>	<b>2</b>	<b>4</b>

# III. БҮЛІМ

## НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу. Телевидение маҳсулотларини яратиш. Телевидениеда ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар  
(2 соат)**

**Режа:**

- 1.1. Босқич мақсади
- 1.2. Телевизион каналларининг ишлаши
- 1.3. Амалдаги телевидение. Ишлаб чиқариш услублари
- 1.4. Телевизион маҳсулотларининг асосий турлари
- 1.5. Ток-шоу телекўрсатув тури сифатида
- 1.6. Телевидениеда мураккаб маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг одатий жараёни

**2-Мавзу. Бадиий ва хужжатли фильмни яратишда ижодий гурухнинг асосий таркиби  
(2 соат)**

**Режа:**

- 2.1. Тасвирга олиш гурухи директори
- 2.2. Кинорежиссёр
- 2.3. Кинооператор
- 2.4. Ассистентлар
- 2.5. Овоз операторлари
- 2.6. Продюссер
- 2.7. Кино ишлаб чиқариш технологияси

**3-Мавзу. Режалаштиришнинг бош хужжати.**

**Тасвирга олиш жадвалини тузиш. Фильмнинг сметаси ва бюджети  
(2 соат)**

**Режа:**

- 3.1. Асосий (бош) режалаштириш
- 3.2. Тўлиқ метражли бадиий фильмни тасвирга олиш графигини тузиш
- 3.3. Тўлиқ метражли фильмни календар саҳналаштириш режасини тузиш
- 3.4. Фильмнинг сметаси ва бюджети
- 3.5. Хужжатли фильмлар харажатининг асосий бўлимлари
- 3.6. Бадиий фильмлар сметаси харажатининг асосий қисми
- 3.7. Тасвирга олиш гурухи таркиби

**4- Мавзу. Фильмни монтаж қилиш**

**(2 соат)**

**Режа:**

- 4.1. Овоз ёзиш, махсус эфектлар, мусиқа, фильмни топшириш
- 4.2. Монтаж
- 4.3. Овоз ёзиш
- 4.4. Мусиқа ёзиш
- 4.5. Махсус эфектлар
- 4.6. Фильмни нусхалаш
- 4.7. Монтаж қилиш даври

**5-Мавзу. Тугун ва саспенс. Драматик вазият**

**(2 соат)**

**Режа:**

- 5.1. Тугун
- 5.2. Саспенс
- 5.3. Драматик вазият

**6-МАВЗУ. ДРАМАТИК ВАЗИЯТЛАРДА АРХЕТИПЛАР. ДРАМАТИК ПЕРИПЕТИЯ. КОНФЛИКТ**

**(2 соат)**

**Режа:**

- 6.1 Драматик вазиятларда архетиплар
- 6.2. Конфликт

**7-Мавзу. Перипетия ва катарсис**

**(2 соат)**

**Режа:**

- 7.1. Перипетия
- 7.2 Катарсис

**8-Мавзу. Ҳаракатнинг ривожланиши. Протагонист ва антагонист.**

**Кульминация**

**(2 соат)**

**Режа:**

- 8.1.Ҳаракатнинг ривожланиши. протагонист ва антагонист

## **8.2. Кульминация**

**8.1.Харакатнинг ривожланиши. протагонист ва антагонист**

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1. Телевидениеда махсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш (2 соат)**

**Режа:**

1.1. Телевидениеда махсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш

### **2.Фильмнинг хронометраж жадвалини ишлаб чиқиш**

**(2 соат)**

**Режа:**

2.1.Фильмнинг хронометраж жадвалини ишлаб чиқиш.

2.2.Сценарий асосида ижрочиларга тасвирга олиш майдончасида жойларни аниқлаш

### **3. Бадиий фильмнинг харажатларини режалаштириш.**

**(2 соат)**

**Режа:**

3.1. Бадиий фильмнинг харажатларини режалаштириш.

3.2.Тайёргарлик даврида ишларни режалаштириш.

3.3.Махсус жадвалларни тайёрлаш

### **4. Тасвирга олиш жадвалини тузиш.**

**(2 соат)**

**Режа:**

4.1. Тасвирга олиш жадвалини тузиш.

4.2. Кўп қисмли телевизион ва бадиий фильмларнинг бюджети.

4.3. Календарли тасвирга олинадиган павилон ва табиий жойларни аниқлаш

### **5. Ижодий гурухнинг тасвирга олиш кунлари ва муддати.**

**(2 соат)**

**Режа:**

5.1 Ижодий гурухнинг тасвирга олиш кунлари ва муддати.

5.2. Жорий тасвирга олишга тайёргарлик.

5.3. Махсус комиссия томонидан яратилган фильмни баҳолаш ва сметани бажарилганлигини аниқлаш

## **6. Фильмнинг даслабки ва охирги вариантларини ҳамда бирламчи материалларни топшириш**

**(2 соат)**

**Режа:**

6.1. Фильмнинг даслабки ва охирги вариантларини топшириш

6.2. Фильмнинг бирламчи материалларни топшириш

## **7. Фильмни бозорга чиқариш, реклама қилиш, эфирга бериш, прокат.**

**(2 соат)**

**Режа:**

7.1. Фильмни бозорга чиқариш.

7.2. Фильмни реклама қилиш, эфирга бериш, прокат. 7.3. Дистрибутерлар ва продюсерлар фильмни кенг оммага етказиб бериши

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

<b>№</b>	<b>БАХОЛАШ ТУРЛАРИ</b>	<b>МАКСИ МАЛ БАЛЛ</b>	<b>БАЛЛАР</b>
<b>1</b>	<b>КЕЙС ТОПШИРИҚЛАРИ</b>	<b>2.5</b>	<b>1.2</b>
<b>2</b>	<b>МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ</b>		<b>0.5</b>
<b>3</b>	<b>АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР</b>		<b>0.8</b>

Ш. БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

<b>S – (strength)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кучли томонлари</li> </ul>
<b>W – (weakness)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• заиф, кучсиз томонлари</li> </ul>
<b>O – (opportunity)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• имкониятлари</li> </ul>
<b>T – (threat)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тўсиқлар</li> </ul>

**Намуна:** Маълумотлар базаларини бошқариш тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS кучли томонлари	Oracle: яхши ҳимояланган, .... SQL Server: MS тизимлари билан интеграция, .... MySQL: Web технологиялар учун қулай, ... SQLite: Mobile дастурлаш учун яхши, ... MS Access: Ёш мутахассислар учун мўлжалланган,
W	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS кучсиз томонлари	Oracle: пуллик, .... SQL Server: секин ишлиши, .... MySQL: очикли, ... SQLite: локал, ... MS Access: содда,
O	ORACLE, SQL SERVER, MYSQL,	Oracle: ....

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

	<b>SQLITE, MS ACCESS</b> имкониятлари (ички)	SQL Server: .... MySQL: ... SQLite: ... MS Access: ....
<b>T</b>	<b>ORACLE, SQL SERVER, MYSQL, SQLITE, MS ACCESS</b> Дастурий таъминотлар билан боғлашдаги тўсиқлар (ташқи)	Oracle: .... SQL Server: .... MySQL: ... SQLite: ... MS Access: ....

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групкаларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади.



ҳар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён кипали.



навбатдаги босқичда барча групчлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади мавзу якунланади

**Намуна:**

МВБТ					
ORACLE		SQL SERVER		ACCESS	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

**“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

**“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li><li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li><li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>
--	--

**Намуна:** Бир МВ ишлаб чиқилди. Сизнинг компьютерингиздаги опреацион тизимида бу МВсидан фойдаланиш керак. Бунинг учун қайдай босқичларни ва топшириқларни бажариш керак аниқланг.

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони хал қилиш учун асосий босқичларини аниқланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Базадан фойдаланиш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “МВсидан фойдаланиш учун МВБТлари бўлиши шарт”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топширикларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



### Тест

- 1. SQL тилида қандай оператор танлашни бажаради ?
- A. insert
- B. select
- C. Select all



### Тушунча таҳлили

- SQL қисқармасини изоҳланг...



### Қиёсий таҳлил

- МББТларини таҳлил қилинг?



### Амалий қўникма

- МБсини яратиш учун керакли инструментал дастурйи воситаларни ўрнатинг?

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.  
тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб,  
изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлик ёритилади. Саволларга жавоб  
берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки грухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини тақкослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Data base	Маҳлумотлар базаси	
Data mining	Жамланган маълумотлар учун қоидалар	
Data warehouse	Маълумотлар жамланмаси	
Information retrieval	Маълумотларни излаш	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

### Венн Диаграммаси методи


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: МВБТ**



### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«МВБТдан фойдланиш даражаси» кетма-кетлигини жойлаштиринг.  
Ўзингизни текшириб қўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
MS Access					
DataBAsе					
Oracle					
MS SQL Server					

SQLite					
MySQL					

### “Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. Briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### “Портфолио” методи

“Портфолио” – ( итал. Portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралangan ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурухи, тингловчилар гурухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ш. БҮЛІМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

## **МАЪРУЗА МАТНИ**

**1- Мавзу.** Телевидение маҳсулотларини яратиш. телевидениеда ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар

### **Режа:**

- 1.1. Босқич мақсади
- 1.2. Телевизион каналларининг ишлаши
- 1.3. Амалдаги телевидение. Ишлаб чиқариш услублари
- 1.4. Телевизион маҳсулотларининг асосий турлари
- 1.5. Ток-шоу телекўрсатув тури сифатида
- 1.6. Телевидениеда мураккаб маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг одатий жараёни

### **1.1. Босқич мақсади**

«Фильмлар ишлаб чиқариш менеджменти асослари» курсини мақсади -- тингловчилар (талабалар)ни Ўзбекистон, Буюк Британия, Хитой, Россия ва Америка қўшма штатлари мисолида бадиий ва хужжатли кинофильмларни ишлаб чиқаришда асосий ташкилий, иқтисодий босқичлари ва тасвирга тушириш жараёнининг асосий иштирокчилари вазифалари билан таништиришdir.

Айтиш лозим, телеканалларни, телестудияларни ва киностудияларни ташкиллаштириш, режалаштириш, молиялаштириш ва иши бўйича бизнинг давлатимизда, МДҲнинг бошқа давлатлари, масалан Россияда, ғарб давлатларида, АҚШ ёки Ҳиндистонда фарқлар мавжуд.

Ҳар бир давлат ёки тузум бирлиги (фильм ёки телемаҳсулот ишлаб чиқарувчи) ўзига қулай ва мос схема бўйича ишлаши мумкин.

Сўнги вақтда, кино ва телемаҳсулотларни нарҳи ошиши туфайли, бир давлат ичида ва ҳалқаро миқёсида студиялар ишини кооперациялаш (бирлаштириш) кузатилмоқда.

Шу билан бирга, дунёning кўпчилик давлатлари томонидан қабул қилиниб, нуша олинаётган АҚШ (Голливуд)да бадиий кинони ишлаб чиқариш тажрибаси энг катта қизиқишига эга. Кейинчалик, биз фильмларни ишлаб чиқариш асосларини Буюк Британия, Хитой, АҚШ, Россия ва Ўзбекистон мисолида ўрганамиз.

Агар, бутун дунёда бадиий кинони ишлаб чиқариш, тўғри йўлга қўйилганда, фойда келтириши мумкин бўлса, хужжатли кино, қоида бўйича фойда келтирмайди ва ўзини оқламайди (табиат ёки хайвонот олами, дунёга машхур шахслар тўғрисидаги омадли фильмлар бундан мустасно), ва

хужжатли кино – бу аввалом бор “давр ҳужжати” деб гапиришади.

Телевидениедаги алоҳида жанр – бу сериаллар, сериалнинг табиати (муҳити) ва унинг телетомошибинга таъсири тўғрисида кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда, ва бу алоҳида изланиш учун мавзу.

Энг омадли сериаллар ўз ижодкорларига фойда келтирмоқда, ҳаттоқи сериални сценарийси ёки сериал ғояси сотилиши мумкин («Моя прекрасная няня», «Не родис счастливой» ва бошқалар). Кўпчилик мамлакатлар учун сериаллар ўзининг турмуш тарзини, маданиятини, тарихини ташвиқот услубига, масалан – Жанубий Корея “Сарой жавохири”, ёки Туркия «Великолепный век» сериалари ўзига хос “мафкуравий курол”га айланиб қолган.

Ўзбекистон миллий телерадио-компанияси (Ўзбекистон МТРК) – Осиёда энг катта компаниялардан бири. Ҳозирги вақтда, унинг таркибида 23 та бўлинма ва корхоналар, шу жумладан 13 телерадиоканаллар мавжуд. НСС12@57<sup>Е</sup> алоқа сунъий ер йўлдоши орқали тарқатилаётган “Ўзбекистан-Инт” телерадио-дастурларини Ўзбекистонда марказлардан узоқда жойлашган ва етиб бориш қийин бўлган ахоли пунктларида, Марказий Осиё, Россия, Покистон, Туркия, Болгария, Руминия, Молдова, Эстония, Латвия, Украинанинг бир қисми, Грузия, Озарбайжон, Афғонистон, ва Эрон, Белоруссия, Финляндия, Норвегия, Швеция, Ҳитой, Монголияларнинг бир қисмида ишончли қабул қилиш мумкин. МТРК таркибида сўнги йилларда 9 та янги телеканаллар ташкил этилди ва бу ўз-ўзидан бетакрор ҳодиса бўлмоқда. «Дунё бўйлаб», «Наво», «Маданият ва маърифат», «Оиласвий», «Болажон», «Диёр», «Кинотеатр», «УЗ-ХД СД формат», «Махалла» каби янги телеканаллар тезда оммалашиб, телетомошибинларни муҳаббатига эришди.

Телерадиокомпаниянинг мутахассис ходимлар таркиби мустаҳкамланмоқда, янгидан-янги телекўрсатувлар, фильмлар ва ток-шоулар эфирга узатилмоқда.



*O'zbekiston MTRK*

Миллий телерадиокомпанияни техник қайта жиҳозлашга Республикамиз Президенти ва ҳукумати шаҳсан алоҳида эътибор қилишмоқда.

МТРКни техник бўлинмаларини асосий фаолияти рақамли телевидениега ўтиш ва рақамли телевидение пакетлари учун теледастурлар сонини қўпайтириш масаласини ечишга йўналтирилган. МТРКни асосий ижодий ва мафкуравий вазифаларидан бири – бу юксак бадиий ва ҳужжатли телевизион фильмларни ишлаб чиқариш.

Бир неча йил аввал мамлакатимиз ҳукумати томонидан МТРК каналлари учун сериалларни ишлаб чиқариш бўйича «Миллий сериал» («Натсионалний сериал») дастури тасдиқланган. Дастурда, уни бажарилиши учун «Узбектелефильм» ДУКга керак бўлган техникавий, кадрлар ва бадиий йўналишлардаги барча заруриятларни ҳал этиш, шу жумладан, йиллар бўйича телесериаллар ишлаб чиқаришни ошириб бориш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Бунинг учун янги замонавий Медиа марказ барпо этилди. (1.1-расм) Ундаги техник жиҳозлар жаҳон стандартига жавоб бера олади.



1.1- расм. Медиа марказ

Бадиий ва ҳужжатли кино, сериаллар – барча ёшдаги, давлатлардаги ва тоифадаги телетомошибинларнинг телевидениени кўнгилочар ва билим орттириш сегменти (қисмини)ни энг талаб этилаётган жанри ҳисобланади. Теледастурларни очганда, телетомошибинлар эшиттиришлар жадвалида айнан уларни қидиришади. Сўнги йилларда Ўзбекистон миллий

теларадиокомпаниясида янги телеканалларни очилиши муносабати билан, Мустақиллик йилларида бўлган улкан ўзгаришларни муносиб акс эттирадиган миллий кинотелесерилларни яратиш масаласи долзарб бўлмоқда.

Телевизион кинони ишлаб чиқариш – мураккаб ва кўп қиррали жараён. Ва ушбу жараённи ташкил этувчилардан бири бўлиб, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тасвирга олинаётган фильм ёки сериал сметасини (харажатлар жадвали)ни тўғри тузиш бўлмоқда.

## **1.2. Телевизион каналларининг ишлаши**

Ўрганиладиган соҳани кўриб чиқамиз ва телевидениега оид асосий тушунчалардан бошлаймиз. Бу бизга, йўлимизда учрайдиган ишларни асосий босқичлари ва иш турлари билан танишишга ва улар бир-бири билан қандай боғланганлигини тушинишга ёрдам беради.

**Ташкил этиш** – ташкил этишни таянч тамойиллари барча турдаги телевизион ишлаб чиқаришлари учун ўхшаш бўлса ҳам, режиссёр томонидан танлананаётган шакли қўйидаги омилларга боғлиқ:

- Тасвирга олиш студиядами ёки табиатдами.
- Дастур “жонли” (харакатларни ривожланиб боришига қараб) тўғридан-тўғри узатиладими ёки келажакдаги эшиттириш учун тасмага ёзиладими. (1.2- расм)
- Ҳаракат такрорланиши мумкинми (хатоларни тўғирлаш, кадрни созлаш) ёки у фақат бир марта юзага келади ва уни шу захоти тасвирга олиш керакми.
- Вақтни, дастгоҳларни ва жойларни ва ҳ.к етмаслиги билан боғлиқ ҳархил чекловлар.
- Режиссёр томонидан танланган тасвирга олиш услуби (камераларни жойлашиши, кўринишлар (план)ларни алмашиши ва ҳ.к)
- Тасвирга олишда оммани бор-йўқлиги, шунга ўхшашлар ва ҳ.к.

Баъзи ҳолатларда кўп камерали тасвирга олиш кўпроқ самарадорликга эга (маҳсус гуруҳ томонидан масофадаги назорат хонасидан кузатилади). Бошқа ҳолатларда режиссёр ягона-битта камерани йўналтириб, тасвирни яқинида жойлашган монитор орқали кузатишни афзал кўради.

**Режалаштириш ва ижро этиш** – чиройли, тўғри қурилган дастурни тузиш учун, режиссёр ҳаракатларни аниқ тасаввур этиши керак, яъни: кейинчалик нима юзага келади, одамлар қаерда бўлади, нима қилишади, қаерга ўтишади, нима гапиришади, ва ҳ.к.



1.2- расм. Студияда күрсатув ёзии пулти

Холбуки, айрим вақтларда режиссёр фақат импровизатсия қилиб, кадрларни тасодифий (спонтанно) танлаши мумкин, аммо тасвирга олиш гурухини ҳаракатлари ва иши озми ёки күпми режалаштирилган ҳолда сифатли натижаларни олиш эхтимоли бор.

Мураккаброқ ишлаб чиқаришда ижрочи ва тасвирга олиш гурухи, одатда, олдиндан тайёргарланган сценарийга асосланган, тасдиқланган схема бўйича ишлашлари керак. У тасвирга олиш вақтида барча иштирокчиларни бошқариш учун қўлланилади. Тасвирга олиш гурухи дастгоҳларни созлаб олиши учун (камераларни ракурси, ёритиш, овоз, ўтишлар ва х.к.) ҳаракатлар ва диалоглар репетитсия қилинади.

Хаттоқи, диалоглар ва ҳаракатларни олдиндан айтиш мумкин бўймаса ҳам (интервюга ўхшаш), одатда барибир айрим тайёргарликлар ўtkазилади. Сухбатни мавзулари белгиланиши, камералар ва овоз ёзиш аппаратуралар созланиши мумкин. Бадиий фильмларни тасвирга олишда, актёrlар одатда ўзларини луқмаларини (реплика) ёддан билишади ва ҳар бир сўз ва ҳаракат олдиндан репетитсия қилинади. Лекин, кўпчилик ҳолларда, ижрочиларда олдиндан батафсил ишлаб чиқилган сценарийни эслаб қолиш учун вақти ёки имкониятлари йўқ. Шунинг ўрнига, улар матнни камера олдидағи ярим шаффоғ кўзгуга тасвирни чиқарувчи телесуфлёрдан ўқишилади. Бунга кўшимча равишда, улар шахсий радиоприёмникларга уланган кичик кулоқчинлар орқали маслаҳат ва йўриқлар олиши мумкин – одатда, бундай тизимлар янгиликлар ва шунга ўхшаш дастурларда қўлланилади.

**Ҳаракатларни тасвирга олиш** – ҳар-хил услубларда тасвирга олиш

мумкин:

- Узлюксиз (“жонли”, тұғридан-тұғри), жараённи ёзиб бориши.
- Бутун ҳаракат (воқеа)ни қисмларга бўлиб, бўлак “сахна”лар бўйича ёзиш.
- Ҳар бир ҳаракатни камерани кўриш нуқталари ёки обьектни ўлчамлари билан фарқ қиласидиган, алоҳида ёзиладиган “план” (кўриниш)ларга бўлиш.

Монтажни енгиллаштириш учун бир нечта дубл (нуша)лар олиниши мумкин.


Кейинроқ, биз ушбу ҳар бир услубларни устуворликлари ва камчиликларини кўриб чиқамиз.

**Камералар** – ҳозирги вактда ишлатилаётган камералар “шедеврлар”, яъни ноёб (техник сифати бўйича, 1.3-расм). Камералар маҳсулотлар яратиш учун оғир штативларга ўрнатилиб ишлатила-диганидан тортиб, то елкада ушлаб туриладиган студияда ҳам, табиятда ҳам ишлатиш мумкин бўлган енгилларигача мавжуд. Ҳужжатли тасвирга олиш учун кичик, ракамли қўл камералари ҳам тўғри келиши мумкин

**Видеотасмага ёзиш** – қулайлик ва кўпроқ мослашувчанлиги учун, ТВ дастурларни кўпчилиги видеотасмага ёзилади. Тасвир ва овоз, одатда видеомагнитофондаги узун магнит тасмасига (аналог ёки ракамли услубда) туширилади. (4- расм) Баъзida овоз ҳам алоҳида магнитофонга ёзилади.

Видеомагнитофон (ВТР) қуйидагича бўлиши мумкин:

- Камера ичига қурилган ёки унга бевосита ўрнатилган.
- Мустакил ихчам қурилма бўлиб, камера билан симли ёки радиоалоқа воситасида боғланиб турадиган.
- Автобусда ёки яқин жойлашган бинода бўлиши мумкин.



1.3- rasm. Studiya kamerasi

Кўп камерали тасвирга олишда ҳар-хил камералар тасвирини биридан бирига ўтиш ёки бирлаштириш керак бўлганда, ушбу иш, одатда, микшер (микроавтобус ёки яқин жойлашган бинода) томонидан бажарилади. Бундай услугда мужассамланган материал марказий видеомагнитофонда ёзилиб олинади. Бунинг ўрнига ҳар бир камерани чиқиш сигналини ёзиш ва кейин монтаж қилиш мумкин. Сўнги услуг тасвир ва овозни рақамли кўринишида дискларга (магнит ёки оптик) ёзилишини ёки маълумотларни сақладиган яrim ўтказгичли электрон тўплагичларни (накопители) қўлланилишини назарда тутади. Лекин, қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтда бутун дунё ёзиш, монтаж қилиш ва видеоахборотни сақлашда тасмасиз, яни рақамли тизимларга ўтмоқда. (1.4- расм)

- **Тасвирларни қўшимча манбалари** – кинотасма, графика, слайдлар, узоқ нуқталардан узатишлар, титрлар ва ҳ.к.лар каби қўшимча манбалардаги суратлар, дастурга ёзиш вақтида ёки кейинги монтаж (пост-обработка)да киритилиши мумкин.
- **Овоз ёзиш** – одатда кичик микрофон гапираётганни кийимиға маҳкамланади ёки қўлига берилади, ёки “турна” (журавл)га ва бошқа тагтаянчга ўрнатилади. Барча мусиқалар, изоҳлар ва ҳ.к.лар ёзиш вақтида эшиттирилиши ёки пост-обработка вақтида жойлаштирилиши мумкин.



1.4- расм. Аналог ва рақамли тизимга мослашган студия пулти

- **Ёруғлик ёритиш** – кун ёруғлигини тўлдирган ҳолда ёки тўлиқ сунъий бўлганда, кўп томондан қўрсатувни тасвирий муваффақиятига ёрдам бериши мумкин. Ёритиш техникаси ўз ичига маънбаларни кучи, жадаллиги

ва чироқни «фактура»си (уни “қаттиқлиги” ёки ёйилувчанлиги) бўйича дикқат билан бирлаштирилишини ва объектни ёки саҳнани қайсиdir элементларини ажратиш учун, ҳар бир манбани йўналиши ва қамраш ҳудудини танлашни ўз ичига олади.

• **Пардоз (грим) ва костюмлар (гардероб)** – катта масштабли лойиҳаларда ушбу муҳим ташкил этувчи масалалар билан мутаҳасислар шуғулланади. Лекин кичик студияларда бунга кам эътибор берилади ва пардозни ўзи билан кифояланади.

• **Монтаж** – тузилиши бўйича монтаж икки ҳил кўринишда бўлади:

1. Воқеани ҳаракати бўйича шу заҳоти амалга ошириладиган бевосита, тўғридан-тўғри монтаж ҳисобланиб, манбаларни бир-бирига ўтиш учун микшер қўлланилади. Монтажнинг бундай хили эфирга тўғри узатиладиган “жонли эфир” эшиттиришлар учун хос.

2. Кейинги ишлов бериш (постобработка). Бу ҳолатда, дастурдаги барча материаллар йиғилгандан сўнг, айрим кадрлар танлаб олинади ва кейинги монтаж вақтида рўйхатда белгиланиб, монтаж варағи (ЭДЛ) шакллантирилади. Сўнгра, танланган кадрлар ёки қисмлар бўлагини муайян таасурот туғдириш учун, бошқа “тоза” видеотасмага маълум тартибда нушаланади. Бу тасма «мастер-копия» деб номланади. Асос қилиб олинган (исходний) тасмалар келажакда бўлиши мумкин бўладиган қайта монтажлар ёки архивлар учун сақланилади.

Видео ва овоз монтажида иккита асосий тизим қўлланилади:

1. **Чизиқли** - монтажда сиз асос қилиб олинган (исходний) бўлган ёзувни олдинга ва орқага ўраб, керакли қисмларни танлаб оласиз ва уларни монтаж варағига биноан бошқа магнитофондаги “тоза” тасмага кўчирасиз ва шундай қилиб мастер-копияни шакллантирасиз.

2. **Ночизиқли** - монтажда, сиз барча ёзувларни тасмадан дискли тўплагичлар тизимига кўчириб, рақамли нушаларни барпо этасиз. Дискли тизимлар шундай устунликга эгаки, улар, ҳар бир бўлимни топиш учун айрим вақт керак бўладиган, айниқса бир нечта ғалтаклар ишлатиладиган тасмали видеомагнитофонлар тизимидан фарқли равишда, тарқоқ ҳолда бўлган қисмларни жуда тез йиғиб олиш имконини беради.

**Овоз** (дастурдаги овоз) – кўпчилик дастурлар, воқеани амалдаги овозларнинг ёзувидан ташқари ўз ичига ҳар ҳил манъбалардан, масалан аудиотасмалар ёки дисклар, видеомагнитофонлар, киноленталарни ўқиши аппаратуралари, масофадаги манбалар олинадиган бошқа овозларни: мусиқа, овоз эфектлари, изоҳларни киритади. Тасвир монтажидаги каби, овоз воқеани ривожланиши бўйича танланиши ва шакллантирилиши

(микшерланиши) мумкин, ёки овоз йўлакчаси кейинги ишловда (“пост-обработка”) тузилади. Кўпчилик ҳолларда иккала вариант қўлланилади.

### 1.3. Амалдаги телевидение. Ишлаб чиқариш услублари

Бугунги кунда, катта бўлмаган қўл камераси (1.5- расм) ва камтарин (катта имкониятларга эга бўлмаган) компьютерга эга одам, қисқа даврда катта тасвирга олиш гурухининг ишини, кучли ва қўпол дастгоҳлар берадиган натижаларни олиши мумкин!

Хозирда телевизион камера амалда ҳамма ерда тасвирга олиши мумкин.



1.5- rasm. Qoʻl kamerasi

Бизнинг омма, камераларни ҳар томонлама мослигини шундай бўлиши керак деб қабул қилишга ўрганди. Томошабин кўраётган кадрлар студия камерасидан ёки коинотданми, эндоскопдан ёки сузиг кетаётган тюленга ёки парашутчини дубулғасига ўрнатилганми- барча бу материаллар телевидение тегирмонидаги донга ўхшатилади ва аллақандай “табиийлик” сифатида қабул қилинмоқда.

Қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқиши йўли қатор омилларга боғлиқ:

Дастур тўғридан-тўғри эфирга узатилмоқдами (яъни томошабинлар амалдаги вақтда кўришмоқда), ёки кейинги монтаж ва ишлов учун тасмага ёзилмоқда.

Ёзувни доимий ёки воқеа транслятсия қилинадиган ва техник нуқтаи назаридан қулай тартибда танлаб олиб ташкил этилиши мумкин. Шундай, кўп нарса воқеани назорат қилиш ва йўналтириш мумкинлигига боғлиқ, ёки пайтни ушлаб, борича тасвирга олиш.

Янги имкониятлар пайдо бўлиши билан дастурларни ишлаб чиқиши бўйича кўпроқ услублар юзага келди. Дастурлар, имкон даражасида видео ёки кинотасмага ёзилмоқда ва кўпинча, маҳсулотни кўпроқ ўзига тортадиган қилиш мақсадидакўпчилик рақамли видеоеффектларни ўз ичига олган кейинги монтажда шакллантирилмоқда.

Кўпчилик ҳолатларда асосан кадрларни орасида мураккаб бўлмаган ўтишлар талаб этилади, бошқаларида кадрларни танлашни ва тартибини белгиловчи монтаж жараёни нозик санъатга айланмоқда. Кутилганидек,

телевизион ишлаб чиқаришни барча турлари қатор ўхшаш жиҳатларга эга, аммо дастурнинг ҳар бир тури режиссёр ва тасвирга олиш гурухидан баъзи, ўзига хос укувларни талаб этади. Дастур материалини ўзи уни қандай намоиш этилишини белгилайди. Баъзи турдаги маҳсулотлар аниқ режа бўйича юришни, бошқалари, кўпинча бирданига қабул қилинган қарорларга боғлик.

#### **1.4. Телевизион маҳсулотларининг асосий турлари**

**Интервю ва ток-шоу** - бундай ҳолатларда қўпинча маълум даражада стандарт ёндошувлар қўлланилади, камера устувор тарзда сўзловчини ва тингловчиларни муносабатини кўрсатади.

**Янгиликлар (информатсион) дастурлари** – уларни кўпчилиги ўхшаш шаклга риоя қиласидилар. (2.1- расм)

«Студиядан тўғри эфир»: бир жуфт сухандонлар марказдаги стол атрофида ўтириб, ҳар хил қўшимча манбалардан олинган - видео-кинотасмалардаги лавҳаларни, маҳаллий муҳбирларни янгиликларини, расмларни ёки кутубхонадаги графика материалларни киритган ҳолда камералар олдидаги видеосуфлёрлардан янгиликларни ўқиб бермоқда. Кисқа интервюлар ҳам шундай бўлиши мумкин, бунда объект студияда ўтириши ёки студия экранида кўриниб туриши мумкин. Дастур доимий назоратда бўлади ва тўғрилаб борилади, ва кадр ортидаги ҳаракатлар шошилинч равишда амалга оширилади, айниқса энг янги хабарлар ёритилаётганда. Ходимлар гурухи келишилган ҳолда ишлаши лозим ва келаётган материалларни кўриш ва монтаж қилишни, изоҳларни тайёрлашни, иллюстрасияларни, кутубхона роликларни, графикани, титрларни ва х.к.ларни жамлашга улгуриши керак.

**Спорт репортажлари** – спортни ёки ўйинни ҳар бир тури режиссёр олдига алоҳида вазифалар қўяди. Тасвирга олиш шароитлари сезиларли фарқ қиласиди.

Бир томондан, сиз катта бўлмаган бокс рингини туташган майдони ёки билярд столи билан ишлашингиз мумкин. Бошқа томондан, бу футбол



майдонида

доимий ўзгариб турган ҳаракат бўлиши мумкин. Голф бўйича турнир, марафон, от ёки велосипед пойгалари каби ҳар хил мусобақаларда камералар иштирокчилар ортидан юриши керакми ёки бир нечта ўзгармайдиган нуҳталардан олиши керакми? Баъзида бир вақтда бир нечта тадбирлар ўтказилади. Уларни тўлақонли тўғридан-тўғри эфирда ёритиш мумкинми ёки кейинчалик кўрсатиш учун ёзиб олиш лозимми? Ҳар бир ҳолатда, режиссёри асосий мақсади – «керакли жойда керакли вақтда» бўлиш. Узлюксиз ҳиссини сақлаган ҳолда, камера нафақат энг муҳим пайтларни кўрсатиши, тасодифий ҳодисаларни ҳам ушлаб олиши керак. Секинлаштирилган такрорий кўрсатиш воқеани тушунишга ёрдам беради.

**Комедия** – комедияли шоуларни кўпчилиги ўрганиш бўлган СитСом (ситуатсиялар комедияси) «реалистик» форматида тасвирга олинади. Ишлаб чиқариш шундай ташкил этилганки, тасвирга олиш вақтида ҳозир бўлган оммани (томушабин уларни кўради ёки эшитади) воқеага жавобан ҳаракатланиш имкони бор. Кино ёки видеотасмалардаги қўшиладиган лавҳалар уларга юқорига осилган экранларда кўрсатилади. «Зарур бўлган» кўшимча қарсаклар ва кулгилар ёки «жавоб ҳаракатлар» кейинги ишловда киритилиши мумкин.

**Мусиқа ва рақс** - ишлаб чиқариш камера олдида оддий ижро этишдан, тасвир ва овозни сезиларни даражада кейинги ишлов бериш (масалан, устидан жойлаштириш, ҳаракатни секинлаштириш, рангни ўзгартириш, аниматсия эффектлари ва х.к.) кўзда тутилган, мураккаб намойишгacha ўзгариб бориши мумкин.

Алоҳида олганда, агар овозлаштириш жуда мураккаб бўлса, камера олдида олдиндан тайёрланган овоз йўлакчаси ёрдамида пантомима қилиб ижро этилиши мумкин.

**Драма, бадиий фильм, сериал** – тасвирга тушириш, одатда, камера, овоз ва ёритишни аниқ графикга бўйсинган бутун жараённи синчиклаб (тщательное) режалаштирилишини назарда тутади. Диалоглар, ҳаракатлар, камерани ва овоз дастгохини иши сценарийда ёзилган бўлади. Ёзув узлюксиз ёки бўлаклар (фрагментлар) бўйича амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги вақтда, бадиий кинолар кўпинча кейинги ишлов ва монтажга асосланмоқда.

**Реалити-шоу** – телевидение жанри, кўнгилочар кўрсатувни ва онлайн-(тўғридан-тўғри) транслятсияни бир кўриниши. Сюjetи (мазмуни) – бир гурӯҳ одамларни ҳаётга яқин ёки экстремал вазиятда кўрсатиш. 1999 йилда Голландияда пайдо бўлган. Ҳозирда реалити-шоуни 4 та ҳили бор деб

хисобланилади.

### **1.5. Ток-шоу телекүрсатув тури сифатида**

Ток-шоу – бир ёки бир нечта таклиф этилган иштирокчилар бошловчи томонидан тақдим этилаётган мавзуларни муҳокама қилиб бораётган телекүрсатув тури. Қоида бўйича, бунда студияга таклиф этилган томошабинлар иштирок этадилар. Баъзида, томошабинларга савол бериш ёки ўз фикрини билдириш имкони берилади. (2.2- расм)



*2.2- расм. “Имкон” ток-шоу теледастуридан кўриниши*

Классик (мумтоз) ток-шоу ўзича учбурчак кўринишида бўлади: бошловчи – таклиф этилган сухбатдошлар (экспертлар) – студиядаги томошабинлар. Ток-шоу журналистика ва сахна услубларини бирлаштиради. Ва ток-шоу иштирокчиларидан ҳар бири бир пайтда муаллифлар томонидан унга топширилган ролли персонаж бўлади. Жанр тузилиши (схемаси) жуда содда: қаҳрамонлар, томошабинлар, бошловчи, саволлар ва жавоблар.

Жанрнинг кўпчилик мутахассислари, мисол учун, ҳажвия, ҳазилни ток-шоу мувафақиятини гарови деб ҳисоблашади.

Ток-шоу жанрини вазифаси – баҳслашиш, кескин саволлар, ҳар хил нуқтаи назарларни билдириш ёрдамида эшиттиришга киритилган мазмунни қабул қилинишини фаоллаштириш. Замонавий ток-шоуни хийласи шундаки, ташқи кўринишдан эркин баҳсада томошабинларга қандайдир, ягона, ўз кўрсаткичлари бўйича қатъиян чекланган қараш сингдириб борилади.

Ток-шоу жанри бир пайтда ҳам кўнгилочар, ўйинли ва мусиқий, (2.3-расм) ҳам информатсион, ҳам сиёсий бўлиб келиши мумкин. Ток-шоу учун ташқи шароитлар ҳам сезиларли: маълум жой ва қатъий риоя этиладиган даврийлик, яъни оммавий томошабинни онгига «учрашувни сабрсизлик

билан кутиш» ҳолатини қўзғатишга мўлжалланган дастурларда мунтазам такрорланиши.



2.3- расм. Мусиқий ток-шоуни тасвирга олиш жараёни

Ток-шоу драматургияси, ушбу жанрни савол-жавобли асоси билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шакли, сифати, тури ва саволлар кетма-кетлигини мантиқларидастурни яширин мақсади (интрига)ни ва мавзу қаторини ривожланиш динамикасини белгилайди. Асосий саволларни бошловчи беради, жавобни ток-шоуни хар хил тоифадаги иштирокчилари (қаҳрамонлари, эксперtlар, томошибинлар ва ҳ.к.) беришади.



2.4- расм. Фил Донахю шоусидан кўринишилар

Дунёда биринчи бўлиб ток-шоуни **Фил Донахю** яратган деб ҳисобланади, уни лойиҳаси «Шоу Фила Донахю» деб номланган ва бу ниҳоятда тасодифан юзага келган: 1967 йилда, кўрсатувлар биридаги қаҳрамон билан сухбат пайтида ўзининг саволлари тугаб қолган, ва у

томушабинлар залига мурожаат қилган – саволлар кутилгандан ҳам кўпроқ экан. Дунёдаги биринчи ток-шоу шундай пайдо бўлган деб ҳисобланмоқда. (2.4-расм)

Ток-шоу жанрли хар-хиллиги бўйича нооддий тематик ва функционал кенглиги билан фарқ қиласи. Тадқиқотчилар ток-шоу бошловчини шаҳсига мужассамланган деб ҳисоблашмоқда. Бу максимал даражасида шаҳсиятга боғлиқ шакл. Шаклни ва яратувчини биргаликда харакатланишига биринчи навбатда бошловчини шаҳсий сифатлари ёрдам беради: таниклиги (оммавийлиги), ақли, топқирлиги, дилраболиги, ҳазилкашлиги, диққат билан тинглаш ва бошқалар. АҚШда энг оммабоп бўлган ток-шоу бошловчиси **Опра Уинфрини** кўп йиллар мобайнида дунёнинг энг нуфузли шаҳслар қаторига кириши тасодифан эмас ва унинг олаётган қалам ҳаки (гонорарлари) Америка учун ҳам ниҳоятда баланд.

Бошловчи томонидан кўйилаётган масалага боғлиқ ҳолда дастурнинг ҳар-хил босқичда ҳар-хил турдаги саволлар ишлатилади. Ток-шоуни доимий таркибий қисмлари, бу бошловчидан ташқари меҳмон («қаҳрамон»)ларни – бир нарса билан машҳур бўлиб кетган ёки шунчаки узининг харакатлари, фикрлари, турмуш тарзи билан қизиқ бўлган инсонлар. Телевидениеда бир қанча ўнлаб томошабинлар ва билимга эга эксперталарни студияда бўлиши шарт. Томошабинлар, ҳар доим ҳам сухбатга тортилмайдилар, баъзида уларни иштироки олқишлиш, кулги, ҳайратланиш нидолари билан чекланади – бу алоҳида оммавийлик муҳитни яратади, телетомошабинларга «ҳиссиётли ҳабар» юборади. Тўғри эфирга узатилаётган айрим ток-шоуларда, студияга телефон орқали қўнғироқ қила оладиган ва баланд овоз алоқаси орқали улана оладиган, СМС ёрдамида ва интернет-овоз бериш орқали уз фикрини билдира оладиган телетомошабинлар фаол иштирок этадилар.

Ҳозирги пайтда ток-шоулар драматургия бўйича икки шаклларга асосланиши мумкин: муқобил (алтернатив) ва очиқлигига. Алтернатив шакли аудиторияни икки гурӯҳ (лагер)га бўлинишини назарда тутади ва ҳар томонни иштирокчилари ўзини хақиқатини исботлаши лозим. Бундай дастурда, муҳокама қилинадиган саволни қўйилишидан келиб чиқадиган тўқнашув, харакатни келтириб чиқаради.

Бундай ток-шоуда, қарама-қарши томонлар “тарозаси тенглаштирилади” – улар бир ҳил вазн тоифасида бўлиши ва ҳар бири тенг даражада ўзини қарашини намойиш этишни ва очиб беришни билиши керак. (2.5- расм)



2.5- расм. Кенг аудиторияда оммавийлик муҳити ва қарши томонлар

Ток-шоуни очик шакли, иштирокчиларни ҳар-хил фикрлари орқали намойиш қилиниши мумкин бўлган битта, олдиндан қўйилган очик саволга асосланган бўлади. Бундай турдаги ток-шоуларни ташкил этиш ва ўтказилишидаги мураккаблиги шундаки, бу шакл, фикри томошабинларга қизиқ бўлган, жуда юқори даражадаги баҳс иштирокчиларини таклиф этишни талаб этади. Ушбу драматургик шакллардан ҳоҳлангани телестудияга ўринли келади. Уларни иккиси ҳам “классик учбурчак”га асосланган: бошловчи – таклиф этилган ҳамсухбат (эксперт)лар – студиядаги томошабинлар.



2.6- rasm. Tok-shou tashkilotchilari  
tashkilotchilari

Ток-шоу пайдо бўлиши билан Америка телевидениесида ўзига хос лавозим – ток-шоу модератори вужудга келди. Бу - аудиторияни “қиздириш” билан шуғулланиладиган одам. У дастурни ўтиш тартиби,

томушабинларни иштироки тўғрисида гапиради, одамларни диалогга чорлайди, иштирок этаётганлардан мавзу бўйича ким гапиришни ҳоҳлашини сўрайди, овоз бериш пултлари (дастурда қўлланилаётган бўлса) билан ишлашни ўргатади. Дунёнинг ҳар-хил мамлакатларида ток-шоу ташкилотчилари модераторларни ҳизматидан фаол фойдаланишмоқда. (2.6-расм)

Кўпинча ток-шоу профессионал қоидаларга тўлиқ мос ҳолда ўхшаш (жанри бўйича), ёзилган дастур “тўғри эфирни” ўҳшатиши лозим. Телестудия ток-шоуларни тайёр сценарийлари, мавзули видео-расмлар, график ва мусиқий безаш вариантларига эга бўлиши керак. Ва ҳатто “навбатчи қаҳрамонлар” (экспертлар) бўлиши керак. Бунда, студияга қисман (масалан, узининг тайёр сценарийсига эга) ёки ток-шоуга керак бўлган барчаси билан таъминланган “ташкиллаштирилган ташриф қилувчилар”ни студияга келиши кўзда тутилади.

Баъзида, рейтингларни ошириш, шоуни томошабоп ва ҳиссиётлироқ қилиш мақсадида, ток-шоу ташкилотчилари ёнланган (подставние) актёрлардан фойдаланишади. Ва, ниҳоят, ток-шоулар кўпинча:

- “мақом беришади, инъом қилишади” (ўз ходимларига ва улар ёритаётган предметга); ижтимоий меъёрларни ўрнатади, ижтимоий аҳлоқни бош ҳаками бўлмоқда;
- бўш вақтни ўтказишда асосий таркибий қисмлардан бири бўлмоқда;
- жамоатчилик фикрини манъбаларидан ва саралаб олувчилардан бири сифатида ҳизмат қилмоқда;
- шаҳсий дунёқарашларни шакллантиради ва рангларини белгилайди

Ток-шоуларни ҳар-хил турлари мавжуд, ва улар ҳар-хил мезонлар бўйича таснифланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳар-хил телеканалларида қуидаги ток-шоулар ўтказилмоқда:

«Бугун ва эрта», «Имкон-шоу», «Яшаш учун кураш», «Суперкелинчак», «Узингни англа», «Ойдин хаёт», «Стат ближе», «Билимдон», «Биз учун мухим», «Тадбикорлик телеклуби», «Учбурчак» ва бошқалар.

Юқорида барча айтилганлардан келиб чиқадигани, ток-шоулар ўтадиган студияларни ёритилиши шундай бўлиши керакки, видеокамералар ҳоҳлаган вақтда, ҳоҳлаган қаҳрамонга, эксперт ёки томошабинга йўналтирилганда, студиядаги ҳоҳлаган нуқта бир текисда ва профессионал ёритилган бўлиши лозим.

Овозга ҳам шундай талаблар: агар бош қаҳрамонлар ва таклиф этилган мөхмөн (эксперт)лар ёқага ўрнатиладиган (“петличка”) микрофонлари билан таъминланган бўлса, баҳсда иштирок этишни ҳоҳлаган минбардаги томошибинларга радиомикрофонлар ёрдамчилар томонидан дарҳол етказилиши керак.

## **1.6. Телевидениеда мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг одатий жараёни**

**2.1- жадвал.**

<b>Дастур ғояси</b>	<b>Предметни ўрганиш</b>
<b>Сценарий лойихаси</b>	Ғоядан келиб чиқиб жараённи режалаштириш.
<b>Дастлабки режалаштириш</b>	Якуний маҳсулотни интерпретацияси, декорацияларни яратишни бошлаш (чизмалар, умумий кўринишлар), ёритишни кўриб чиқилиши мумкин, костюмларни лойихалаш, техник воситалар.
<b>Якуний сценарий</b>	Ролларни тақсимлаш, ижрочиларни танлаш.
<b>Техник режалаштириш</b>	Ишлаб чиқариш режасини тасдиқлаш. Юқорида кўрсатилган босқичларни батафсил режалаштириш. Суратларни, реквизитни, маҳсус эфектларни (саҳна ва видео) тайёрлаш. Ташкилий ишларни бошланиши (буортмалар ёзиш). Курилмалар: тасвирга олиш майдончаси, реквизит, расмлар, эфектлар. Кўшилмалар: фильмотекадан тасмалар, суратлар, табиатда олинган тасвирлар/тасвир ёзувлари.
<b>Сценарийни ўқиши</b>	Яратиш/олиб келиш: реквизит, костюмлар, турмаклар, моделлар.
<b>Студиядан ташқаридағи репетитсиялар</b>	Ижрочилар учун репетитсиялар: харакатланиш йўллари, ўйин, воқеалар, машғулотлар ва ҳ.к. Ишлаб чиқаришни бирлаштириш. Якуний ташкиллаштириш: чироқ, дастгоҳлар. Овоз эфектларни, фон учун мусиқани танлаш/яратиш. Кўрик, кўшимчалар (филлар, тасвир ёзувлар, суратлар)ни монтаж килиш
<b>Камералар учун Сценарийлар</b>	Топшириқни тайёрлаш, кадр формати, камерани ишлатиш партитураси, луқмалар, секин айтиб туриш. Жойга етказиш: ижарага олинган дастгоҳлар, декорациялар, реквизит, суратлар, костюмлар ва ҳ.к.
<b>Студияни тайёрлаш</b>	Тасвирга олиш майдончасини шакллантириш, декорацияларни, умумий чироқларни ўрнатиш. Кўрсатиш курилмалари: телекинопроектор, видеомагнитофон.

<b>Ходиса (эпизод)ларни тасвирга олиш.*</b>	Созлаш: камера дастгоҳлари, якуний чирокларни ўрнатиш, микрофонлар, пардоз, костюмлар, декорациялар, эфектлар.
<b>Тўлиқ қўриб чиқиши (прогон)*</b>	Юқорида кўрсатилган барча босқичларни якунланиши.
<b>Бош репетитсия*</b>	Баҳолаш: ижрочилар ўйини, жамоани иши, ва ҳ.к. Якунловчи тўғрилашлар.
<b>Видеоёзув*</b>	Ёзиш ёки ёзишни репетитсияси. Керак бўладиган қисмларга вақт белгиларни аниқлаш (монтажга қўлланма сифатида). Воқеани харакат вақтини, давомийлигини текшириш. Қайтадан тасвирга олиш.
<b>Монтажга тайёргарлик</b>	Ёзувни (видеотасмадаги вақт белгилари билан солиштириб) текшириш. Керакли кадрларни танлаш, монтажни тартиби ва нуқталарини танлаш.
<b>Монтаж</b>	Керакли кадрларни кесиб олиш, уларни талаб этилган тартибда жойлаштириш, ўтиш титрларни киритиш. Овозга ишлов бериш, овоз эфектларини, фон мусиқасини, видеоеффектларни киритиш. Вақт бўйича тенглаштириш (синхронизатсиялаш).
<b>Кўрик (кўриш)</b>	Намойиш.
<b>Эфир</b>	Нушалар олиш, тақсимлаш, архивга топшириш.

Репетитсия ёзув услуги қўлланилганда бу босқичлар бирлаштирилади, чунки эпизодлар алоҳида режалаштирилади, репетитсия қилинади, ёзилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Телевизион маҳсулотларини асосий турларини айтинг.
2. Мумтоз (классик) ток-шоу қандай кўринишга эга?
3. Ток-шоу дунёда биринчи бўлиб қачон ва қаерда пайдо бўлган ?
4. Телевидениеда мураккаб маҳсулотни яратиш жараёни нимадан бошланади.
5. Студияни тайёрлаш ва монтажга тайёрлашга нималар киради?
6. Ўзбекистон телевидениесини янги телеканалларини айтинг.
7. «Миллий сериал» дастури мазмуни.
8. Телевидениени ташкиллаштириш ва режалаштириш.
9. Телевидениеда қўлланилаётган монтаж турлари.
10. Телевидениедаги ишлаб чиқариш услублари.

## **2- Мавзу. Бадий ва хужжатли фильмни яратишида ижодий гурухнинг асосий таркиби**

### **Режа:**

- 2.1. Тасвирга олиш гурухи директори
- 2.2. Кинорежиссёр
- 2.3. Кинооператор
- 2.4. Ассистентлар
- 2.5. Овоз операторлари
- 2.6. Продюссер
- 2.7. Кино ишлаб чиқариш технологияси

### **2.1. Тасвирга олиш гурухи директори**

**Тасвирга олиш гурухи** – директор фильм ишлаб чиқаришни ташкилотчиси. Саҳналаштираётган асосий тасвирга олиш гурух таркибига киради. Ижодий жараённи **саҳналаштирувчи-режиссёр** бошқаради, ишлаб чиқариш-молия фаолиятини-тасвирга олиш гурухи директори. Фильмни яратишини барча босқичларида, киносценарийдан бошлаб то фильмни ишлаш тугатилгунча, тасвирга олиш гурухи директори ҳар-хил муҳим вазифаларни бажаради. У киностудия томонидан саҳналаштиришга ажратилган маблағларни бошқаради, идора қиласи; саҳналаштирувчи-режиссёр, бош оператор, саҳналаштирувчи-рассом билан фильмнинг бадий гоявий сифати учун жавобгар.

Ижодий масалаларни ҳал этишда иштирок этади: артистлар, маслаҳатчилар билан шартномалар тузишда, саҳналаштириш лойиҳасини муҳокамасида, табиатда тасвирга олинадиган жойларни танлашда, постановкани миқёсини катталигини аниқлашда, ишларни давомийлиги ва нарҳини, уруш ва бошқа оммавий саҳналарни тайёрлайди ва тасвирга олинишини ташкил қиласи; барча тасвирга олиш иштироқчиларга кулай ва ҳавфсиз меҳнат шароитларни таъминлайди; киностудия ва декорацияларни, костюмларни, реквизитни тайёрлаш, ҳамда овоз ёзиш, тасвирга тушириш, ёритиш ва бошқа техникалар билан ҳизмат қўрсатиш бўйича тасвирга олиш гурухининг буюрмаларини бажараётган чет ташкилотлар билан алоқада бўлади.

Ҳар бир фильмни саҳналаштириш ёки телепрограммани яратиш учун ишлаб чиқариш зарур, ва бу картина директорига тегишли имтиёз. Картина директори бутун тайёрлов ва тасвирга олиш даврида ишлаб чиқаришни бошида туради. У, саҳналаштириш билан боғлиқ – табиатда тасвирга олиш экзотик жойлардан то кўчангизни яқин бурчагидаги тасвирга олиш

майдончасигача, энг улкан декорация ва дастгоҳларни ўрнатишдан унинг энг кичкина тирговучигача бўлган саҳналаштиришга боғлиқ барча муаммолар мажмуаси ҳал бўлганини кафолатлаши лозим. Оптималь нарҳларда олинган, буларни барчаси, керакли жойда, керакли вақтда, керакли сонда бўлиши лозим; картина директори ишлаб чиқариш жараёнини ҳар бир иштирокчиси ундан буларни талаб қилишга ҳаки борлигини билиши шарт. (3.1- расм)



3.1- расм. Картина директори тайёргарлик жараёнида

Картина директори, соғлиқни муҳофаза қилиш ва ҳавфсизлик техникаси, иш кунини давомийлиги каби барча юридик талабларни ҳар бири учун бажарилишини кафолатлади. Бу чегередан ташқари экспедитсияларга ҳам таалуқли. Чет мамлакатларини қонунлари, валюта ва ижтимоий келишувлар, атайн қилинмаган бузилишлар натижасида пайдо бўладиган муаммоларни олдини олиш учун, бутун жамоа томонидан бажарилиши керак. Картина директори бадиий-ижодий жараёнга аралашмаслиги керак: унинг иши ишлаб чиқаришни бошқариш. Картина директори, уни қарорларига ижодий томонлар тасир қилишини билиши керак: мавзуни риволаниши, бадиий ечимларни натижалари ва ижодий жараённи бориши, ҳатто режиссёр ўйлаб қўйганини ҳар доим ҳам тасавур қилиш мумкин бўлмаганда ҳам. Бундай иш картина директорига ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқаришга ва уни бошида туришга имкон беради.

Картина директорини иши постановкани миқёсини катталиги ва ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқ. Уни ишини, ташкилий масалаларни ечиш учун ижод билан, яъни ўз имкониятларини тўлақонли намойиш этиш билан шуғулланиши лозим бўлганларни вақтини олмасдан, ижодий ишларга шароитлар яратишни билишига қараб, баҳолаш мумкин.

Бадий фильмни ишлаб чиқариш учун картина директорига бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан кўриниб турибди. Жамоа катта ва шунинг учун, келишилган ҳолда ва ижодий бирлик муҳитида ҳаракатланиши лозим бўлган барча мутаҳассислар иши мувофиқлаштирилиши лозим. Бу бутунлай ишлаб чиқаришни ташкил этишга таалуқли.

Бадий фильмни ишлаб чиқариш кўпчилик дастгоҳларни ва катта ҳажмда ҳар-хил ҳизматларни талаб этади, ва буларни барчаси, ишлаб чиқариш учун белгиланган вақтга сифдириш учун мувофиқлаштирилиши лозим. Буларни барчасига картина директори масъулиятли. У режиссёрни яхши кўриши ёки нафратланиши мумкин, лекин у ёки бу ҳолатда, у осонмас ишни ўз зиммасига олади.

Кўп сонли бўлмаган тасвирга олиш гурухли ҳужжатли фильм режиссёри кўпинча, картина директори ишини бажаради. Ҳужжатли фильмларни ишлаб чиқарувчи мустақил студияларда одатий амалиёт. Бу саҳналаштириш лойиҳасини продюсер-режиссёри бўлиб қолган режиссёр томонидан жараённи жадаллаштиришга қизиқишини уйғотишга йўналтирилган. Лекин, агар у бу иккита касбни бирлаштириш баҳтига эришса ҳам, у тушуниши керак саҳнадаштириш жараёнида шундай вақт келадики продюсер-режиссёр бутун ишни, ҳаттоқи ишлаб чиқариши оддий бўлган ҳужжатли фильмда етарли даражада самарали бажара олмайди. Демак, картина директори албатта тайинланиши лозим, ва бу тайинлаш тайёрлов давридан анча олдин амалга оширилади.

Ҳужжатли технологиялар орасида баъзида продюсер ёрдамчиси каби лавозим учрайди, айниқса, бу ёрдамчи анча тажрибали бўлиб ва олдинроқ ишлаб чиқариш жараёнида ўзини ижобий томондан кўрсатганда. Унинг лавозими продюсер ёрдамчиси деб номланишига қарамасдан, у амалда ишлаб чиқариш бошқарувчиси бўлади, ва амалда уни картина директори деб аташади. Ишлаб чиқаришни бошқариш мураккаблиги бўйича биринчи ўринда тўлиқметражли бадий фильм турибди, ҳужжатли фильм эса иқтисодий молиявий шкалани бошқа учи (тепаси)да жойлашган. Кўпчилик картиналарни жойлашиши - бу, икки қутблар орасида.

Ўзida бадий ва ҳужжатли кинони тасвирга олиш услубарини бирлаштирган, оммабоп мусиқий ижрочиларни иштирокидаги реклама роликлари ҳам бўлади. Улар мураккаблик шкаласи бўйича ҳар-хил баҳоланади: баъзилари бадийга яқин, баъзилари эса – ҳужжатли тасвирга олишга.

Бадий кино – бу ҳақиқий фильмлар яратиладиган ягона муҳит деб ҳисоблайдиганларни огоҳлантириш лозим. Бу бундай эмас. Ҳужжатли

фильмни ишлаб чиқариш бошқарувчисига бўлган талаблар, бадий тўлиқметражли фильмларда бўладиган моддий-техник таъминотини мутлақо барча томонларини, киритилиши ҳар доим эмас. Бадий фильмни (айниқса, бу катта тўлиқметражли фильм бўлса) яратиш устида ишлаётган бошлиқ (менеджер), функционал вазифалари бўйича саноат -ишлаб чиқариш бошқаруви, индустрисл менежментига яқинлашади. Бундай бошқарувни миқёсини тушуниш учун, картина директори бошқараётган ишлаб чиқариш ҳажмини билиш лозим. Бу аниқ маънода бутун ишлаб чиқариш. Бутунлай сахналаштиришни стратегик ва молиявий бошқариш учун, картина директори продюсер ва режиссёр билан биргаликда бадий ва молиявий талабларни қониктириш учун, ишлаб чиқариш бўлимига мурожаат қилишлари лозим.



*3.1- чизма. Муносабатлар дарахти*

Картина директорини ўрни иерархик дарахтини атамаларида, одатда, муносабатлар тизимини чизмасида кўрсатилган ўринда жойлашган.



*3.2- расм. Тасвирга олии жараёнининг минатюр кўрининиши*

Бу бўйсуниш тартиби дарахтидан кўринишича, картина директори продюсер ва режиссёр билан ишлаб чиқаришни асосий фигуранлари бўлмоқда, (3.1- чизма) ва шунинг учун улар, одатда, сахналаштириш

лойиҳасида бошидан оҳиригача иштирок этадилар. Навбатдаги саҳналаштиришга киришганда, картина директори топширилган иш учун бутун масъулиятни ўзига олади. Унинг касби, яхши суратга олинган ва у томонидан ишлаб чиқаришни барча босқичларидан ўтказилиб омадли якунланган фильмдан қаноатланиш ва қўшимча тетиклик зарядини олиш имкониятини яратадиган.

Ва унинг тескариси фильмни суратга олишда вазият ҳоҳлагандек ривожланиб бормаса, картина директорини хафсаласи пир бўлиб ҳафа бўлади.


Картина директори фаолиятини бутунлай баҳолаш учун, у ишга киришиб, ижодий ва ишлаб чиқариш жараёнини унинг якунигача ва ниҳоятида тайёр маҳсулотни қарсаклар остида топширишга етиб келиши учун, ҳаммасидан олдин қандай бош қадамларни босиши лозимлигини тушуниш керак. Фильмни қабул қилинишидан сўнг танқид қилиниши мумкин. Картина директори режиссёрни ижодий мувафақиятсилигига жавобгар эмас, аммо у бутун жараёнда ўзини роли аҳамиятини қўриш учун ушбу танқидни тушуниши зарур. Картина директорини ишлаб чиқариш давомидабарча бўлимлардаги иши барчага мутлақо тушунарли бўлиши керак:

- **керакли одамлар** (жамоада вазифаларни тақсимлаш) ;
- **керакли жойда** (табиатда ва студияда тасвирга олиш жойлари);
- **керакли вақтда** (вақт ва навбат бўйича жадвал) ;
- **керакли нарҳда** (смета ажратмалари ва бюджет ичида).

## 2.2. Кинорежиссёр

**Кинорежиссёр** - фильмни саҳналаштирувчи, кинокартинани яратиш бўйича бутун ижодий ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқарувчи, ғоявий-бадиий консепсиясини муалифи. (3.3)

Режиссёрни дунёқарашини тавсифи ва маҳорат даражаси фильмни ғоявий-эстетик бутунлигини белгилайди. Адабий сценарийни талқин қилишда, у ўзини бадиий ўйламасини тадбиқ этади, шунинг учун кинодраматург сингари картина муаллифи бўлади. Ўйлаганини тадбиқ



3.3- rasm.

этаданда, режиссёр уни танлаган жанр тизимида иборали тилни ифодали, таъсири воситаларини ишлатган ҳолда амалга оширади, ва бунда унинг ижоди учун сценарий асос бўлади. Қаҳрамонлар шахсини ва муҳитни ижтимоий ҳаққонийлиги, бадий ифодаланганлиги, таъсиричанлиги ва эмотсионал-психологик таҳлилни чуқурлигини излашда, режиссёр атрофни ва вақтни элементларини шакллантиради, персонажларни узаро бир-бирлари билан харакатларида тўқнашувини ва характерини очиб беради.

Режиссёр ўзини шахсий ўйлаганлари (ғояси)ни актёrlар, оператор, рассом, бастакор, овоз оператори, тасиврга олиш гуруҳининг бошқа иштирокчилари билан амалга оширади. Картинани ўзига қандай тасвирламасин, режиссёр, ҳар қандай ҳолатда, бўлажак асарни барча таркибий қисмларини келиштиради. Уни оркестрни дирижёри билан таққослаш мумкин. Адабий сценарийда ёзилган воқеалар рассом ва оператор билан биргаликда тузилган режиссёр сценарийсида пластик ва овоз кўринишига эга бўлишади. Монтаж қаторини ишлаб чиқилишига энг муҳим ўрин ажратилади. Режиссёр саводли, малакали ишлаб чиқарувчи бўлиши керак, тасвирга олиш гурухини унумдорлик билан бошқаришга имкон берувчи ташкилотчилик, педагогик ихтидорга эга бўлиши керак.

## 2.2 Кинооператор

**Саҳналаштирувчи оператор** – бадий кинематографда, фильмни асосий яратувчилардан бири, уни тасвирий ечимлари устида бевосита ишловчи ва тасвирга олишни амалга оширувчи. Операторлик санъатини барпо этилиши, кино санъатини бутунлай ривожланиши билан, масавирлик, театр, драматургияни кўпасирлик тажрибасини ўзлаштирилиши билан яқин боғланган. (3.4- расм) Ўзини ижодида операторлик санъатини ва замонавий кинотехникасини бадий имкониятларини қўллаган ҳолда, оператор тасвирга олиш жараёнида фильм яратувчилари бутун жамоасини ижодий ўйланмаларини экранли кўринишда амалга оширади.



3.4- расм. Кинооператор В.Юсов

Оператор, сценарий ва фильмни ғояси асосида, саҳналаштирувчи режиссёр ва саҳналаштирувчи рассом билан биргалиқда фильмни тасвирий ечимини, картина саҳналари ва эпизодлари талқинини, асосий персонажларни портрет тавсифларини ишлаб чиқади, актёрлар синовини ўтказади, тасвирга олиш жойларини танлашда, декорациялар ва костюмларни эскизини тасдиқлашда иштирок этади.

Пастановкачи оператор операторлар гурухини бошқаради, фильмнинг асосий тасвирий структурасини яратади. Операторлар гурухida иккинчи оператор ва ассистентлар мавжуд бўлиб, бош операторнинг кўрсатмаларига асосан иш жараёнини ташкил этади. Тасвирга олиш техникалари инженери ва бош чироқ устаси ҳам пастановкачи операторнинг кўрсатмаларига асосан ишларни ташкил этади.

## 2.4. Ассистентлар

**Ассистент** - фильм саҳналаштирувчиларни – режиссёр, оператор ёки рассомни фильмни тасвирга олиш жараёнидаги ташкилий ишлаб чиқариш вазифаларни бажарувчи энг яқин ижодий ёрдамчи. (3.5- расм)

Режиссёр ассистенти таёrlов даврида, режиссёрни ўйлагани (ғояси) бўйича бош ва эпизод ролларга ижросига актёрлар номзодларини, ҳамда оммавий саҳналар учун статистларни танлайди ва уларни тасвирга олиш учун тўлиқ тайёр бўлишига жавоб беради. Тасвирга олиш майдончасида режиссёр ассистенти иккинчи кўринишни ташкил этади, иштирокчилар ишини тартибга солади.

Оператор ассистенти аппаратурани тасвирга олиш учун тайёрлайди, саҳналаштирувчи-операторни топширифи бўйича ёритувчилар билан биргалиқда ёритиш асбобларини жойлаштиради, тасвирга олиш майдочасини ёруғлигини бошқариб боради. У камера фокуси ўрнатилишини кузатиб боради, тасма (плёнка)ни олади ва уни хисобини олиб боради.



3.5- rasm. Assistentlar

Рассом ассистенти архитектура, кундалик турмуш, фолклор бўйича тасвирий материални танлайди. Саҳналаштирувчи- рассомни эскизларига биноан декорациялар, мураккаб съёмкалар макетларини лойиҳалари бўйича қисмлар (деталлар)ни ишлаб чиқади. У киностудиялар цехлари томонидан бажарилаётган буюртмаларни сифати ва муҳлатларини назорат қилади. Ассистентни вазифалар доираси жуда кенг, уни тажрибаси, чин диллиги, ташабускорлиги ва ижодий имкониятларига, кўпинча, бутун тасвирга олиш гурухини иш натижалари боғлиқ.

**Ассистент** - кино ишлаб чиқаришида энг муҳим касблардан бири, ва уни эгаллаш ҳар хил билимларни ва амалий уқувларни талаб этади.

## 2.5. Овоз оператори

**Овоз оператори** - сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи- режиссёрни умумий ўйламасига биноан кинокартинани овозлаштиришни амалга оширадиган тасвирга олиш гурухини асосий ижодий ҳодимлардан бири. Фильм устида ишлаш жараёнида овоз оператори диалогни, шовқинларни, мусиқани ёзади. Овоз ёзуви тасвир билан синхронлаштирилади, ва янги бадиий сифат - эшитимли ва кўринишли қиёфа пайдо бўлади. Бунда, овоз шунчаки тасвирни шарҳлаши ёки намойиш этиши эмас, балки бунинг учун кенг қўлланиладиган контрастлар ва овоз таасуротлари эшитимли, кўринишли, образли зарур бўлган ва қисмли элементи бўлиши керак. (3.6- расм)



## 2.6. Продюсер

Бизнинг мамлакатимизда эндиғина пайдо бўлган кино ва телепродюсер лавозими алоҳида сұхбатни талаб қиласди.

**Продюсер** (англ. *Producer* — ишлаб чиқариш) кинематографда ва телевидениеда бу, кинотелекомпанияни фильмни ёки телекўрсатувни саҳналаштиришда ғоявий-бадиий ва ташкилий-молиявий назоратни амалга оширувчи ишончли шахси. (3.7- расм) У актёрларни, техник ҳодимларни танлашда ҳам фаол қатнашади. Продюсер вазифаларини режиссёrlар, актёрлар, сценарий муаллифлари ҳам бажариши мумкин. Продюсерни асосий вазифаси – фильмни, телекўрсатувни тасвирга олиш гурухига шароитлар яратиш, ижодий масаларни муваффақиятли амалга ошириш учун шароитлар яратиш.

**Тарихи:** Продюсерлар тизими 1910 йиллар охирида Голливудда пайдо бўлди, кинофильмни ишлаб чиқарилиши ва намойиш этилишга берилиши мумкин бўлмаган ижодий, ташкилий ва молиявий масалар учун шахсий масъулиятни киритиш бўйича табиий қадам бўлди. Урушдан олдинги Америка киноси кўринишини, режиссёrlардан кўра кўпроқ даражада продюсерлар белгилаган. **Ирвинг Талберг** мумтоз Голливудда китобий продюсер мисоли бўлган; дарҳол унинг ўлимидан сўнг Америка киноакадемияси, энг яҳши кинопродюсерларга бериладиган унинг номидаги мукофотни таъсис этган.

**Касбни хусусиятлари:** Продюсерлар фаолиятини қутулиб бўлмайдиган камчилиги бўлиб уларни ижодий ва кадрлар масалалари бўйича қатъий кўрсатмалар беришга даво қилиши. Шу билан бир пайтда, продюсер нафақат режиссёр ўйлаганини амалга оширишига ёндошгани, шу билан бир вақтда ёш ихтидорли режиссёrlар намоёндалари қаторини ҳаётга олиб чиқсан ҳолатлар кам эмаслиги маълум.

Кинопродюсер ишини умумий кўринишда бир нечта нуқтада ёзиб бериш мумкин. Продюсер янги фильм ғоясини топади ёки унга таклиф этишади. У уни устида ишлаб боради, уни амалга ошириш учун қанча пул керак бўлишини ўйлаб чиқади, молиялаштириш манъбаларини топади, сценарий муалифини, режиссёrnи, актёрларни таклиф этади, рекламани ва



3.7- rasm Prodyuser

фильмни кино кўришга (прокат)га чиқаришни таъминлайди. Режиссёр билан муносабатларига келсак, улар ҳар-хил бўлиши мумкин. Агар гап муаллифлик кино тўғрисида бўлса, биринчи ўринда режиссёр бўлади. Фоя унга ёки сценарий муаллифига тегишли бўлса, у ўзи фильм концепсиясини ўйлаб чиқаради, продюсер эса фильмни олишда ёрдам кўрсатади.

Молиялаштириш манъбаларига тегишли боблар алоҳида тушинтиришларни талаб қиласди. Мутахассислар, кинопродюсарни иши, у ишлатаётган моделга боғлиқлигини қайд қилишмоқда. Кинематографда иккита: тижорат ва бюджет модели мавжуд. Тижорат кинематографи фойда олишга мўлжалланади. Бундай модел, кино кўрсатиш (прокат), сезиларни фойда келтирадиган даражада ривожланган жойда, иш беради. Бундай мамлакатлар орасида АҚШ етакчилик қиласди. Бюджет модели, биринчи навбатда давлат телекомпаниялар учун, лойиҳани бюджетдан қўллаб-кувватланишга қаратилган. МТРК иши бюджет йўналишига асосланган. Ва тижорат қонунлари бўйича яшаётган кинематограф кинопродюсери ҳамда бюджет соҳаси орасида улкан фарқ мавжуд. Тижорат варианти, фойда кинони намойишидан (прокат)лигини белгилайди.

Бюджетлида – фойда давлат бюджетидан ёки ҳомийлардан жалб қилинишига боғлиқ. Жалб қилинган пуллардан қанча кўп тежалса, лойиҳадан продюсерни ўзига шунча кўп фойда бўлади. Кинони намойишидан олинадиган фойда иккинчи ўринга ўтади. Ўзбекистонда ҳам тижорат кинематограф ривожланмоқда, бу эса бизда ҳам классик (тижорат) схемаси бўйича ишлайдиган продюсерлар пайдо бўлаётганини билдиради.

**Кинопродюсерлар қандай бўлади?** Продюсер студия номидан ишлаши мумкин (студия продюсери) ёки ўз-ўзича (мустақил продюсер). Студия продюсери студияда мавжуд бўлган пуллардан фойдаланади. Мустақил продюсер молиялаштириш, реклама, кино намойиши (прокат) масалалари билан шуғулланади. Бундан ташқари, фильмни яратиш вақтида бир талай ташкилий ва техник масалалар ечилиши лозим, ва бир одам шунча ташвишларни уddyалай олмайди. Шунинг учун, асосий (бош) продюсердан ташқари фильм устида ижрочи ва йўналишлар бўйича продюсерлар ишлайдилар.

**Бош продюсер (эхесутиве продусер)** – техник воситаларни жалб қилиш, ижодий ҳодимлар (сценарий муалифи, режиссёр, актёrlар ва х.к.), дистрибутерлар билан шартномалар тузишга диққатини қаратади. У ўзи фильм бюджетини таҳминий ўлчамини аниқлайди.

Лекин олдин – фильм ғояси. Ундан харакатлана бошлаб, бош продюсер қайси режиссёрни жалб қилиш, молиялаштириш қандай бўлишини ва

х.к.ларни ҳал этади. Баъзида фильм устида бир нечта бош продюсерлар ишлайди. Бири ғояни пишитиш билан шуғулланади, уни бошқа студияларга таклиф этади, бошқаси – пулларни жалб қиласди, учинчиси тўғри келадиган режиссёрни, сценарийчини ва х.к. қидиради.

**Ижрочи продюсер (продусер)** - катта лойиҳаларда керак бўлади. У жараённи юқори даражасида бошқаради: (3.8- расм) маблағларни ишлатилишини кузатади, ишчи ходимлар, материал, дастгоҳларни ва х.к.ларни таъминловчилари билан шартномалар тузади, ва ижодий масалаларга кириб боради. Лекин буларни ҳаммаси техник майдачуйдаларга, кундалик тасвирга олиш жараёни, овозлаштириш ва х.к. бўлиши мумкин. Шунинг учун, ижрочи продюсер бирданига бир нечта лойиҳаларни олиб бориши мумкин. Ушбу барча вазифаларни бош продюсер бажаришни бўлиб туради. Катта кинокомпаниялардан ташқарида бу вазифани сценарийчи ўз зиммасига олиши мумкин.



3.8- rasm Ijrochi prodyuser

**Йўналиш бўйича (жойдаги) продюсер (линепродусер, унит продустион манагер)** – аксинча, ижодий гуруҳни ишини таимнлайдиган аниқ ташкилий масалалар билан шуғулланади. Уни ўзи иш жадвалига риоя этилишини назорат қиласди. Айнан жойдаги продюсер лойиҳани бевосита раҳбари деб айтиш мумкин. Баъзида, ишни ундан ҳам тор бўлагига жавоб берадиган продюсерлар тайинланади. Масалан, маъмурий продюсер, фильмни яратиш вақтида ҳар-хил ишларни бажариш учун штатдан ташқари ишчиларни ёнлаш билан шуғулланиши мумкин. Айтиш лозим, продюсерни кинодаги иши телепродюсер шуғулланадиганлар билан кўплаб умумийларга эга. Лекин, телевидениеда ўзининг алоҳида ҳусусиятлари бор.

**Продюсерлар режиссёрларга қарши** - Продюсер касби кинематографни жиддий индустряга айланиши билан 1910 йилларда Голливудда пайдо бўлди. Ушанда, продюсерлик цехи ва режиссёрлик орасида қарши туришлар белгиланди. Продюсер ҳар бир фильмга тижорат лойиҳаси деб қарайди, ва у фильм таҳминан қандай чиқишини олдиндан кўради.

Режиссёрни кўриши умуман бошқача бўлиб чиқиши мумкин. Таниқли мисол – продюсер **Девид Селзник** ва унинг «Унесённые ветром» фильми.

Шундай номланган роман бўйича ишланган фильм нафақат рангли фильмлардан биринчилардан бўлгани учун ажралиб туради. У, кино тарихида энг кассабоп ҳисобланади, Селзникни ўзи – голливудлик энг муваффақиятли продюсерлардан бири. Бу фильм унга биринчи «Оскар»ни олиб келди. Бундай муваффақият учун Селзник фильм устида ишлаш жараёнида тўртта режиссёри алмаштириди. Бошқа томондан, продюсерни босими ҳар доим ҳам омадли бўлиб чиқмайди.

Режиссёrlарни қарама-қарши туриши ҳозирги вақтгача сақланиб келмоқда. Лекин, продюсер ўзи кўришини зўрлаб ўтказмасдан, режиссёрни ўйлаганини ҳаётга киритишга ёрдам берганига кўплаб мисоллар бор. Ва, продюсер дунё учун ўз услугуга эга ёрқин режиссёрни кашф этиш ҳоллари бўлиб туради. Ва бу кинопродюсер иқтидорини қирраларидан бири. Режиссёрлик ва продюсерлик фаолиятини муваффақиятли бирлаштирилишига мисоллар бор.

Масалан, **Стивен Спилберг** – актёр, режиссёр ва продюсер. У 40 дан ортиқ фильмни ишлаган ва 120 тасига продюсерлик қилган.

**Роберт Земескисни** ҳисобида 20-дан ортиқ режиссёрлик ва 35 ортиқ продюсерлик иши. **Джеймс Кемерон, Бред Пит, Россияда - Валерий Тодоровский, Фёдор Бондарчук** иқтидорли продюсер бўлишди.

**Иш жойи:** Кинопродюсер киностудияда, продюсерлик марказида ишлаши, киножараённи мустақил ташкилотчиси сифатида харакатланиши мумкин.

**Мухим сифатлари:** Продюсер касби масъулиятни, ўзига ишончни, ўзини ташкиллаштиришни, қарорлани қабул қилиш қобилиятни, ҳар-хил одамлар билан шахсий алоқалар ўрнатишни, санъат ва ишбилармон одамлари билан умумий тил топишни назарда тутади. Ва, кинога санъат сифатида ва тижорат сифатида қизиқиши аҳамияти бўйича кам эмас. Касбда доимий ривожланиши, ўзини касбий кўриш доирасини кенгайтиришга тайёр бўлиши зарур. Продюсерни ютуқли ғояларга ва ихтидорли одамларга бўлган сезгирилиги яхши дид билан мужассам бўлиши керак.

**Билим ва уқувлари:** Кино – ва телиешлаб чиқариш соҳасида, маркетингда, менжментда билимлари бўлиши, адабиёт, тарих, киносанъати бўйича кенг дунёқарашларга эга бўлиши.

**Қаерда ўқитилади:** Продюсерлик ва иқтисодиёт факултетлари, ихтинослик «Кино ва телевидение продюсерлиги» Баъзи ҳолларда, кинематограф ва телевидениеда актёр, режиссёр сифатида банд бўлган одамлар юқорида гапирилгандек продюсер бўлишади.

## **2.7. Кино ишлаб чиқариш технологияси**

Кино ишлаб чиқариш жараёни 5 та асосий босқичлардан иборат:

1. Ривожланиш (девелопмент – девелопмент);
2. Тайёрлаш (пре-продакшн – пре-продустион);
3. Тасвирга олиш (продакшн – продустион);
4. Монтаж-овозлантириш (МТП, пост-продакшн – пост-продустион),
5. Реклама, сотиш, намойиш қилиш (прокат) (дистрибуция – дистрибутион).

**Ривожланиш (девелопмент)** - босқичида, студия продюсер орқали сценарий қидиради. Ёки бошқа врианти – студия (продюсер)да ғоя бор, ва у сценарийчи билан ушбу ғоя бўйича сценарий ёзилишига шартнома тузади. Студия сценарий сотиб олганда ёки буюртма қилинганни олганда, у муаллифга қалам ҳақини тўлайди ва саҳналаштириш хуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, бу даврда, студия лойиҳага молияларни ва мумкин бўлган шерикдарни жалб қиласди. Сценарий батамом тасдиқланиши ва маблағларни биринчи қисми топилиши билан, тайёрлаш даври бошланади.

**Тайёрлаш (пре-продакшн)** - даврини вазифаси тасвирга туширишга тўлиқ тайёрланиш. Фильмни бюджети ва мураккаблигига қараб тасвирга олиш гурӯхини таркиби ҳар-хил бўлиши мумкин. Уларнинг кўпчилиги ўзи ишини тайёрлаш даврида бошлайдилар.

Киногурух аъзоларини намунавий рўйхати:

1. Продюсер, продюсер ёрдамчиси
2. Саҳналаштирувчи-режиссёр, режиссёр ёрдамчиси
3. Саҳналаштирувси-оператор (умумий кўриниш ечимларга, чироқни ҳисобга олганда жавоб беради, камера ортида ўзи ҳар доим ҳам ўтирамайди)
4. Саҳналаштирувчи-рассом (3.9- расм)
5. Бастакор
6. Овоз режиссёри (овозни умумий ечимларига, шовқинлар ва мусиқани якуний жойлаштириш – миксга жавоб беради), ассистентлар
7. Костюмлар бўйича рассом, уни ассистенти, либосчилар
8. Пардозчи-рассом, пардозчилар
9. Овоз оператори, ассистентлар, микрофончилар (тасвирга олиш майдончасида)
10. Оператор, иккинчи оператор (баъзида, айнан улар камера ортида ўтиришади)
11. Оммавий саҳналар бўйича режиссёр, ассистент, оммавий саҳналар бригадири

12. Иккинчи режиссёр ёки 1-нчи ассистент (бутун жараённи назорат килади )
13. 2-нчи режиссёр (ишлаб чиқаришни режалаштириш билан шуғулланади)
14. Режиссёрни 2-нчи ва 3-нчи ассистентлари
15. Актёрлар бўйича ассистентлар
16. Муҳаррир (америкадаги кино ишлаб чиқаришда у, тасвирларни сценарийга мослигини умумий назоратидан ташқари, монтажни амалга оширади).



*3.9- расм. Рассомнинг тайёргарлик жараёнидан*

17. Скрипт - супервайзер (масалан, ўтказиб юборилган гап, луқма ёки тескариси, қўшимча гап саҳнани ва у билан боғлиқ саҳналарни маъносига таъсир қилмаслигини кузатади)
18. Мусиқа муҳаррири
19. Операторни тасма ва фокус бўйича ассистенти
20. Рассом ассистенти, декораторчи–рассом,декораторчи–рассом ассистенти, саҳна жихозлар устаси (бутафорлар), реквизиторлар, бўёқчилар, саҳна ишчилари
21. Кастинг-директор, ассистент
22. Локейшн-менеджер (тасвирга олиш майдончаларни олдиндиндан кидиришни амалга оширади)
23. Мураккаб харакатларни (трюклар) саҳналаштирувчи

24. Визуал маҳсус эфектлар бўйича режиссёр (маҳсус эфектларни, компьютер графикасини тайёrlайдиган студиялар билан ишлайди)
25. Ижрочи продюсер
26. Тасвирга олиш майдончасини директор ўринбосари
27. Меҳмонхоналар, кўчиб ўтишлар бўйича маъмур (администратор), темир йўл ва авиачипталарни буюртмалари киритилган ҳолда
28. Катта маъмур
29. Майдонча бўйича маъмур
30. Maiший масалалар маъмури (овқатланиш, ҳожатхоналар, дам олиш, овқатланиш хоналарига жавоб беради)
31. Камера, кранлар ва бошқа тасвир техникаси механиклари
32. “Долли”чи (оператор аравачаси-доллини юргизади, релсларни ётқизади)
33. Ёритувчилар бригадаси, бригадир ва унинг ёрдамчиси
34. Электрчи
35. Пиротехник
36. Навбатчи шифокор
37. Ишчилар, юкчилар
38. Кўриқчилар
39. Хизмат кўрсатувчи ходимлар

Зарурат бўлганда, маслаҳатчилар ва бошқа мутахассислар ёлланади, масалан, мураббийлар, тарбиячилар (тасвирга олишда болалар иштирок этганда), ўргатувчилар (хайвонларни тасвирга олганда) ва х.к. Тасвирга олиш гуруҳ аъзоларини сони юз кишидан ортиқ бўлиши мумкин.

Режиссёри концепсиясига мос равишда, тасвирга олинадиган обьектларни танлаш биринчи босқичда рассом локейшн-менеджери билан ёки фақат локейшн-менеджери томонидан амалга оширилади. Агар рассом, кўрилган обьект талабларга жавоб беради деб ҳисобласа, уни кўришга режиссёр, оператор ва овоз оператори боришади. Барча обьектлар, улар қанчалик сахналарни характеристига, кайфиятига, муҳитига мослигига қараб танланади. Лекин, бундан ташқари, технологик нуқтаи назари бўйича ҳам.

Кастинг, одатда, қуйидаги схема бўйича ўтади. Режиссёр фильм қаҳрамонларини қандай бўлишини кастинг-директорига тушунтиради ва у мўлжалланаётган (таҳмин қилинаётган) актёрлар рўйхатини (фотосуратлари ва демо-видео) тайёrlайди. Одатда, битта ролга бир нечта давогар бўлади.

Олдиндан танланган актёрлар билан боғланиб, ўрганиш ва энг асосийси, уларни персонажи кимлигини ўйлаб чиқиш ва бир нечта сахналарни репетитсия қилиш учун, уларга сценарий жўнатилади. Шундан сўнг, ролга

давогар-актёрлар студияга келиб, улар ўзини персонажини как тасовур қилишини гапириб беришади ва тайёрланган саҳналарни намойиш этишади.

Бу ҳаммаси, кейинги муҳокамалар учун видеога ёзилади. Баъзида, актёрларга бирнеча марта кастингга келишига тўғри келади. Бу кастинг, бюджетни имкониятлари бўйича танлаб олинадиган «А» тоифасидаги “юлдузлар”га боғлиқ эмас. Фарб кинематографида, юлдузлар билан биринчи босқичдаги мулоқот қўйидаги схема бўйича бўляпти. Кастиг-директори актёри ишончли вакили (агенти) билан боғланиб, уни бандлик графигини аниқлайди. Агар актёр керакли даврда бўш бўлса, агентига сценарий юборилади ва актёр, биринчи навбатда бу ролни унга қизиқ ёки қизиқмаслиги бўйича қарор қабул қиласди. Агар рол актёри қизиктирган бўлса, гонорар ва меҳмонхоналардаги хоналар класси, унга ҳизмат кўрсатадиган автомобил класси ва ҳ.к. ларни ўз ичига олган бошқа шартлар бўйича саволлар кўтарилади. «А» тоифасидаги юлдузларни гонорари (иш ҳақи) бир неча миллионларга, баъзида ўнлаб миллионларга етиши мумкин.

Юлдузлар кастингда иштирок этишмайди, лекин режиссёр билан учрашишади ва у уларга персонаж қандай бўлишини тушунтиради. Актёрлар танлангандан сўнг улар билан сценарийни ўқиш ва репетитсиялар ўтказилади.

Асосан бу студияларда амалга оширилади. Лекин, тасвирга олиш майдончалари танланган бўлса, мураккаб саҳналаштириш кўринишларни репетитсияси ўша ерда ўтказилади, чунки амалий хоналарда мизансеналарни (актёрларни жойлашишини) аниқ белгилаш мумкин. Ҳардоим ҳам барча саҳналарни репетитсия қилишни улгуриш имкониятлари мавжуд, шунинг учун режиссёр, биринчи навбатда энг мураккабларини танлайди. Параллел равища режиссёрни мутахассислар билан иши ўтказилади. Гурух, ҳар-бир саҳна қандай тасвирга олинишини: чироқни қандай ўрнатиш, камера қандай харакатланиши, қайси пайтда ва қандай актёрлар харакатланишни бошлайди ва ҳ.к., яхши билиши керак. Агар, қайсиdir обьект анча вақт тасвирга олинадиган бўлса, унда ҳақиқий (мавжуд)сини қидириб юрмасдан, декорацияларни тасвирга олиш павилонида қуришда маъно бор.

Павилонда тасвирга олиш, амалдаги интерерларга нисбатан анча енгилроқ, чунки декорациялар чироқни жойлашишини ва камерани бемалол харакатланишини ҳисобга олиб қурилади ҳамда режиссёр ва рассомни ниятини ўз ичидаги аниқ гавдалантиради. Кўпинча, декорацияларни шипи (потолок) бўлмайди ва оператор ёритиш асбобларини бир қисмини тепага жойлаўтириш имкониятига эга. Айниқса бу, актёрларни орқадан ёритиб

берадиган (контровой) нурлар учун қулай. Күпинча, камера ва ёритиш асбобларини жойлаштириш учун, декорацияларда бу ёки бошқа деворни жойидан олиб туриш кўзда тутилади. Учта девордан иборат декорациялар ҳам бўлади, ва барча тасвирга олиш, йўқ бўлган тўртинчи девор томонидан олиб борилади. Қайсиdir маънода бу технологик томондан қулай ва 4-нчи деворга сарфланадиган вақт ва маблағлар тежалади. Бундай декорацияларни ТВ-сериалларни ишлаб чиқаришида тез-тез учратиш мумкин.

**Тасвирга олиш (продакшин)** - тайёрлаш даврига қанча вақт ажратилмасин, у ҳар доим етмайди. Ҳар ҳолда, вақтлими ёки кечми у тугайди ва ишлаб чиқариш цикли съёмка даврига ўтади. Тасвирга олиш даври энг қимматли, чунки ҳар бир тасвирга олиш кунида техника, реквизит, тасвирга олинадиган хоналар ижарага олинади, қўшимча ҳизматлар ишлайди ва актёrlарни иш ҳақи, айнан тасвирга олиш кунларни сони бўйича ҳисобланади. Айнан шу учун, тасвирга олиш даврида узайтирилган иш куни белгиланади ва кўпинча битта, бўлмаса-иккала дам олиш кунисиз ишлашга тўғри келади. (3.10- расм)



3.10- расм. Тасвирга олиш жараёни

Тасвирга олиш сменалар куннинг ёруғ қисмига боғланган. Айниқса табиатдаги тасвирлар, чунки хоналарда кун сунъий ёритиш билан яратилади. Бир сменада фойдали материални ишлаб чиқариш меърибадиий фильмлар учун 2 - 4 дақиқани ташкил этади, ТВ маҳсулоти учун меъёрлар ўн марта кўп бўлиши мумкин. Тўлиқметражли бадиий фильмни (икки соатли) тасвирга олиш даври 2 ой давом этади. Бу мавзуу продюсер Сю Бертуистл ва сценарийчи Сюзи Конклин томонидан ёзилган «Как снимали «Гордост и предубеждение» китобда ёритилган. Унда, бир тасвирга олиш куни тўлиқ кўрсатилган боб бор.

**Монтаж – овозлаштириш (постпродакшн)** - даври тасвир олинган негатив тасмани проявка қилиб, ундан позитив чоп этишдан бошланади, сўнг рақамли форматга ўтказиш учун, сканерланади. Кейин, рақамли материал монтаж қилинади, ранглар тузатилади (светокоррексия) ва маҳсус эфектлар қўшилади ва ҳ.к. (3.11- расм)



3.11- расм. Монтаж ва овоз ёзиши жараёни

Монтажнинг мазмуни энг яхши дублларни танлаб олиб, кейинчалик алоҳида тасвирга олинган планлар билан узаро улаш. Кўпинча тўлиқ дублни эмас, унинг қисмини бошқа дублни бошқа қисмига улаган ҳолда олишга тўғри келади. Монтажни ёки саҳналаштирувчи-режиссёр, ёки муҳаррир амалга оширади. Техник қисмини (монтаж дастгоҳларни бошқариш) монтажёр ёки монтаж муҳандисслар бажаришади. Олдинлари монтаж, тасма ўрамлари қўйиладиган маҳсус монтаж столида қилинар эди. Монтажёрлар тасмани маҳсус пичоқ билан керакли жойларда кесиб, шаффоф ёпишқоқ лента билан ёпиштиришган. Ҳозирги монтаж – роҳатни ўзи. Олдингизда, монтаж дастури ёйилиб кўрсатилган замонавий дисплей. Юқорида, тасвир кўринадиган экранлар, пасида киритилган материалларни бир нечта қатори (линейкалари). Монтажёр тасвирга олинган саҳналарни қисмларини онсонлигича кесади, улайди, қисқартиради, ўрнини алмаштиради. Тасвирли линейкалар тагида овоз йўлакчаларини линейкалари бор. Шундай қилиб, тасвирни тагига овозни жойлаштириш мумкин. Монтаж билан параллел тарзда овоз билан иш боради.

Овоз режиссёри, тасвирга олиш вақтида олинган барча материални, қайсинисини ишлатиш, қайсиниси тузатилиши керак ва қайсинисини янгидан ёзиш лозимлигини аниқлаш учун эшишиб чиқади. Лекин бракни (бузилганини) студия шароитида қайта ёзишга тўғри келади. Агар бу актёрларни лукмаси (реплика)да бўлса, актёрларни студияга таклиф

етишади ва улар бу ерда, экрандаги тасвирга қараб, янгитдан керакли луқмаларни гапириб чиқишиади. Бунда уларга овоз режиссёри, янги ёзилган луқмаларнитүлиқ синхронлигига эришиш учун, овозлар орасидаги тинишлиарни қўшиб ёки олиб, тасвир тагига жойлаштириб озгина ёрдам беради. Баъзи ҳолатларда, брак (бузилиш)ларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, актёрлар студияда тўлиқ қайта ёзиб олинади. Бундай жараён овозлаштириш деб номланади. Агар брак овоз фонига тегишли бўлса, овоз режиссёри фонограммани брак қисмини кесиб олиб ўрнига “ямоқ” қўйишина харакат қиласди. Агар фон шовқинидаги брак актёрлар луқмасида юзага келган бўлса, унда нафақат шовқин фрагментини алмаштиришга тўғри келади, аммо луқмаларни ҳам қайта ёзилиши керак. Фон шовқинларига, масалан, шамол, оқаётган (томчилаетган эмас) сувни, ёмғир шовқини, сув тўлқинларини урилиши, қушлар бақириши (агар улар кўп бўлса ёки улар кадрда бўлмаса), оломон (толпа) шовқини ва ҳ.к.лар киради. Фон шовқинларидан ташқари, овоз режиссёри синхрон шовқинлар билан ишлайди. Буларга, кадрда кўринадиган предметлардан пайдо бўладиган бўлинган (қисқа) товушлар. Масалан: эшикларни қарсиллаши, қадамлар, ҳайвонларни товушлари (ҳайвонлар кадрда бўлганда) ва ҳ.к. Агар синхрон шовқинларда брак (бузилиш) бўлса, ёки улар овоз режиссёрини қониқтирумаса, уларни студияда ёзишга имконият бор. Масалан, синхрон шовқинларни ёзадиган тегишли павилонни полида ҳар-хил: асфалт, қум, тупроқ, шағал ва ҳ.к.ли алоҳида катаклар (сексия) бор. Синхрон шовқинларни ёзишда овоз режиссёрига шовқин бўйича мутахассислар (шумовики) ёрдам берадилар.

Лекин, студия шароитидаги ёзув, майдочада ёзилган товушларга нисбатан камроқ жонли бўлиб эшитилади, шунинг учун овоз режиссёри айнан майдончадагини ишлатиш учун барча имкониятлардан фойдаланади. Баъзида, ижодкорлар олдида сунъий товушларни танлаш масаласи кўтарилади. Айниқса, бу фантастик жанридаги фильмларида тез-тез бўлади. Бундай овозлар билан, уларни овоз синтезаторлари ёрдамида чиқариб олиб ва кейин ушбу овозларга овоз філтрлари ва плагинлар ёрдамида кўп маротаба ишлов бераб, тайёрлайдиган овоз эффектлари бўйича мутахассислар шуғулланади.

Шовқинлардан ташқари овоз режиссёри, файллари бастакор томонидан бериладиган, мусиқий йўлакчалар билан ишлайди. Чолғучиларни жонли овозлари ва ҳатточи бутун оркестр, студияда ёзилади. Замонавий синтетик мусиқа овозларини овоз семпл (тайёр бўлган алоҳида мусиқий товуш) лардан фойдаланилган ҳолда компьютерларда чиқарилади. Луқмалар, фон ва

синхрон шовқинлар, овоз эффектлари, мусиқалар –барчаси ҳар-хил йўлакчаларда жойлашган ва овоз режиссёри томонидан монтаж компьютерини экранидаги тасвир бўйича осон қўйиб чиқилади.

Овоз қатори бутун фильмни ёки уни алоҳида бўлакларини муҳитига салмоқли даражада таъсир қилиши мумкин, ва режиссёрлар ҳамда овоз режиссёrlари ундан тўлиқ даражада фойдаланишади. Оҳирги натижасида, ҳамма йўлакчалар, луқмалар йўлакчаларидан ташқари, биттага туширилади (микшерланади). Фильмни чет элга сотилиши ва уни актёрлар томонидан бошқа тилларда овозлаштириш имкониятини қолдириш учун, луқмали (реплика) йўлакча алоҳида қолдирилади. Бундай кўповозли актёрлик дубляжида луқмалар факат ҳалақит қиласи.

Тасвирни ўзига келсак, айтилгандек, унга керакли маҳсус эффектлар киритилади ва, вазифаларга қараб, уни ранглари тузатилади. Барча жараёнлар тугатилгандан сўнг тайёр рақамли фильм олинади. Юқори тиниқлиқдаги фильм-рекордер ёрдамида фильм тасмага чоп (босма) этилади. Тасмага шундай овоз йўлакчаси ҳам чоп этилади. Кейин синов нушалари ишланади, яна ранглар тузатиш ва ниҳоятда, этalon (асли) нушаси чоп этилади. Ундан яна нушалар ишланади, ва кейин улардан намойиш этиш (прокат) учун адади чоп этилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Режиссёр, оператор ва тасвирга олиш гурӯхини директорини лавозим мажбуриятларини айтинг.
2. Кинематографда кинопродюсер нима билан шуғулланади?
3. Кино ишлаб чиқариши қайси босқичлардан иборат?
4. Тасвирга олиш обьектларини ким танлайди?
5. Ишлаб чиқариш меъёри (норма) нима?

### **3- Мавзу. Режалаштиришнинг бош хужжати. Тасвирга олиш жадвалини тузиш. Фильмнинг сметаси ва бюджети**

#### **Режа:**

- 3.1. Асосий (бош) режалаштириш
- 3.2. Тўлиқ метражли бадиий фильмни тасвирга олиш графигини тузиш
- 3.3. Тўлиқ метражли фильмни календар саҳналаштириш режасини тузиш
- 3.4. Фильмнинг сметаси ва бюджети
- 3.5. Хужжатли фильмлар харажатининг асосий бўлимлари
- 3.6. Бадиий фильмлар сметаси харажатининг асосий қисми
- 3.7. Тасвирга олиш гурухи таркиби

#### **3.1. Асосий (бош) режалаштириш**

Кўринишлар бўйича ёзib чиқилган сценарий, ишларни кейинчалик давом эттиришда керак бўладиган маълумотларни ўз ичига олади. Олдин айтилганидек, барча маълумотлар тузилмаларидан биттаси асосий (бош) режалаштириш бўлган календар-саҳналаштириш режасида мужассамланади.

Моҳияти бўйича, бу Буюкбританияда бўлакларга ажратадиган, ҳар бири учун керак бўладиган саҳналаштириш воситаларни ҳусусиятлари бўйича ҳар-хил кўринишларни солиширадиган, бир-бири билан кесишган график. Аммо, графикни тузиш учун бирламчи маълумотларни олиш керак.

Биринчи қадам кўринишларни таснифлаш ва съёмкалар навбати жадвалини тузиш бўлмоқда. Биринчи рўйхат жадвалга киритилган ҳар бир кўринишни тасвирга олиш кетма-кетлигини ўз ичига олади. Кейинги иккита рамз(символ)лар (е) –табиатни ёки (и) интерерни ва (д) – кунни ёки (п) – тунни билдиради.

Баъзи картина директорлари эътиборини сценарийда кўрсатилган кундузги вақтга қаратади, чунки бу съёмкалар кетма-кетлигини иш кунини бошланишидан уни охиригача ёзib чиқишига ёрдам беради. Кейин, кўринишни номи ёки съёмка жойи, асосий қаҳрамонлар, иккинчи даражали қаҳрамонлар, маҳсус эфектлар ва реквизит кўрсатилади.

Маҳсус эфектлар бўлимига милтиқдан ўқ отишлар, йирик планда олинаётган жароҳатларни пайдо бўлиш эфектлари, қон, портлашлар, туман, шамол бериш ва ёмғирлаш машиналари ва олиниши керак бўлган ҳоҳлаган эфектлар киритилади.«Звездные войны» фильмидаги лазерли электрон замбараклар билан ўққа тутиш каби маҳсус эфектлар, съёмкалардан кейин маҳсус лабораторияларда қўшимча ишланади.

**Реквизит**, смена давомида ижрочилар томонидан ишлатиладиган барча нарсаларни ўз ичига олади: (7.1- жадвал) автомобилдан озиқ-овқатлар, чамадонлар, рўзномалар, телевизорлар, мусиқий асбобларгача, зиёфатларни тайёрлаш (масалан «Дракула» фильмни учун) бизни сценарийда – қўрғошинли бокс, кристалли глобус ва археологик қазилмаларни ўтказиш учун ускуналарни.

### 7.1- жадвал.

№	Тасвирга олиш жойи	Бош қаҳрамон	Иккинчи даражали қаҳрамон	Махсус эфект	Реквизит
1	Шимолий Девон	Ричард Мелани			Ричардни автомобили
2	Шимолий Девон	Ричард Мелани			Ричардни автомобили
3	Археологик майдон	Ричард Мелани	Джени Девид		Ричардни автомобили
4	Археологик майдон	Ричард Мелани	Джени Девид 2 археолога		Майдон ускунаси
5	Археологик майдон	Ричард Мелани	Джорджия Археолог		
6	Кўприк остида майдон олдида	Мелани			Медвежонок Тедди. Китоб, Кўзгу. Лаб помадаси
7	Майдон олдидағи далалар	Мелани Мерлин			Биллур шар
8	Майдон олдидағи дараҳтили тепалик	Мелани Мерлин			Биллур шар Кўрғошинли қутича Тирноклар учун аррача
9	Институтга кириш	Ричард Мелани	Дженни Охранник		Ричардни автомобили
10	Кўриқлаш хизмати	Ричард Мелани	Дженни Охранник		Мелани сумкаси
11	Крисофиси	Мелани Ричард Крис	Эндрю Дженини		Кўрғошинли қутича
12	Крисофиси	Ричард Мелани Крис	Эндрю Профессор С.		Телефон
13	Крисофиси	Крис Мелани Ричард	Дженни Эндрю Профессор С. Техник Охранник		Телефон
14	Археологик майдон	Ричард Мелани	Джени Девид 2 археолог		Майдон ускунаси Кўрғошинли қутича
15	Институтга кириш	Ричард Мелани	Джени 2 қўриқчи		Ричардни автомобили
16	Коровулни жойи	Ричард	Джени		Мелани сумкаси

**Календар** – саңналаштириш режаси энди бўлажак съёмкалар жойида ўтказиладиган ишларни кетма кетлиги, кадро-планларни тасвирга олиш навбатлари, гурухларга ажратилган кадро-планлар киритилган қўшимча жадвал билан тўлдирилиши керак.

Биринчи схемада нафақат, бирга олинадиган 2 ва 6,9,13 ва 16 саңналар бўлади, шунингдек сценарийда кейинроқ жойлашган баъзи кўринишлар, чунки бу кадро-планлар асосий саңналар олинадиган ўша жойларни ўзида олинади. 107 кўриниш 1 кўриниш кетидан бўлади, ва 108 кўриниш 6 ва 3 кўринишлар орасида гурухга ажратилади, чунки 108 кўриниш 6 кўринишга ўҳшаш ва демак уларни бирга тасвирга олиш мумкин, чунки улар амалда бир ҳил саңналаштириш воситаларни ўз ичига олган.

Ишларни ўтказиш бўйича барча график лойиҳалари, ишчи хужжатларга айланишидан олдин, идора (офис)ни тегишли мутахассислари билан келишилган бўлиши керак.

### **3.2. Тўлиқ метражли бадиий фильмни тасвирга олиш графигини тузиш**

*Вақт – пул. (мақол)*

Режиссёр сценарийсини қаҳрамонлар ва съёмка жойлари бўйича бўлиб чиқиши орқали, керакли маълумотларни олиб, бош режалаштиришни ва ишларни тезкор графикини тайёрлаш мумкин.

График (жадвал) – бу, барча ишлар тугатилишига қадар, ҳар бир иш куни давомида нима бажарилиши кераклигини, батафсил акс эттирилган ҳужжат. Графикдаги энг муҳим сана. бу контрактда кўрсатилган тайёр маҳсулотни буюртмачига топшириш санаси.

- Тайёр маҳсулотни топшириш санаси – асосий сана.
- Асосий қоида (кўрсаткич бармоқ қоидаси): тасвирга олиш (съёмка)ни ҳар бир даврига иккита тайёрлаш даври ва учта монтаж-овозлаштириш (тонировочный) даврлар тўғри келади.
- Шундай қилиб, агар фильм 1 январда топширилиши керак бўлса, лекин тасвирга олиш даври тўрт ҳафта давом этса, унда демак, монтаж даври оҳирги ҳолатда 1 октябрда бошланиши керак. Тасвирга олиш 1 сентябрдан кечикмасдан, тайёрлаш даври – ушбу санадан икки ой олдин бошланиши керак. Агар, қанчадир қўшимча вақт бўлса, уни тайёрлаш даврига ишлатиш яхшироқ. Лекин, ҳеч қандай ҳолатда, фильмни топширишни оҳирги санасини қўчирилиши мумкин эмас.

### **3.3. Тўлиқ метражли фильмларни календар-саңналаштириш режаси**

Бутун фильм учун, тасвирга олиш даврида ҳар бир тасвирга олиш майдончасида бўлаётганларни акс эттирилиши лозим бўлган календар-саҳналаштириш режасини тузгандан, бутун гуруҳга ушбу маълумотларни тақдим этиш учун, олдинда турган ишлар мазмунининг қисқача баёни билан ушбу режанинг нушаси, олиниши керак.

Ишга дикқат билан тайёрланиш учун, ҳар бир иштирокчи ҳар куни нима қилиши лозимлигини билиши керак. Ҳар қандай иш куни учун батафсил маълумотлар, съёмкага бир кун қолганда ва олдинги иш куни тугамасдан олдин жўнатилиши лозим бўлган, актёрни съёмкага чақириш кундалиқ билдиришнома кўринишида расмийлаштирилган бўлиши керак.

Тасвирга олиш гуруҳи ва ижрочиларга, улар учун муҳим бўлмаган батафсил маълумотларга кириб бормасдан ва аксинча, съёмкада улар нима қилиши билан боғлиқ маълумотларни сўраб олиш мумкинлиги анча яхши.

Бу, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни бошланишида учрашишган штатдан ташқари техниклар ғуруҳларига таалуқли. Уларга, қоида бўйича, асосан доимий иш кунли штатдаги ҳодимлар банд бўлгансаноат соҳаларида шаклланган ишчи муносабатларни ўрнатиш кутилади. Шунинг учун, уларни ишига етарлича самарада ёрдам берадиган маълумотларга бепарво бўлмасдан, ушбу материалларга бўлган уларни қизиқишини рағбатлантириш керак.

Кинофильмларни тасвирга олаётганларни ҳаммасига маълум, тасвирга олиш майдончасида иш сценарийда ёзилган кетма кетлигига олиб борилмайди, чунки буни кўпинча бир қатор сабабларга кўра амалга ошириб бўлмайди. Ишлаб чиқилган календар-саҳналаштириш графики орқали тасвирга олишни унумлироқ навбатини аниқлаш жуда муҳим.

Ҳар кунги кетма-кетлиги ва навбати энг мақбул бўлиши керак. Компьютер дастурлари ёрдамида бунга тез ва осон эришиш мумкин. Бундай дастурлар дастурий таъминот билан шуғулланадиган, кинобизнесига ҳизмат кўрсатишга ихтисослашган, ҳар-хил компаниялар томонидан етказиб берилади ва машҳур савдо маълумот берадиган китоб (справочник)ларда реклама қилинади.

Календар-саҳналаштириш режани дастурий планлаштиришни амалий устуворлиги шундан иборатки, ягона: «Агар бундай қилса, унда нима бўлади?» саволни бериб, ҳар-хил вариантларни кўриб чиқиши мумкин. Дастурлар жуда тез календар-саҳналаштириш режасини ва бюджет лойихасини тузишдаги ҳар-хил вариантларни самарадорлигини кўрсатади.

Оддий календар-саҳналаштириш режасини бошида (бетни тепасида) фильм тасвирга олинаётган компания номи жойлаштирилади: шундай қилиб

бу режа кимга тегишлиги белгиланади. Ундан кейин, фильмни, балки ўзгартирилмайдыган ишчи (шартли) номи, графикдаги алоҳида кўринишларни чегараловчи календар режа лойиҳасини рақами, хужжатни чиқарилган санаси ва режиссёр сценарийси рақами жойлаштирилади.

Календар-саҳналаштириш режасини сарварағи кетидан сарлавҳалар чизиги келади: САНА, режиссёр сценарийсини кўрсатилган қисмини тасвирга олиш санасини билдиради; САҲНАНИ ТАРТИБИЙ РАҚАМИ (СС. №), қўшимча ўз ичига саҳналаштириш сценарийсидаги кадрларни тартибий рақамларини олади; ЭСЛАТМА (Д/Н), бу саҳна олинадиган вақт (кундузи ёки кечаси); САҲНА, сценарийдаги кўринишларини тасвирга олиш элементларга бўлади; РОЛЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ, қаҳрамонларни ким қайси саҳналарда банд тамоили бўйича тузилган рўйхати; ва маҳсус талаблар (СП.РЕҚС) – бу, мазкур саҳнани олиниши мукин бўлмайдиган, ҳар қандай муҳим қисмларга ўзига ҳос эслатма. Баъзида, бу сарлавҳа (рубрика) иккита параграфга бўлинган бўлади, улардан бири МАҲСУС ТАЛАБЛАРНИ тасвирлайди, бошқаси – ЗАРУР БЎЛАДИГАН ВОСИТАЛАР. Биринчисига, одатда, техник ҳодимлар шамол ва тутун машиналари, оператор аравачаси ва релслар, реостат қурилмалари, ташқи овоз карнайлари ёки бошқа ўзига ҳос техник қурилмалар кераклигини аниқлаш учун мурожаат қиласидилар

Бошқа маҳсус талаблар, одатда тасвирга олишда ишлатиладиган реквизитга тегишли, қандайдир : овқат, чамадонлар, куроллар ва сценарийда ёзилган бошқа нарсалар, шу жумладан, маслан биллур шар. Бу ерга гримга бўлган ҳар қандай маҳсус талаблар жойлаштирилиши мумкин: детектив ёки саргузашт фильмни учун «қон», пичоклар ёки ўқдан олинган ясама жароҳатлар ва бошқа ўҳшаш тафсилотлар. Лекин бу ерга фақат мазкур саҳнада мавжуд бўлган маҳсус талаблар киритилади. Бошқа алоҳида маҳсус талаблар, ҳусусан, ижрочилар таркибига таалуқли бўлганлари, съёмкага чақириш хабарномага киритилади.

Графикни ортиқча кўп сонли тафсилотлар билан тўлдириб ташламаслик учун, барча маълумотлар ва съёмкани ўтказиш учун зуур бўлгани орасида мувозанат бўлиши керак.

Тайёrlаш даври қуйидагиларни ўз ичига олади:

- режиссёрни танлаш,
- “юлдузлар”ни танлаш (кастинг),
- бошқарув мутахассисларни (ижодий ва маъмурий) жалб қилиш ва тасвирга олиш гурухига аъзолар олиш,

- тасвирга олиш режасини, графикни (календар-саҳналаштириш плани) ишлаб чиқиши,
- ишлаб чиқаришни сметасини тузиши,
- саҳнага олиш объектларини танлаши.

Студия томонидан ёлланган режиссёр сценарий билан танишади ва сценарий бўйича ўз кўришини ва ғоясини студия билан мувофиқлаштиради. Агар ҳаммаси студияни қаноатлантирса, режиссёр ишлаб чиқаришни бош ижрочи шаҳси бўлиб қолади ва тайёр натижа – фильм учун жавоб беради.

Режиссёр тасвирга олиш гурухи аъзоларини ўзининг концепсияси билан таништиради, унга керак бўлганини қандай тасвирга туширмоқчилигини тушинтиради. Унинг кўрсатмаси бўйича кадрлаштирувчи – рассом кадрлаштиришни (сторийбоард) амалга оширади. У сурат кўринишида бўлиши мумкин, ёки маҳсус компьютер дастурлари ёрдамида тузилиб, ЗД аниматсия фильмини кўринишида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, режиссёр ҳар бир саҳна, ҳар бир план қандай тасвирга олиниши батафсил ёзилган режиссёр сценарийсини яратади. Сторийбоард ва режиссер сценарийси, мутахассисларга режиссёр кадрдан нимани олмоқчилигини тушунишда ёрдам беради.

Режиссёрни ечими асосида, ҳар бир мутахассис режиссёрни ўйлаб қўйган фикрини амалга ошириш ечимини уйлаб чиқади. Бошқа сўзлар билан: мутахассисларни ҳар бири режиссура билан шуғулланади, ўз соҳасида ва ўзини воситаларидан фойдаланиб, оператор чироқ билан, жойлашиши, камерани харакати, рассом саҳна тасвирга олинадиган жиҳозларни ташқи кўриниши, либослар ва грим бўйича рассом-персонажларни ташқи кўриниши билан.

Овоз режиссёри, керак бўлган муҳитни янада кўпроқ кучайтириш учун саҳна овозини шакллантиришни ўйлаб чиқади. Агар режиссёр бу ерда мусиқани ишлатишни режалаштираётган бўлса, бастакор, саҳнани тавсифидан келиб чиқиб, партитурани ўйлаб чиқади.

### **3.4. Фильмнинг сметаси ва бюджети**

Яратилаётган фильмнинг сметасини (Европа ёки Америка давлатлари фильмлари бюджети) тузишдан аввал қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

1. Тузилаётган сметага, ҳар қандай фильмнинг тасдиқланган (режиссёрлик) сценарийси асосида зарур бўлган **барча** харажатлар (хозирги ва келажакда кутилаётган) киритилиши лозим.

2. 1-п. келиб чиқсан холда тузилаётган сметанинг реал кўринишини фақатгина кино ишлаб чиқарилишидаги профессионал мутахассис бажара

олиши мумкин.

3. Смета фильм яратилиш жараёнидаги асосий иштирокчилар ва барча манфаатдор шахслар томонидан келишилган ҳамда имзоланган бўлиши керак.

4. Сметанинг (бюджетнинг) барча қисмлари асосланган ва хужжат шаклида расмийлаштирилган бўлиши лозим.

5. Жисмоний ва юридик шахсларнинг барча шартномалари ҳамда келишувлари, сметанинг тасдиқланишидан олдин расмийлаштирилган бўлиши шарт.

6. “Намунали (шаблон) смета” тушунчаси бўлгани билан, ҳар бир фильм учун алоҳида ўзининг сметаси тузилиши керак.

7. Смета – бу маҳфий бўлган ички фойдаланиш учун мўлжалланган хужжат. Турли киностудияларда ва ҳар хил йилларда тузилган сметаларни тенглаштириш нотўғридир, шунингдек бошқа давлатлар билан ҳам тенглаштириб бўлмайди.

8. 6-п.да келтирилган иборага қарамай сметанинг асосий тузилиш принциплари бир бирига жуда ўхшаш.

### **3.5. Ҳужжатли фильмлар харажатининг асосий бўлимлари**

#### **1-Бўлим. Сценарий харажатлари**

1. Адабий сценарий ва диктор тексти.
2. Диктор текстининг таржимаси.
3. Маслаҳатчи.
4. Диктор текстини ўқиш.

#### **2-Бўлим. Ойлик маош ва устама**

1. Ойлик маош ва устама.
2. Устама (20% - 30%)

#### **3-Бўлим. Моддий харажатлар**

1. Видеокассеталар.
2. ДВД дисклар.
3. Бошқалар.

#### **4- Бўлим. Цехларнинг хизматлари**

1. Овоз техникаси хизмати.
2. Монтаж хизмати.
3. Тасвирга олиш техникаси хизмати.
4. Махсус ёритиш хизмати.

#### **5- Бўлим. Ташқи корханаларнинг хизматлари**

1. Транспорт харажатлари.

#### **6- Бўлим. Хизмат сафари харажатлари**

1. Кунлик (суючний).
2. Турар жой.
3. Транспортда юриш.

**Жами харажатлар:**

**Фонд жамғармаси (30%):**

**Жами смета қиймати:**

### **3.6. Бадиий фильмлар сметаси харажатининг асосий қисми**

#### **1- Бўлим. Сценарий харажатлари**

1. Адабий сценарий.
2. Бастакор хизмати.
3. Қўшиқга мусиқа басталаш.
4. Ёзилган шерлар учун.
5. Оранжировка учун.
6. Қўшиқчилар учун.
7. Сценарий таржимаси.

Начисления: (20% - 30%)

#### **2- Бўлим. Ойлик маош ва устама**

1. Штатдаги ходимлар маоши.
2. Штатдан ташқари ходимлар маоши.
3. Бош рол актёрлари иш хаққи.
4. Иккинчи даражали актёрлар иш хаққи.
5. Эпизодик роллар ва массовка учун иш хаққи.
6. Постановкачи тасвирга олиш ва дубляж гурухи иш хаққи.
7. Овоз бериш жараёнидаги актёрлар иш хаққи.

Начисления:

#### **3- Бўлим. Моддий харажатлар**

1. Видеокассета.
2. ДВД диск.
3. Бошқалар.

#### **4- Бўлим. Цехларнинг хизматлари**

1. Овоз ёзиш техникаси.
2. Тасвирга олиш техникаси.

3. Махсус ёритиш хизмати.

#### **5- Бўлим. Ташқи корханаларнинг хизматлари**

1. Транспорт.
2. Фотохизмат.
3. Тасвирга олиш жойлари ижараси. (8.1- расм)
4. Овоз ёзиш зали.
5. Махсус автомат машиналарни ижарага олиш.
6. Костюмларни ижарага ёки сотиб олиш.
7. Реквизит.
8. Мобил алоқа хизмати.
9. Ксерокопия.
10. Мебел ижарага ёки сотиб олиш.
11. Канселярий моллари.
12. Декорация.
13. Грим учун материаллар.
14. Хўжалик моллари.
15. Тасвирга олиш техникаси арендаси.
16. Махсус автотранспорт.
17. Медикаментлар.
18. Гўзаллик салони ва сартарошхона.

#### **6- Бўлим. Саҳнавий материаллар харажати**

1. Оператор учун материаллар.
2. Рассом учун материаллар.
3. Либосчи учун материаллар.
4. Натурада қўшимча декорация куриш.
5. Ишлатилиб кетадиган реквизитлар.

#### **7- Бўлим. Экспедитсия харажатлари**

1. Тасвирга олиш гурухининг яшаш жойи.
2. Транспорт харажати.
3. Кунлик (суточний)

**Жами харажатлар:**



8.1- расм. Ижарага олинган тасвирга олии павилиони

### 3.7. Тасвирга олиш гурухи таркиби

(Буюк Британия мисолида)

8.1- жадвал.

#### Администратсия

Продюсер	Иккинчи продюсер
Ишлаб чиқариш бошлиғи	Картина директори
Ишлаб чиқариш координатори <sup>1</sup>	Хисобчи
Продюсер ассистенти	Реклама режиссери
Архив изловчи	
Юқоридагиларнинг ёрдамчи секретарлари	

#### Тайёргарлик (пре-продакшн) даври

Постановкачи рассом	рассомлар
Асосий ижрочилар	Иккинчи даражали роллар ижрочилари
Натура танлашда ассистент	
Костюмлар бўйича рассом	Моделер
Режиссер-актёrlар танлашда	
Дизайнер-костюм ва декорация	Ишлар бажарилиши бўйича
бўйича	администратор
Бутафория ва реквизит	Обойчи-драпировкачи
Декорация қурилиши бўйича	
конструктор	
Ишларни тақсимлаш раҳбари	Ишчилар
Инженер-лойиҳалаштирувчи	Дурадгор

<sup>1</sup> — Prodyuser assistenti

Маляр-рассом	Сувоқчи
Спесеффектлар бўйича раҳбар	Спесеффектлар бўйича техник
Спесеффектларни макетлаш,	Макетлар қурувчиси
программалаштириш бўйича	
Декорация қурувчилари	Фон яратиш бўйича
Инженер-электрик	Сим уловчи
Ўт ўчирувчи-навбатчи	
Турли қурилиш ишларини	Қурилиш ишларини монтажчилари
лойиҳалаштирувчи мутахассис	
<b>Тасвирга олиш даври</b>	
Актёрлар — ЭҚУИТӢ (актёрлар бирлашмаси аъзоси «ЭКВИТИ»)	
Массовка ижроҷилари, статислар (профсоюз ФАА/БЕСТУ)	
Каскадёрлар гурухи —«ЭКВИТИ» аъзоси	
Режиссёр	1- режиссёр ассистенти
2- режиссёр ассистенти	3- режиссёр ассистенти
Ссенариист-раскадровкачи	Видеотехник
Ёритиш чироқ утаси - оператор	Кинооператор
Оператор ассистенти - фокусда	Режиссёр ёрдамчиси «хлопушкада»
Саҳна ишчилари раҳбари	Операторлик тележкаси ишчиси
Овоз орежиссёри	Микрофон оператори
	Тех. персонал – овоз бўйича
Натурада менеджер	
Реклама фотографи	Фильмнинг рекламаси бўйича журналист
	(Бош электрик) — профсоюз
Махсус ёритиш раҳбари	
АЕУ	
Электриклар — АЕУ профсоюз	Чироқ усталари
Гример-пастижер	Парикмахер ва костюмер
СПЕТСЕФФЕКТЛАР Раҳбари ва	СПЕТС. персонал (пиротехник,
спетсеффектларни бошқарувчи	бутафорчи – қурол яроқ бўйича
ходимлар	мутахассис ва бошқалар)
<b>Тасвирга олиш гурухини моддий таминлаш</b>	
(шартнома асосида)	
Шеф-повар	Ошхона хизматчилари
Транспорт хайдовчилари	
<b>Тасвирга олиш гурухига қўшимча таминот</b>	
Тасвирга олиш аппаратлари механиклари, овоз ёзиш техникиси механиклари	
ва зарур махсус ишчи гурух	
<b>Монтаж, овоз ёзиш, тонировка даври</b>	
Монтаж режиссёри	Монтажчи
1- ассистент монтаж бўйича	2- ассистент монтаж бўйича
Қайта ёзиш монтажчиси	Қайта ёзиш монтажчиси ассистенти
Қайта ёзиш овоз режиссёри	1- ассистент овоз бўйича
2- ассистент овоз бўйича	

Оператор овоз ёзиш бўйича

Киномеханик

Мусиқа редактори

Мусиқачилар — профсоюз МУ

Овоз ёзиш бўйича ходимлар

**Плёнка обработкаси, печат**

Лаборатория техник ходимлари, кинокомпанияга алоқадор бўлмаган махсус ходимлар. (буортма)

**Назорат саволлари:**

1. Сметани тузишда нималарни хисобга олиш керак?
2. Хужжатли фильмлардаги асосий харажатларни аниqlанг?
3. Оригинал мусиқа қайси йўналишда (хужжатли, бадиий) ишлатилади?
4. Диктор тексти қандай фильмларда ишлатилади?
5. Хужжатли ёки бадиий фильм яратилишида мебел сотиб олиш мумкинми?
6. Устама харажат деганда нимани тушунасиз?
7. Асосий (бош) режалаштиришни биринчи қадами
8. Келажакдаги бадиий фильмини реквизити нимадан иборат?
9. Календар-саҳналаштириш режаси ўз ичига нималарни олади?
10. Кино съёмкаларни сермаҳсул навбатини компьютер дастурлари ёрдамида
11. режалаштириш мумкинми?

## **4- мавзу. Фильмни монтаж қилиш**

### **Режа:**

- 4.1. Овоз ёзиш, махсус эфектлар, мусиқа, фильмни топшириш
- 4.2. Монтаж
- 4.3. Овоз ёзиш
- 4.4. Мусиқа ёзиш
- 4.5. Махсус эфектлар
- 4.6. Фильмни нусхалаш
- 4.7 Монтаж қилиш даври

### **4.1. Овоз ёзиш, махсус эфектлар, мусиқа, фильмни топшириш**

Фильм ишлаб чиқарилишида тасвирга олиш даври тугаши билан иирик мураккаб палла ортда қолгандай бўлади, бироқ бўшашибишига ҳали эрта. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек режиссёр, мухаррир, монтажчилар, овоз режиссёrlари олдида ҳали иш жараёни ўз босимини йўқотгани йўқ. Агар бугунги кунда яратилаётган фильмларга назар ташласак, уларда айнан тасвирга олишдан кейинги монтаж даврининг узоқ вақт давом этаётганлигини, постпродакш олдида ўта мураккаб вазифалар турганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, режиссёр Ж.Камероннинг “Аватар” фильмини олиб қарасак, унинг тайёргарлик ва монтаж давлари узоқ вақт давом этганлигини кузатамиз.

Тасвирга олиш жараёнидан бўшаган ходимлар ҳатто айрим ижодкорлар ҳам бошқа фильмнинг ишлаб чиқариш жараёнига ўтиши мумкин. Бироқ фильм директори ва режиссёр фильмнинг монтаж – овоз ёзиш даври билан банд бўлиб, фильмнинг натижасини, яъни тугалланган шаклини кўриш ҳамда уни омадли тарзда топшириш олий мақсадига айланади.



*9.1- rasm. Maxsus effect yaratish generatori*

Монтаж даврида фильм қайта туғилади деган ибора мавжуд. Хақиқатдан

ҳам фильмнинг охирги тугалланган варианти айнан шу монтаж столи устида пайдо бўлади. (9.1- расм) Пайдо бўлган фильм эндиликда якуний томоша қилишга ёки эфирга узатишга мос ҳолатига келтирилиши лозим бўлади. Шундан сўнгина махсулотни топшириш ишлари бажарилади.


#### 4.2. Монтаж

Фильмни тасвирга олиш ишлари тугаши билан, тасвирга олинган материал монтажга топширилади. Бунда сценарий бўйича фильмнинг сюжетини ясаш ва ривожлантириш бошланади – бу монтажнинг бошланиш жараёни хисобланади.

Фильмнинг монтажи тасвирга олинган куннинг эртасига бошланиши ҳам мумкин. Бунинг учун тасвирга олинган материал бўлса бас. Масалан, телевизион кўрсатувлар асосан шу тариқа тайёрланади. Албатта бу ерда видео махсулот ва пленка махсулотини бирдай таққослаш мумкин эмас. Аслида видео махсулотини бугуннинг ўзида, ҳаттоқи тасвирга олиш жараёнидаёқ монтаж қилиб бориш мумкин. Демак, параллел тарзда тасвирга олиш ва монтаж жараёнларини ташкил этса бўлади. Бироқ фильм директори бу жараёнларни бирдай бошқара олиши лозим, бу қўшимча масъулият бўлиб айрим ҳолатда қўшимча ходимларни жалб қилинишига тўғри келади. Масалан, телесериалларни ишлаб чиқаришда монтаж жараёнига алоҳида бошқа режиссёр ёлланиши мумкин. Бунинг учун фильм директори тайёргарлик давридаёқ монтаж студиясинининг хизматини, иш жадвалини шунга мослаб тушиб олган бўлиши керак.

Монтаж жараёнида монтажчи режиссёрнинг асосий вазифаси юклатилган ишларни ўзининг гурухи ходимларига тўғри тақсимлаш ва уларни назорат қилишдан иборат. Монтаждаги умумий иш ривожи режадаги кетма кетлик бўйича унумли равишда ўз муддатида тугалланиши лозим.

Монтаж жараёни – бу факат тасвирга олинган материалларни танлаш, вақт давомийлигини аниқлаш, жойлаштириш, саклаш эмас. (9.2- расм)



9.2- расм. Аналог ва рақамли монтаж жараёнлари

Биринчидан, монтаж – бу ижодий жараён бўлиб монтажчидан маълум иқтидорни ва билимни талаб этади. Иккинчидан, монтажчи фильмнинг якуний шаклини яратиш учун унинг таркибий қисмига кирувчи бўлакларини, кўринишларини, жойларини билиши зарур. Бу ҳолат айниқса компьютер графикаси кўп қўлланиладиган мураккаб саҳнали фильмларда янада сезилади.

Фильмда мусиқа, мураккаб овоз-шовқин безаги, маҳсус оптик эфектлар ишлатилиб, улар фильм ёки телекўрсатувнинг монтажи тугагунга қадар тайёрлаб қўйилган бўлиши шарт. Масалан, овозни қайта ёзиш учун баъзи бир техник мосламаларни танлаб олиш керак. Бунинг учун ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўлган бор маълумотни тўплаши, ишнинг умумий хажмини, фильм қанақа форматда тасвирга олингандигини, овоз ёзишда сониясига 24 ёки 25 кадр бўлишини мутахассис тўлиқ билиши лозим. Бу ҳолат видеомонтаж жараёнига ҳам тегишли бўлиб, ундаги қайта ёзиш усуслари ҳақидаги маълумотлар иш жараёни бошлангунича тайёрланган бўлиши керак.

Айнан мана шу даврда анъанавий фильм яратиш билан видеомахсулот ўртасида асосий фарқ гавдаланади. Бунда масалан, киноплёнка харажатларини мисол қилиш мумкин. Видеофильмнинг монтажи икки босқичдан иборат: “черновой линейный” (хомаки линияли, ишловлари тугалланмаган) ва кейинчалик “чистовой линейный” (якуний, барча ишловлари тугалланадиган) овоз ёзиш билан. Фильм директори бу ишларнинг сарф-харажатларини аниқлаши лозим ва шунга қараб иш режасини тузиш керак бўлади. Чунки якуний (чистовой) монтаж шу даражада қиммат туриши мумкинки, унинг бир соат иш вақтига хомаки (черновой) монтажнинг бир кунлик иш вақтига сарфланадиган маблағни тўлаш тўғри келади. Хомаки (черновой) видеомонтаж комплектининг бир куни эса хафталик киномонтаж ижарасига тўғри келади. (9.3- расм)

Видеомонтаж учун қўшимча харажатлар одатда, киноплёнка учун кетадиган қўшимча харажатлардан кўпроқни ташкил этади. Шунинг учун видеомонтаж жараёнига тайёргарлик, унинг назорати ва вақт масаласи мукаммал тарзда ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Демак, агар монтаж жараёнининг бошидан бошлаб хомаки (черновой) монтажсиз фақат якуний (чистовой) монтажнинг ўзи билан жараён кечадиган бўлса, унинг сарф харажати юқори бўлади. Шундай экан тежамкорлик мақсадида монтаж жараёнини икки босқичга бўлиб бажарилгани маъқул.



9.3- расм. Замонавий рақамли монтаж усули

Монтаж ишлаб чиқариш жараёнидаги амалий фактлар шуни күрсатадыки, якуний (чистовой) монтажга сарфланган бир соат иш вақти хомаки (черновой) монтажга сарфланган иш вақтидан унумли кечади, яъни кўпроқ фойдали ишлар қилинган бўлади. Бунинг сабаби иш соатининг юқори нархланишида бўлиб, ходимлар хар қайси йўл билан бўлса ҳам вақтни тежашга ҳаракат қилишади. Монтажчи ва режиссёр ўзларида режиссёрлик сценарийсининг нусхасига эга бўлишлари лозим. Ушбу сценарийдаги барча қайдлар, белгилар, иловалар тасвирга олинган материал билан мос келиши монтажни тезкор ва аниқ бўлишига ёрдам беради. Хужжатли фильм монтажида бу ҳолатни “расшировка” дейилиб, интервю, шархлаш ва бошқа синхрон тасвирга олинган материалларда акс этади.

#### 4.3. Овоз ёзиш

Одатда фильм ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кўпгина мамлакатлар тасвирга олиш пайтининг ўзидаёқ овоз ёзишади. Шунга қарамай айrim мамлакатлар, масалан, Италия, Россия ва бошқа, овозни қайта маҳсус тон-студияларда ёзишга мослашган. Бундай студияларда актёрлар диалоглари, шовқинлар, мусиқа ва эффектлар ёзилади. (9.4- расм) Тасвирга олиш пайтида ёзилган овозлар эса хом ашё, шаблон сифатида ишлатилади. Яна шундай ҳолатлар борки синхрон ёзилаётган монологлар ва диалоглар, куй ва қўшиқлар ёки турли хил тиллардан дубляж қилишлар овоз бериш усулида тон-студияларда ёзилади. Бундай ҳолатда монтаж “лист”лари зарур бўлади. Агар диалог овози қайта ёзилмасада микшер усулида бошқа овоз эффектлари, шовқинлар ва мусиқалар ёзилиши мумкин. Бу қаби овоз ёзиш ва созлаш ишларини фақат маҳсус овоз ёзиш техникалари билан жиҳозланган, маҳсус жиҳозланган хоналарига эга бўлган студияда бажариш мумкин.

Овоз ёзиш студиясини ва ундаги керак бўладиган техникаларни олдиндан куни ва вақти аниқланган ҳолда иш жадвалига киритилган бўлиши шарт. Акс ҳолда бошқа ишлар билан тўғри келиб қолиши оқибатида ижара тўлови ҳавога кетади. Бироқ олдиндан ижарани аниқлаштириб қўйилмаса ҳам у бошқалар томонидан банд бўлиб қолиши мумкин.

Шунингдек, агар фильмга махсус эфектлар, микшерлар, мураккаб овоз ёзиш ишлари, шовқинлар, гаплар, мусиқалар керак бўлиб туриб, уларни амалга ошириш, яъни овоз ёзишни режалаштиришни охирги ўринга қўйилса, бу мураккаб вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Қайта овоз ёзиш босқичларидан бири бу, мусиқа билан гапларни ва шовқинларни бирлаштиришdir.

**Мусиқа** – хар қандай фильмнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Айниқса кичик бюджетли фильмларда бу янада сезилади. (9.5- расм)

Мусиқанинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш ноўрин. У Мосартнинг “Элвире Малиган” классик партитурасими ёки фильм учун махсус ёзилган композитсиями барибир унинг муҳимлиги йўқолмайди. Сиз ёқтирган бирор куйни эшитганингизда шу куй янграган конкрет бир фильм эсингизга тушади, шунинг ўзи етарли. Хақиқатдан ҳам омадли ёзилган куй қалбларда узоқ вақт яшайди. Фильмда мусиқа нима учун хукмронлик қиласди, бунга жавобан шундай дейиш мумкин: аввалом бор мусиқа борлиқдаги энг биринчи пайдо бўлган, ҳиссиётга чақирадиган санъатдир. Шунингдек мусиқа кўнгилни ром қилувчи таъсир кучига эгадир. Энди айнан фильмда мусиқа тасвир билан уйғунлашар экан унинг эмотсионал таъсир кучи янада ортиши ва реаллашиши мумкин. Бу ҳолатни тасвирга таққослаб кўрадиган бўлсак, ўз навбатида тасвир ҳам мусиқа билан уйғунлашиб тасвирнинг таъсирчанлигини ортишига ёрдам беради. Бу жараёнда тасвир билан мусиқанинг бир-бирига мос келиши, уйғунлаша олиши муҳим жиҳат бўлиб кўп вақтни талаб этади.



9.4- rasm. Ovoz yozish

#### 4.4. Мусиқа ёзиш

Мусиқа ёзиш жараёни билан овоз режиссёри ва фильм директори шуғулланади. Айтайлик, фильмда махсус ёзилган мусиқа янграши керак. Бундай ҳолатда овоз ёзиш иш сменаси бир ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. Овоз ёзишда қайси ходимлар зарурлиги, қандай овоз ёзиш техникалари кераклиги ва қаерда ёки қайси жойда ушбу овозни ёзишни овоз режиссёри танлайди. Бунда фильм директори жой масаласини, техника ва ходимларни етказиб беришни таминалайди, тегишли хужжатларни расмийлаштиради. Шундай экан фильмнинг директори у ёки бу мусиқачиларга нисбатан спесифик талабларини билиши ҳамда уларни бажаришга директорнинг вақти етарли бўлиши керак. Масалан, актёрларга нисбатан юқори мавқега эга мусиқачиларни топиш ва жалб қилиш доим ҳам қўл келавермайди.



9.5- rasm. Musiqa yozish

Мусиқа ёзиш жараёнида маблағни тежаб қолишини яна бир йўли шундан иборатки, мусиқачилар билан келишув жараёнида лицензияларга ва авторлик хуқуқига алоҳида тўлов эмас, балки шу бир марталик тўловни ичida ҳисобланадиган тартибда келишиш керак.



Orkestr jo'rligida musiqa yozish


Чунки мусиқа-чилар яратган композитсиянинг гонорар тўлови мавжуд бўлиб, маҳсулотнинг ҳар бир фойдаланилишига қўшимча тўлов қилиш кўзда тутилган бўлади. (9.6- расм)

Агар мусиқа тайёр ҳолатда сотиб олинган бўлса масалан, “токчадан” дегандай, бундай ҳолатда учта иш бажарилиши керак. Биринчиси: ушбу сотиб олинган мусиқани кимдир, бу одатда режиссёр ёки композитор бўлади, эшитиб кўриб танлаш керак. Иккинчиси: офис ушбу мусиқани фильмда ишлатилиши учун зарур бўлган меёрий хужжатларни тайёрлаш билан шуғулланиши лозим. Бунда фильм директори авторлик хуқуқини ҳимоя қилиш жамияти билан (МСПС) алоқага киришиб мусиқани ишлатишга рухсат олиши керак бўлади. Шунингдек, хуқуқлар жамияти (ПРС) билан фильм прокатида авторлик хуқуқига эга бўлишни келишиб олиш зарур. Учинчиси: танланган мусиқани мослаштиришга ва монтаж қилишга қўшимча вақт ажратилиши керак. Бу жараёнда мусиқа овоз магнит лентасига ёки видеолентага қайта ёзилади. Ёзилган мусиқа монтажчи учун фильмнинг умумий монтаж жараёни билан мос келиб тушунарли бўлиши керак.

#### **4.5. Махсус эфектлар**

Фильм яратишида маҳсус эфектларнинг ишлатилиши кино даврининг илк йилларига бориб тақалади. Албатта у пайтларда тасвирдаги бирон бир эфектни яратиш бугунгидай қулай ва осон бўлмаган, (9.7- расм) шундай бўлсада кино пионерлари ўзларининг визуал образларини яратишга турли усуллар билан ҳаракат қилишган. Технологик ривожланиш оқибатида маҳсус эфектларни яратиш ҳам ривожланиб, табиийлик жихати ўсиб, қулайлиги ортиб келди. Бугунги кунда маҳсус эфектларнинг асосий босқичи, тугалловчи фазаси маҳсус компьютерларда бажарилади.

Махсус эфектларни фильмнинг сценарий тайёрлаш давридан бошлаб хисобга олинади. Тайёргарлик даврида уларни яратиш учун тайёргарлик кўрилади. Бу жараёнда кичик ва катта макетлар, объектларни ёки буюмларни маҳсус қурилиши, мосланиб ясалиши, фонларни тайёрланиши, тасвирга олиш учун маҳсус техникалар яратилиб тайёргарлик қилинади.



9.7- расм. Макетлар ёрдамида эффектлар яратиши

Тасвирга олиш даврида маҳсус эффектларни яратиш учун барча гурух ходимлари иштирок этишади масалан, гримчи, декоратор, либосчи, пиротехник, фончи, ёритиш чироқ устаси хуллас барча бирдай хизмат қилади, бироқ кўпроқ вазифа маҳсус эффектлар устида ишлайдиган гурухга тушади. Бугунги кунда постпродакшн усулида эффектларни яратища маҳсус профессионал гурухлар мавжуд.

Маҳсус эффектлар оддий кўринишдан бошлаб ўта мураккаблашган эффектларгача бўлиши мумкин. Масалан, “Юлдузлар жанги”, “Юрск даврининг боғи”, “Титаник”, “Аватар” ва бошқа фильмларни олиб қарайдиган бўлсак улардаги маҳсус эффектларни тайёрлаш ва мослаштиришга тасвирга олишдан ҳам кўп вақт кетганлигини кузатамиз. Умуман олганда маҳсус эффектларни яратиш доим кўп вақтни талаб этган. Бугунги компьютерлар даврида ҳам вақт масаласи ўз қучини йўқотганича йўқ, бироқ маблағ сарф-харажат масаласида сезиларли прогресни кўришимиз мумкин. (9.8- расм)

Маҳсус эффектларни яратиш продюссер ва фильм директорининг олдида турган долзарб ва мураккаб вазифадир. Фильм директори яратилаётган фильмга маҳсус эффектларни ишлатилишида улар қайси усуллар ёрдамида бажарилишини, бунинг учун нималар ва кимлар керак бўлишини тўла тасаввурига эга бўлиши лозим. Барча маҳсус эффектлар умумий ишлаб чиқариш иш режасига киритилиши, аниқ режалаштирилиши керак. Унинг сарф-харажатлари аниқланиб арzon ва сифатли натижага эришиш йўллари кўриб чиқилиши лозим.

Хужжатли фильмлар тайёрланишида махсус эфектлар асосан архивлардан олинади ёки оддий кўринишдаги эфектларга буортма берилади.



9.8- расм. Макетли ва аниматсион махсус эфектлар

#### 4.6. Фильмни нусхалаш

Фильм нусхаларининг печати – бу охирги босқичлардан бири ҳисобланади. Нусхалашдан сўнг махсулотни топшириш ва прокат ёки эфир жараёни бошланади. Административ бўлим фильмнинг якуний натижаси сифатли бўлишини албатта хоҳлашади. Бироқ бунинг учун ҳам маълум тайёргарлик қилиниши керак бўлади. Бу иш овозни қайта ёзиш ва дубляждаги ҳолатга ўхшаб кетади. (9.9- расм)

Лаборатория ўзида, фильмнинг этalon копияси печати учун фильмнинг бутун тасвирга олинган материалининг тайёр бирга-бир монтаж қилинган асл негативига эга бўлиши керак. Шунингдек, бир лентага тайёр монтаж қилиб ёзилган мусиқий фонограмма, гаплар ва шовқинлар, махсус эфектлар бўлиши зарур.

Продюсер, режиссёр, режиссёр-монтажчи ва лабораториянинг ёруғлик созловчиси бош оператор билан биргаликда оралиқ копияларни текширув кўригдан ўтказиши лозим. Нусхалаш жараёнида биринчи навбатда тасвирнинг оптик ранг ва ёруғлик даражаси созланади. Бунда бош оператор ва ёруғлик созловчидан бошлаб бош режиссёр, бош рассом ва ҳатто монтажчи ҳам иштирок этиши мумкин. Фильмнинг биринчи нусхаси тайёр бўлгач холосавий кўригдан ўтказиш учун техник текширув бўлиmlари

(ОТК) раҳбарлари таклиф этилади. Раҳбарлар томонидан қилинган қайдлар келишилган тарзда инобатга олинади ва якуний нусхага киритилади. Фильмнинг якуний нусхаси ўзида тасвир ва овоз йўлакчасини биргина кинолентани ўзида мужассам этади. Ушбу ишлардан сўнг охирги муҳим жараён бошланади, бу лойиҳани молиялаштирувчига тайёр маҳсулот тақдимоти жараёнидир.

Буюртмачининг талабига кўра маҳсулот, яъни фильм қандай форматда топширилиши кераклиги шартнома бўйича аниқланади ва ўша форматда маҳсулот тайёрланади. Масалан, телеканал учун маҳсулот кинолентада эмас, балки видеолентада тақдим этилади. Замонавий лабораториялар бугунги кунда кино маҳсулотларини турли формат ва кўринишда (носител) тайёрлаб бериш имконига эга. Бунинг учун фильм директори олдиндан фильм маҳсулотининг якуний ҳолати қандай кўринишда бўлишини аниқлаб келишиб олган бўлиши керак. Бироқ бу маҳсулотнинг барча нусхалари фақат бир кўринишда бўлиши керак дегани эмас.



#### 4.7 Монтаж қилиш даври

Бу давр исталган фильм учинчи марта ва якуний туғиладиган давр ҳисобланади. Монтаж қилиш даврига фильмни монтаж қилишда қатнашадиган барча ҳодимлар бириктирилади, шартномалар тузилади.

Замонавий электрон технологияларнинг кескин ривожланиши билан видеога суратга олишда режиссёrlар монтаж қилишни биринчи суратга олиш ишларидан кейин оқ бошлашади, замонавий технологиялар суратга олиш ишларидан кейин кечқурун қоралама монтаж қилишни ўтказишга имкон беради. (12.5- расм)

Ҳеч бир фильмнинг ҳеч қандай монтаж қилиш саҳналаштирувчи режиссёrsиз бўлиши мумкин эмас, лекин монтаж қилиш бўйича ҳам бизнинг давлатимизда бошқа давлатлардагига қараганда фарқлар мавжуд.

Бизда монтаж қилиш режиссёрнинг раҳбарлигига ва унинг унинг бевосита қатнашувида ўтказилади.



12.5- расм. Монтаж ва эфирга узатиш аппаратхонаси

Гарбда монтаж қилиш режиссёри дейиладиган касб мавжуд, у ҳаммонтаж қилишни ўтказади, ҳам тайёр монтаж қилинган материални режиссёрга топширади (кўрсатади). Лекин дублларни танлашни, қайси дубл якуний монтаж қилишда ишлатилишини фақат саҳналаштирувчи режиссёр ва саҳналаштирувчи оператор ҳал қиласиди. Исталган ҳолда ижодий жараённинг монтажчи-қатнашувчиси режиссёр, оператор ва овоз оператори бўлади. Лекин афсуски, монтажчига қўйилма тақдирлаш бизда меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилмаган.

Махсус монтаж қилиш хонасида ўтказиладиган монтаж қилиш билан параллел равишда фильмнинг овоз оператори махсус жихозланган бино тон-ателеда “фон шовқинлари” устида ишлашни амалга оширади, бу бу барча овозлар (диалоглар – актёрларнинг овоз беришидан ташқари), синхрон шовқинлар ва мусиқани бир бутунликка келтириш ҳисобланади. Тайёр монтаж қилинган (актёрлар овоз бермаган) вариант студиянинг бадий кенгашига кўрсатилади ва маъқулланганида фильм кейинги босқич – дубляж қилиш (синхрон овозлаштириш) ва синхрон шовқинларни ёзиш гурухига узатилади. Яна бир марта таъкидлаш керак бўладики, монтаж қилиш давридаги барча жараёнлар ва босқичлар саҳналаштирувчи режиссёрнинг назорати ва раҳбарлиги остида бўлиб ўтади. Шунингдек бу вақтда режиссёр композитор ва овоз оператори билан бирга мусиқани қўйиб чиқиши билан шуғулланади, композитор томонидан ёзилган ҳар бир куй ўз эпизодидаги ўз жойини эгаллаши керак.

Синхрон овозлаштириш (12.6- расм) ва мусиқа қўйиб чиқилганидан кейин фильмнинг бутун овоз қатори – фон шовқинлари, синхрон шовқинлар

ва актёрларнинг синхрон овоз бериши, мусқа тайёр, лекин турли кассеталарда, йўлакчаларда ёки дискларда бўлади. Ва овоз оператори монтаж қилиш даврининг охирги босқичи – якуний қайта (тоза) ёзиш ёки келтиришга ўтади.

Бу қайта ёзиш тугаганидан кейин фильмнинг бутун овоз қатори энди битта йўлакчада жойлашади. Ва фильм студиянинг бадий кенгашига якуний топширишга тайёр бўлади. Студиянинг бадий кенгashi кўри чиққанидан ва маъқуллаганидан кейин фильм ўзи томошибини билан урашишга тайёр бўлади. Лекин эфирга ёки экранга чиқиш вақти энди суратга олиш гуруҳига боғлиқ бўлмайди. Фильмни қабул қилиш ҳақидаги далолатномада кўрсатиладиган топширилиши муддати уни бадий кенгаш қабул қилган сана ҳам бўлиши мумкин.

Фильм бадий кенгаш томонидан қабул қилинганидан кейин режиссёр, оператор ва суратга олиш гуруҳи директоридан бошқа суратга олиш гурухининг бошқа барча аъзолари ажralади ва “дастлабки материалларни топшириш ва ишни бартараф қилиш” дейиладиган давр бошланади. Қандайдир моддий бойликлар ёки материалларни олган суратга олиш гурухининг барча аъзолари уларни мос бўлимларга ёки бўлинмаларга топширади. Бунда қайтариilmайдиган сарф материалларини, масалан гrimчи рассомдаги пахта, атири, суртмалар, тароқлар ҳисобга олиниши керак. Бундай материалларга мос равишда рўйхатдан чиқариш далолатномаси тузилади. Ва гурух фильм устидаги ишлаши тугаганидан кейин қайтарилиши шарт бўлган бойликлар, масалан, дазмоллар, термослар, гrim материаллари қолдиқлари, тўшаклар, барча костюмлар, костюмлар ва декорациялар эскизлари ва бошқа суратга олиш гурухлари фойдаланиши мумкин бўлган кўп мартта фойдаланиладиган буюмлар (уларга декорацияларни куриш учун ишлатилган металлар ҳам, ёғоч тўсинлар ҳам киради) ҳам мавжуд. Бу даврдаги энг катта маъсулият ва юклама суратга олиш гурухи директорига тушади. Фильм устида ишлаш вақтида муносабатлар бўлган юридик ёки жисмоний шахслардан молиявий-ҳисобот ҳужжатлари олинган ва барча ҳисоблар якунланган бўлиши (суратга олиш гурухи қўйилма тақдирлашдан ташқари, чунки бу масала билан киностудиянинг режа-молия бўлими шуғулланади), барча моддий бойликлар топширилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши, барча маълумотлар олинган бўлиши, барча қайдномаларва нарядлар ёпилган бўлиши, фильм бўйичабарча сарфлар калкулятсияси бухгалтериядан олинган бўлиши керак. Образли айтганда дирестор барча ишларни ёпилиши ёки бартараф этилишини ўтказиши керак. Бундан кейин суратга олиш гурухи энди

алоҳида бирлик сифатида ўзининг мавжудлигни тўхтатади. Ва суратга олиш гуруҳи директори ундаги барча хужатларга асосланиш билан киностудиянинг иқтисодий қўмитасига тақдим этиладиган суратга олиш гуруҳининг иши ҳақидаги якуний ҳисботни тайёрлайди.

Бу ҳисботга асосланиш билан киностудиянинг иқтисодий қўмитаси бутун суратга олиш гуруҳининг ижодий таркибига саҳналаштирувчиларни тақдирлашни, яни гонорар тўлаш ҳақида қарорни чиқаради.

Бошқа қўмита тўлов гуруҳи ёки аксинча фильмнинг рейтингини аниқлайди, фильмнинг рейтинги қанчалик юқори бўлса, мос равишда бутун суратга олиш гуруҳининг ижодий таркибиға гонорар шунчалик юқори бўлади.

Суратга олиш гуруҳи директори молиявий ҳисботни топширганидан кейин суратга олиш гуруҳининг барча аъзолари ажратилади – гуруҳ тўлиқ тарқатиб юборилади. Фильмни эфирга чиқиши санаси ва вақтини телерадиоканал раҳбарияти аниқлайди.



### **Назорат саволлари:**

1. ТВда хужжатли фильм яратиш хусусиятини тушунтиринг.
2. МТРҚда бадий фильмларини ишлаб чиқариш босқичлари, тайёргарлик жараёни қандай кечади.
3. Суратга олиш даврида қилинадиган ишларни ёритинг.
4. Монтаж қилиш-машқ даврига изоҳ беринг.
5. Эфирдан олдин қандай иш амалга оширилади.
6. Фильмнинг хомаки (черновой) монтажи қачон бошланади?
7. Монтаж – бу техник жараёнми ёки ижодий?
8. Овоз билан ишлашдаги жараёнларни тушунтириб беринг
9. Музиқа ёзиш жараёни қандай кечади?

## **5-Мавзу.** Тугун ва саспенс. Драматик вазият

### **Режа:**

- 5.1. Тугун
- 5.2. Саспенс
- 5.3. Драматик вазият

#### **5.1. Тугун**

Девор олдида бир ярим соат ўтириб

қўринг ва унга тикилганча ўзингиз учун муҳим бўлган қандайдир бир нарсага фикрингизни жамлаб қўринг. Бундан ҳеч нарса чиқмайди, жуда тезлик билан фикрингиз чалғий бошлайди, зерикасиз ва мажбурлаш ҳиссини туясимиз. Сиз учун қизиқ бўлмаган фильмларда ҳам айнан шу нарса содир бўлади. Шунчаки, ўз-ўзича, узоқ муддат диққатни бир нарсага жалб қилиш инсон учун хос бўлмаган ҳолат. Аммо фильм яратувчилари учун айнан шу нарса керак. Аудитория фильмга ғарқ бўлиши лозим.

Ҳаваскор тўлалигича ўзини кўз-кўз қилиш билан банд бўлади. Профессионал санъаткор эса қандай қилиб томошабиннинг диққатини жалб қилиш ҳақида ўйлади. Агар биз аудиторияни ўзимиз учун зарур йўналишдан олиб боришини истасак, тинмай у ҳақида ўйлашимиз керак. Аудитория бир ярим соат қоронғи залда ўтиради, агар унга ғамхўрлик қилинмаса, ҳар қандай томошабиннинг диққати сўна бошлайди. Сиз томошабиндан айриласиз.

Фильм шундай бир нарса бериши керакки, у томошабиннинг қизиқишини тобора орттириб борсин, финалга борганда чўққига чиқсин. Шунда томошабин хурсанд бўлади.

Биз ҳикоя қилмоқчи боиган воқийлик аудиторияни жунбушга келтирувчи энергияга эга бўлиши лозим. **Яхши ҳикоя қилинган воқеада энергия ошиб боради ва томошабинлар ларзага келадл** Агар омад келиб қолса, кулминацияда улар ҳамма нарсани унутадилар. Максимал ички энергия ҳолатида томошабинлар санъат томонидан инъом этилган баҳт чўққисига - **катарсисга** эришадилар. Аммо биз омаднинг келишига, интуицияга умид қила олмаймиз. Бизга жалб қилувчи энергиянинг ҳисобкитоби ва тизилмаси зарур.

Яхши ҳикоя қилинган фильм - энг аввало, энергия, миллионларни ҳаяжонланишга, йиғлашга ва қулишга мажбур қила оладиган қулоқ эшитмаган даражадаги энергия ишлаб чиқарувчи ва уни залга нурлантирувчи машина ҳамдир. Профессионал ҳикоя қилиш тизилмасининг

анчагина даражаси - у бўйича энергия ўсиб борадиган режадир. Сиз бу билимлардан ҳар қандай эркинлик даражасида фойдаланишингиз мумкин.

Аммо саводсиз бўлсангиз, кўнгилхушликлар индустрияси, худди ҳозир жаҳон прокатида Россия фильмлари билан бўлаётгани сингари (кенг жаҳон экранларида фильмларимиз амалда мавжуд эмас), омад сиздан хайриҳоҳ нафрат билан юз ўгиради.

Айтиш жоизки, бундай саводхонлик Россия санъатига, оммавий санъатига эмас, балки энг сара элитар санъатига хос эди. Толстой ва Достоевский романлари воситасида бутун олам китоб ўқишини ўрганди. Чеховнинг Станиславский томонидан қўйилган дастлабки спектаклларига москвалик ёшлар минг кишилик навбатларда ҳафталаб турганлар. МХАТнинг Америкага бориши нафақат томошабинлар ва профессионалларни ҳайратга солди, айни шу пайтда Америка шоу бизнесининг бугунги кунда дунёдаги ҳукмронлигини таъминловчи нарсага ҳам асос солди. Америкаликлар буни яширмайдилар. Ҳаммага маълум бўлган бу омилларни, нима учундир, юксак санъат сехри лифтлдфл талқин қилиш қабул қилинган. Аммо бундай эмаску!

Бернард Шоу айтганидек, «биз ўзимизга энг кам қаршллик кўрсатишни таклиф қлладиган йўлни эмас, балки энг кўп афзаллик келтирадиган йўлни танлаймиз».

Драма томошабинда ҳиссиётлар уйғотиш имкониятидан тўлиқ фойдаланганидагина энг кўп афзалликка эга бўлади. Томошабин бизга итнинг бурни каби ўз муаммоларига бурканган, совуқ ҳолда келади. Биз уни ўз дунёсидан ажратиб, бизнинг оламиизга ғарқ қилишимиз лозим. Бунинг учун эса биз унда ҳиссиётлар уйғотишимиш, ҳиссиётларини қоллаб-қувватлашимиз ва ҳиссиётларини ривожлантиришитнiz лозим.

Қачонлардир, қадим замонларда, урушгacha бўлган даврларда, Горки у номли студияда «Қандай қилиб Иван Иванович Иван Никифорович билан уришиб қолди» деган дастлабки овозли фильмлардан бири олинган эди. Сюжетга кўра, чўчқа департаментдаги урим-бурим коридорлардан югуриб ўтиб бориши, мансабдор кишининг қўлидаги қоғозни юлиб олиши ва еб қўйиши керак эди.

Вазифани бажариб бўлмайдиганга ўхшарди. Чўчқа ит эмаски, уни трюкларга ўргатсанг. Табиийки, барча жониворларнинг, шу жумладан, чўчқаларнинг ҳам машхур ўргатувчиси - Дуровни чакиришади. У қулоқ эшитмаган микдордаги маблағ - 700 сўм пул сўрайди. Бу ўша давр учун ҳали қулоқ эшитмаган воқеа эди. Фильм директори:

- Бундай бўлиши мумкин эмас! - дейди. Режиссёр:

- Санъат учун мумкин! Гогол учун мумкин! - деб қичқиради.

Шуни деб фильмни тўхтатиб бўлмайди-ку... Оқибат директор тўлашга ваъда беради. Бундан ташқари, яна Дуров дубл учун 5 та чўчқа, икки қути мураббо ва бир қути коняк ҳам сўрайди. Шундан сўнг икки ойга у ерни тарк этиб, безовта қилмасликларини сўрайди.

Тасвирга туширишга бир ҳафта қолганида директор ишлар қандай кетаётганлигини билиш учун циркка келади. Дуров: ҳаммаси жойида бўлади, деб тинчлантиради. Озгина коняқдан қўшиш керак, берганларингни ҳаммаси ишлатилди, дейди. Яна бир қути коняк қўшадилар. Тасвирга тушириш олдидан директор чўчқаларни олиб келишга маъмурни машина билан юборади. Аммо Дуровнинг қўрасида факат битта чўчқа бор эди.

-Қолганлари қани? Соддадил қоровул эса:

-Еб қўйдик, - деб жавоб қилади.

-Коняк қани?

-Ичиб бўлдик.

Директор қўрқувдан дағ-дағ титрарди - наҳотки тасвирга тушириш барбод бўлса? Студияга биргина чўчқани келтиришади ва бу қимматбаҳо жониворни директораинг хонасига жойлаштиришади. Бу ёғи ҳаммаси унга боғлиқ эди.

Томошабинни ўз ҳикоямиз олиб киришнинг ҳам худди шунга ўхшаш оддий йўли бор. Томошабин учун бутун йўлга мураббо суриб чиқинг. Чўчқа боласи эса сиз хоҳлаган томонга югурга бошлайди. Мураббо эса томошабиннинг қизиқишини қондирувчи маълумотлардир. Уни кичкина бўлакчаларга бўлиб чиқиш ва йўл бўйлаб жойлаштириб чиқиш керак. Баъзи бир зукко кишилар бундай қўпол ҳазил туфайли ҳайратдан қотиб қолишлари мумкин. Зигмунд Фрейд ва Карл Густав Юнгни ўқинглар. У ерда томошабин ва китобхон ўз эмоционал диққатлари учун олиши лозим боиган мукофотлар ҳақида айтилади.

Биз ҳам бизга маълум бўлган бутун ахборотни майда бўлакчаларга бўлиб чиқишимиз лозим. 1 бит = ҳаракатга келтирувчи 1 томчи ахборот.

Юзаки қараганда бу жуда осондай. Ҳарфларни тартибли жойлаштириш туфайли сўзни топиш талаб этиладиган энг бемаъни телевизион қўрсатув ҳам миллионлаб кишилар диққатини ўзига тортади. Нега шундай? Чунки одам қизиқувчан. Унда симметрия ҳисси мавжуд - у барча топишмоқларнингжавобини билишни истайди.

Синчиковлик - қизиқишининг биринчи босқичидир. Ҳурматли хонимни ким ўлдирди? Унинг бош хизматкори полициядаги сўроқ пайтида нега дағ-

дағ титраб, терга ботмоқда? Бу пайтда унинг соҳибжамол жияни ўз дўсти билан чордоқдаги ётоқда нималар билан банд эди? Нега ит ҳурмади?

Фильм аудиторияга савол беради, биз унинг жавобини томчима-томчи сузғичдан ўтказамиш. *Ҳар бир жавобда янги савол туради.* Шу тариқа ахборотни назорат қилиш билан биз томошабин диққатини ушлаб турамиз. Савол -жавоб, савол - жавоб... Бўлаклардан бир бутун ахборотни ташкил этиш аудиторияга ёқади.

Қизиқувчанлик ҳар биримизни қайсиdir ёпиқ нарсани қандай қилиб очиш йўлларини излашга мажбур қилади. Бирор нарса ҳақида ҳикоя қилинаётганда томошабиннинг қизиқишини уйғотишининг осон қоидалари мавжуд.

1. *Ахборотнимайды улушларга бўлиб беринг.*

2. *Ҳар сафар аудитория билишини хоҳлаганидан камроқ нарса беринг.*

*Ахборотни назорат қилиб турар экансиз, сиз вазиятнинг эгасисиз.*

3. *Ахборотнинг асосий қисмини охиригача яширин сақланг.*

4. *Ҳеч нарсани шундайгина бериб қўйманг, персонажларни лиар Mr томчи ахборот учун курашишга мажбур қилинг. Ахборотни (опихли учун қанча кўп меҳнат сарф қилинса, и аудитория учун \лиинутиулик қадрли бўлади.*

*Ахборот олишининг бутун жараёни майдада лиолиҳииКинрга - битларга бўлинган. Уларнинг ҳар бир бўлагига шитилмнион катта қийинчиликлар эвазига эришиади.*

Даниелс қўлида қурол билан телевидениега бостириб киради ва унга дарҳол эфир беришларини талаб қилади. У экранда маймуннинг тасвирини кўрсатади. Бу ҳайвонни кўрган кишилар маймунни танийдилар.

Энди маймунни ўрмондан олиб чиқиш керак. Бу эса бизга янги қийинчиликлар таклиф этади. Бу пайтда эса душманлари Даниелсни йўқ қилмоқчи бўладилар.

Охир-оқибат у маймунни топиб, уни кичкина вертолётда лабораторияга олиб кетаётганида, унинг орқасидан иккита улкан ҳарбий вситолёт қувлай бошлайди.

Қаранг:

лабораториядаги,  
-ҳарбий базадаги,  
-вертолётдаги,  
-денгиз бошқармаси идорасидаги,  
-денгиз устида, тумандаги,  
-кемадаги,

-телефидениедаги,

-ўрмондаги,

-тоғдаги эпизодларда Даниелснинг вертолётини тутиш учун ҳаракатлар бўлади. Буларнинг барчаси маймунни топиш ва лабораторияга олиб келиш учунгина содир бўлади.

Ҳар бир эпизоддаги ахборот лўнда, кўзга кўриниб туради, қийинчиликлар, можаролар ва хавф-хатар эвазига олинади. Буларнинг барчаси қизиқишимизни охирги нуқтасигача етказади.

Ахборотларни беришда *энг муҳим моментлар бурилиши нуқталари бўлиб, унда ҳар бир янги хабар бутун воқеалар ривожини кутилмаган томонга буриб юборади*. Бундай бурилиш нуқталари ҳикоянинг даражасини аниқлайди. Бурилиш нуқталари қанчалик ғайриодатий бўлса, ҳикоя шунча қизиқарли бўлади.

Саргузашт кинолар сирли ахборотлар билан ўйин кўрсатиши ажабланарли эмас. Аммо жиддий фильмлар кичик сир-синоатлар ва олди-қочдиларга тўхталиб, ўзини пастга урмайди-да, дейишингиз мумкин. Шундаймикан?

Жек Николсоннинг «Какку»даги қаҳрамони - Мак Мерфи психиатрик қамоқ касалхонасига тушади. Ярим соат ичида фильмда бир ойлик реал вақт ўтади. Мак Мерфи касалхона хақида биздан кўра анча кўп нарсаларни билиши керакка ўхшайди. Аммо бундай эмас. Нега? Чун-ки режиссёр томошабинлар янги нарсани томчима-томчи билиб олар экан, ўз диққатларини бир жойга жамлашларини истайди. Кутилмагандаги Мак Мерфи ўзининг касалхонанинг абадий тутқини эканлигини: бу ерда мажбурий даволаниш муддати чегараланмаганлигини билиб қолади. Демак, алвидо эркинлик эканда? Бу эсанкиратувчи хабарни у турмада ўтириш муддати тугашига бир ҳафта қолганида олади. Режиссёр хабардан максимал даражадаги ҳиссиётларни сиқиб олади. Ёмон ҳикояда муаллифлар бу муҳим маълумотни беришга шошилишлари мумкин эди. Аммо уддабурон ҳикоячи энг мазали бўлакни унинг воситасида воқеа ривожинл кескин буриб юбориш учун сақлаб қўяди.

Драматик воқеликдаги эмоционал жалб қилишнинг кейинги, янада силликроқ поғонаси -*ҳамдардликдир*. У синчиковликдан келиб чиқади.

Персонаж аудиторияга яқин ва тушунарли бўлганида, томошабин персонаж билан умумий ахлоқий қадриятларга эга бўлганида ҳамдардлик вужудга келади. *Ҳамдардлик идентификацияни - тенглаштиришини келтириб чиқараади*. Биз гўёки қаҳрамон билан бирга яшаймиз ва ҳаракат қлуниз, ҳиссиётларини у билан баҳам кўрамиз.

Ўрта асрдаги йигитчанинг, боз устига - Шаҳзоданинг муаммоларидан кўра биз учун олис бўлган яна қандай муаммо бўлиши мумкин? Хориждан қайтиб келди, ўқишини тўхтатди, чунки унинг отаси вафот қилган. Шу ҳам муаммо бўлди-ю... Дафатан маълум бўладики, унинг отаси вафот қилмаган, балки ўлдирилган экан. Яна ким томонидан денг, амакиси томонидан. Онаси бўлса қотил билан бир тўшакда ётади. Дўстлари уни сотиб кетишади, қайлиғи Шаҳзодани севиш ёки унга сотқинлик қилиш керакми эканлигини ҳал эта олмай ақлдан озади..., отасининг арвохи «мен учун қасос ол», - дейди. Шаҳзода бўлса муаммони янгича - далилий ашёлар тўплаб, айборларни аниқлаш йўли билан ҳал этмоқчи боиади. Ох, у қоиига ўч қиличини олмасликни қанчалар истарди! Аммо олам сотқинликлар ва жаҳолат ботқоғига ботган. Кимдир ёруғлик ва яхшиликнинг ёнини олиши керак-ку!

- Агар мен бўлмасам, ким? - деймиз Гамлет билан бирга. Бу йигит нима қиласди? Бизни қизиқтирган нарсани қиласди, қизиқиш билан тўхтаб қолмайди. Биз у томонда бўламиз. Бизнинг атрофимизда ҳам шунга ўхшаш муаммолар бор. Юз йиллар ўтди, аммо ҳавода ҳали-ҳамон ёлғон, сотқинлик, қон ҳиди. Биз Гамлетга ҳамдардлик қиласмиз ва бизнинг ҳаётимиз бир неча юз йиллик маданий алоқалар билан бойийди.

Бизда персонажга нисбатан ҳамдардликни уйғотишнинг бехато усули - уни драматик ҳолатга тушириш усули мавжуд. Кишига унинг характери имкониятлари чегарасидан кучлироқ фалокатлар ёғилади - биз ўз-ўзидан унга ҳамдардлик қиласмиз. Бу бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмаган ҳолда содир боиади. Бизнинг вужудимиз шундай дастурлаштирилган: кимдир стресс ҳолатида бўлса, бизнинг миямизда ҳам шунга ўхшаш стресс биотоклари пайдо бўлади. Бу илмий исботланган факт. Энди янада илгарилаб борамиз - ҳамдардлик ва тенглаштиришдан саспенсга ўтамиз.

## 5.2.Саспенс

*Саспенс - бу шундай сонияки, унда аудиториянинг фильмга жалб қилиншии тўлароқ ҳолда намоён бўлади.*

*Саспенс* - соф инглизча сўз. Тил билимдонарининг айтишларича, «зўриқиши» («таранглик») - сўзнинг аниқ ва тўлиқ боимаган таржимасидир. Аниқроқ қилиб айтганда, у «чираб боимас даражада зўриқиб кутиш» («чираб бўлмас даражада таранг ҳолат») деганидир.

Хуфя севишганлар бир-бирларининг оғушида ўзларини баҳтли сезишади. Улар қаҳрамон аёлнинг эри сафарини тўхтатганини, уларга яқин... шундай ёнларида... калитни эшик қулфига тиқмоқчи бўлиб

турганини билишмайди. Латифадаги ҳолатми? Йўқ, биз қуладиган аҳволда эмасмиз, биз таранг аҳвоздамиз. Бу саспенс. У қаҳрамон аёлни ва бизни баҳтиёрликдан умидсиз ҳолатга туширади.

Қаҳрамон душман идорасида муҳим бир ҳужжатни қидирмоқа. Шу пайтда қаровул бинони назоратдан ўтказаяпти. Ҳаракатларда саспенс кўринади.

Қизил Шапкача ўрмон бўйлаб бувисиникига бормоқда. Бўри бўлса тишларини ғижирлатганича, арчалар орасидан уни кузатиб бораяпти - бу саспенс. Болаларнинг кўзлари ҳаяжондан чақнайди. Шапка кийган буви Қизил Шапкачани кўрпа остида кутиб олади. У бунинг буви эмас, бўри эканлигини билмайди. Болалар эса билишади, қўрқувдан дағ-дағ титрашади ва бундан кейин нима бўлишини билишни исташади. Бу саспенс.

«Баҳорнинг 17 лаҳзаси» фильмининг афсонафий муваффақиятини саспенс таъминлайди - қаҳрамон ҳамиша унинг куч-кудратидан ақл бовар қилмайдиган даражада кучли бўлган хавф-хатар марказида бўлади. Биз унга ишонамиз, уни севамиз, унинг тақдиридан хавотирга тушамиз. Душман қанча кучли бўлса, саспенс шунча кучли бўлади.

Саспенс - бу сени таъқиб қилувчи кишининг нафаси сезилиб турадиган ҳолат - нотўғри қўйилган бир қадам сени ҳалокатга олиб келади. Бошқа шаҳардан телефон орқали қилинган ўлим таҳдидидан томошабин анчагина кам саспенс қувватини олади. Уфқда пайдо бўлган қуюн -қизиқишдан бошқа нарса уйғотмайди. Қуюн қаҳрамон уйининг томини учирив кетса, сиз яхшигина саспенс оласиз.

Аммо бу маънода тоғдан ловуллаб ёнаётган нефт учиш майдонига селдай оқиб келадиган бошқа бир эпизод ҳайратлироқдир. Эпизоднинг 5-6 дақиқа давом этишига кўра бу тоғнинг 10-15 км баландликка эга бўлиши лозимлигини тасаввур этиш қийин эмас. Аммо бу ҳеч кимнинг калласига келмайди. Нефт баланд тоғдан оқиб тушиши мумкин эмаслиги, чунки уни қадимги денгизлар тубидан қазиб олинишидай очиқ-ойдин нарсалар ҳақида гапирмасаям бўлади.

Агар мен оддий драматик саҳнани тасвирга олганимда эди, маслаҳатчилардан бирортаси шубҳасиз: «Нега сизнинг нефт омборингиз бунчалик баландликда жойлашган?» - деган бўларди. Аммо саспенс туфайли тоғдан учиб келаётган олов бераҳм қотилга ўхшаб қаҳрамонни ўлим хавфига қўяётгандай бўлади. Томошабинлар ҳаяжонланадилар, улар қаҳрамон ғалаба қилишини ва қутилиб қолишини исташади. Бошқа нарсалар эса муҳим эмас.

Қахрамон саспенсда «ов тамойили»га кўра ҳаракат қиласи. У қувиб етади ёки қочиб қутилади. Агар қувиб етадиган бўлса, худди този итга ўхшаб миясининг биргина - «қувиб етиш» деган бурмаси ишлайди. Қочаётган бўлса, бошқа, аммо яна биргина - «бўридан қочиб қутилиш» бурмаси ишлайди.

«Ов тамойили» - кўнгилхушлик саноатининг буюк стереотипидир. «Терменатор-1» да 19 та асосий саҳна ов тамойили асосида қилинган. Бу жонга тегмайди ва ҳеч қачон кўнгилга урмайди. Минг-минглаб овни кўрганмиз ва яна шунчасини кўраверамиз. Буларнинг асосчиси ким? Хичкокми? Асло унда эмас! Бу ғоядан ундан анча олдин Шекспир фойдаланган.

«Қопқон»ни эслайсизми? Отасини ўлдирганлигини тан олдириш учун унинг сирини юзага чиқариш мақсадида Гамлет ўйлаб топган қиролни овлаш саҳнасини? Песадаги энг кучли, энг қамровли саҳна. Ким-киму, аммо Шекспир лўндаликнинг қимматни билган. Аммо у, гарчи бу атама ҳали мавжуд бўлмаган бўлсада, саспенснинг ҳам кучини билган.

Одатда таранг саҳналарда режиссёр томошабинга хабарни етказиш-да ҳайрат ёрдамиами ёки саспенсдан фойдаланган ҳолда бериш керакми, - шулардан бирини танлайди.

Масалан, икки киши гаплашиб турибди, стол тагида эса соат механизмига уланган бомба чиққиллаб турибди. Томошабирми ажаблантириш учун режиссёр бомба ҳақидаги ахборотни яширади.

Ҳикоя ақлни шоширадиган, драматик ва инсонпарвар бўлиши лозим». Албатта, бу айтилганларнб кино поетикаси доирасида тушуниш керак. Актёрларнинг ҳар бир ондаги хатти-ҳаракатлари, сўзсиз, ҳаққонийдир. Хатти-ҳаракатларни куршаб турувчи муҳит сўзсиз ҳаққонийдир. Фақат вақт ва макон шартлидир. Уиар бадиий асар бақиқати асосида монтаж давомида ийғилади.

Хичкок саспенсда кинокамеранинг кучини ажойиб бир тарзда юзага чиқаришни уддасидан чиқарди, чунки экранда саспенс бўлганида айнан камеранинг юриш мантиқи воқеани ҳаракатга келтиради.

Саспенсни шиддат ва зўравонлик фильмларининг қороли, деб тасаввур қилиш қабул қилинган. Унда «Чўқинтирган ота»ни нима қилиш керак? Ёки «Терминатор-л»ни-чи? Бу фильм замонавий Бокира Мария дунёнинг янги қутқарувчисига ҳомиладор бўлгани ҳақидаги афсонадир. Бунда замонавий афсона фантастик триллер жанрида ифода этилган. Ўйлайманки, XX аср мифологияси мана шундай фильмлардан ташкил топади.

Энг биринчи саспенс ҳақида билишни истайсизми? Бунинг учун қадимий юонон трагедияси бўлмиш «Эдип»ни эсга олиш лозим. Бошида Эдип шаҳарни вабодан асрароқчи бўлади. Аммо ахборотларни тўплаб бориб, Эдип унинг ўзи эпидемиянинг сабабчиси эканлигини, чунки у, унга тайёрланган ёвуз тақдир ҳақида ҳеч нарса билмагани ҳолда, ўз отасини ўлдириб ўз онасига уйланганини аниқлайди. Бу ҳолат ҳатто бугунги фильмлар учун ҳам жудажиддий мавзудир.

Демак, бемалол уялмасдан зиёфатни қабул қиласеринг. Драманинг бу шиддатли унсури камида икки ярим минг ёшдадир. У драманинг юраги бўлмиш қадимги юонон трагедиясидан олиб чиқилган.

### **5.3.Драматик вазият**

Рухиятнинг барча яширин сифатлари таранглашади, бўртиб чиқади ва барчага ошкор бўлиб қолади. Бу нарса эса:

- биринчидан, муаллифнинг тасаввурини қўзғатади;
- иккинчидан, режиссёр ва актёрнинг тасаввуруни қўзғатади;
- учинчидан, томошабинни ҳамма нарсани унтиб, персонаж қандай қилиб ноилож вазиятдан чиқиб кетишини кузатишга мажбур қиласади.

Ақакий Ақакиевич Башмачкиннинг - «Шинел» қиссаси қаҳрамонининг - эски шинели бутунлай яроқсиз бўйиб қолди. Шинелсиз у касал бўйиб, ўлиб қолиши мумкин. Камбағаллиги туфайли у янги шинел тикира олмайди. У нима қиласади?

Ўсмир жуда катта ва аёвсиз кучлар араласиб қилинган қотилликка гувоҳ бўйиб қолади. Агар у жиноятни очишга ёрдамлашмаса, уни ўлдиришади. У нима қиласади? («Мижоз» - «Клиент» фильмі).

Чекка бир шаҳарга ревизор келди. Шаҳар ҳокими ишонадики, агар қонун бузулишлари ҳақида билиб қолишадиган бўлса, амалдорларга Сибир сургунларининг кишанлари хавф солади. Мансабдорлар нима қилишади?

Ню-Ёрк мафиясининг бир маромдаги ҳаётига янги кишилар келди. Улар кекса чўқинтирган оталари дон Корлеонени ўлдиришса, нима хоҳлашса - шуни олишларини билади ва уни ўлдиришади... Йўқ, у ҳали тирик. Унинг болалари нима қилишади?

Гимназия ўқитувчиси бу дунёдаги бор насалардан қўрқади. У гўёки ниқоб билан ҳимоялангандай яшайди. Бирданига бу ниқобни уни севувчи махлук - аёл киши, унинг бўлажак хотини йиртмоқчи бўлади... Бунга жавобан у нима қиласади?

Ёш помешчик Дубровский бутун мол-мулкидан айрилади. У аблыхларни жазолаб, қароқчилик қила бошлайди ва бир пайт ўзининг аёвсиз душманининг қизига ошиқ бўйиб қолади. У қандай ҳаракат қиласди?

Ёш ва баҳтиёр Ромео гўзал Жулеттани севиб қолади. У ҳам бум" севади. Аммо улар баҳтли бўла олмайдилар. Монтекки ва Капулетти оилалари аёвсиз душманлар. Севишганлар нима қилишади?

Бошпанасиз тикувчи аёл талабалар ётоқхонасида яшайди, ўзига ҳомийлик қилган ҳар бир кишини севади, у ҳақида ғамхўрлик қиласди. Бир пайт севимли кишиси уни уйдан ҳайдайди. Унинг бўлса борадиган жойи йўқ... Нима қиласди? (Чеховнинг «Анютаси»).

Бу рўйхатни чексиз чўзиш мумкин ва ҳар бир асарда аниқ кўриниб турадиган драматик ҳолат мавжуд.

Олимлар уни «организмнинг унга хос бўлмаган жавоби (реакцияси)» деб аташади. Одарминг дикқат раайдонида қандайдир безовталантирувчи, ҳавфли, таҳдид соловчи нимадир пай до бўлса, унинг дикқати автоматик тарзда бу нарсага сафарбар этилади. Вужуд қонга катта миқдорда адреналин чиқаради ва унинг кучи қисқа бир он давомида ўнлаб баробар қўпайиб кетади. Одам иродаси қаҳр-ғазабга тўлган ёки қўрқув пайтида бир жойга тўпланиб, кучлироқ бўлиб қолади, тезроқ югуради, кўзлари яққолроқ кўради ва мўлжалга аниқ уради. У душманга худди баҳодирлар каби ташланади ёки ҳавф-хатардан кутилмаган тезлик билан қочиб қолади.

Стрессга бўладиган жавоб (реакция) дунёдаги барча одамларда ўхшашдир. Бу нарса кишиларга бирон манзилга, қабилага, халқка бирлашиш ва яшаб қолиш имконини берди. Айнан стресс туфайли ҳар биримизнинг аждодимиз ов пайтида югуришга, ўлдирилган тўнғизнинг гўштини ғорга судраб киришга ва уни оловда пиширишга қодир бўлган. Кечқурунлари совуқ ва қўрқувни ҳам унутиб, ўз танлаганини куча олган. У севарди, туғарди, болаларини тарбия қиласди ва агар омади келиб қолса, овда эмас, балки бутунлай қариб-чуриб, 25 ёшларида болалари ва набиралари даврасида қазо қиласди. Стресс унинг бутун аъзоларини ҳолдан тойдиди, фаолиятини тўхтатиб қўярди.

Ҳозир биз иссиққина уйда, қонунлар ҳимояси остида, ҳамма қулайликлар барпо этилган ҳаётда уч баравар узоқ яшаймиз. Олимларнинг айтишларига қараганда, биз имкониятимздаги стрессларнинг 5-7 фоизидангина фойдаланамиз. Аммо вужудизмдаги дастур ўзгаргани йўқ. Вужуд стрессга муҳтож. Агар биз стресс улушкини олмасак, унда бизда дистресс ёки сўлғин кечадиган доимий стресс юз бериб, у вужудимизни

вайрон қиласи, касалликлар, асабийликлар ва ақлдан озишларга олиб келади. Шунинг учун ҳам биз стресс ҳолатларига интиламиз.

Кинотомошибинларни ўрганган олимлар нимани кашф этиши? Маълум бўлдики, фильмни кўриш жараёнида томошибинларнинг миясида кичик-кичик стресслар биотоки вужудга келар экан. Булар реал ҳаётдагига нисбатан юзлаб, балки минглаб марта кучсиз стресслар. Аммо бу стрессга ўхшаб кетадиган нарсалар даволовчи хусусиятга эга.

Эрталаб у жуда баҳтиёр, у Жулеттанинг оиласи билан тотувлик истайди. Аммо Тибалд, Жулеттанинг акаси, Ромеонинг дўсти - Меркуциони ўлдиради. Бунга жавобан Ромео Тибалдни ўлдиради. Энди у Капулеттилар оиласининг қўрқинчли душмани.

Шундай қилиб, бутун песа давомида персонажлар бир драматик ҳолатдан бошқасига, унданда хавфлироқ ҳолатга ўтиб боришади.

Ҳар бир ҳолатда улар:

1. Ноилож аҳволда қоладилар.
2. Бу аҳволдан чиқиш йўлларини ахтарадилар.
3. Антагонистлар билан курашга тушадилар.

*Шекспир доимо хавф-хатар даражасини ошириб боради*, гарчи хавф-хатар ҳамиша ҳам очик-ойдин қўриниб турмасада, алтематив омил ошиб боради. Улар режиссёрга: «саҳнани шундай қилгинки, томошибиннинг нафаси ичига тушиб кетсин», - дея қилинган таклиф бўйича боиаётгандай.

Балда Тибалд хавф-хатар манбаи эди. Боғда хатар муҳитга сингиб кетди. Ҳар бир ҳолатда муаллиф режиссёрга: сен керакли ҳамма маҳсулотларни тўғри олдинг, ундан зиёфат уюштири ва марҳамат қилиб, истеъдодингни ишга сол, - деяётгандай.

Агар драматик ҳолат кучсиз ифодаланган бўлса ёки умуман бўлмаса, режиссёр ўзи билганича иш тутиб, фильмнинг умумий мазмунини барбод қилувчи хавфли ҳаракат қилиши мумкин. Бунда ҳамма ўз билганича иш кўради. Бу кўпинча яхшиликка олиб келмайди. Томошибин уни маълум мақсад сари олиб бораётгандари ҳақидаги тасаввуридан маҳрум бўлиши мумкин.

Драматик ҳолат - бу ҳар қандай драматик ҳикоя ва драмадаги ҳар бир персонажнинг ички дунёсининг ўзагидир. Драматик ҳолатсиз актёрларга қиладиган иш йўқ. Сизнинг назокатингиз ва маҳоратингиз ҳикоядаги драматик ҳолат намоён бўлишининг меъёрини аниқлашдадир. Аммо драматик ҳолатнинг бўлмаслиги, сўзсиз, сизнинг профессионал чорасизлигизни келтириб чиқаради.

Бизни экранга жалб қиладиган барча воқелик бир драматик ҳолатдан бошқаси томон ривожланиб боради. Қаҳрамон бир ҳолатдан чиқиши ҳамон дархол бошқасига, янада тарангроқ ҳолатга тушади. Бутун бир ярим соатлик вақт шу тариқа ўтади.

Драматик ҳолат персонаж ниқоб остида яшириб турган нарсалар ҳақида тасаввур қилишга ёрдам беради.

Отасининг арвоҳи эса Гамлетга амакиси ури у ухлаб ётганида ўлдирганини айтади. Чамаси, ойиси ҳам бундан хабардор кўринади. Агар бу гардангача ахлатга ботиш бўлмаса, унда нима?! Ахлат эса янада юқори кўтарилимоқда. Дўстлар сотиб кетишади, севган қизи ақлдан озади. Қиро] Гамлетни ўлдиришни режалаштиради: у барча фармонлами берган, мурдани кутмоқда. Гамлет эса ҳалигача далиллар ахтаради. У: «Қолмоқ ёки ўлмоқ», дея ўйлади. Ахлат бўлса ҳамон кўтарилишда давом этади. Гамлет аллақачон амин бўладики - қирол айбдор. Ҳаракат қилиш керак...

Бадавлат помешчик хотин, муҳаббат учун очик, нозик, адолатсизликка тоқат қила олмайдиган ҳурилиқо, ўз мулкига қайтиб келади. Бу мулк қарзларни узиш учун сотилади. Уни арzon-гаровга сотиб олишади ва у аёл факирга айланади. Помешчик аёлнинг бошқа кун кечирадиган манбаси йўқ. Унга: «Олчазорни кесинг, мулкингизни майда бўлакларга бўлинг ва дала ҳовлига келувчиларга ижарага беринг», - дейишади.

Аммо бу олчазор ҳақида энциклопедияда ёзилган. Унда юз йиллар мобайнида аждодлар, кўп авлодлар яшашган. Помешчик аёл учун боғни қирқиши - қоини кесиш ёки аждодлар яшаган уйнинг юқори қаватини бордел учун, паст қаватини эса наркоманларга нашахона қилиш учун ижарага бериш билан баробар. Гарчи гарданигача ахлатга ботган бўлсада, у ўзини бу тарзда қутқара олмайди. Бу унинг танлови, унинг қисмати.

Мен дунё адабиётининг энг нозиктаъб драмаси - «Олчали боғ»ни мана шундай қўрқинчли сўзлар билан баён қилмоқдаман. Барча буюк драмалар асосида мана шундай қўпол, қўрқинчли драматик ҳолатлар ётади. Улар характерлар ўз ниқобларини ечишини, қарши курашга отланишларини ёки ҳалок бўлишларини талаб қилади. Драматик ҳолат драма муаллифи учун ўз қаҳрамонларининг моҳиятларини очиш, бу моҳиятни персонажларнинг ҳаёт билан қиладиган жанглари орқали намоён қилишлари учун тўлақонли бир имкониятдир. Шекспир, Ибсен, Чехов, Лев Толстой, Достоевский, Гогол - ажойиб бир давра.

Машинангиз ҳалокатга учради - сиз уни тузатмасдан йўлда давом эта олмайсиз; ёки уни йўлга ташаланг-у, пиёда кетинг.

*Драматик ҳолат* йўлда ҳаракатни давом эттириши учун енгидбўлиши лозим бўлган тўсиқдир. Драматик воқеада характер тўлигича ҳал қилиб, йўлда давом этиш мумкин бўлган биргина оддий муаммога жалб этилади. Шу тарзда биз жуда оддий элементлардан ҳаётнинг ўта мураккаб кўринишларини тузишимиз мумкин. Уларнинг битта яққол афзаллиги бор. Улар эмоционал жавоб топадилар, томошабин билан узвий боғланишга эришадилар.

Фақат бир ҳолатдагина биз бир драматик ҳолатдан бошқасига ҳаяжонланган томошабинни ўз орқамиздан эргаштирган ҳолда ўтишимиз мумкин: уларга қаҳрамоннинг кечинмалари тушунарли бўлиши керак, шундагина томошабин характерга эмоционал киришиш имкониятига эга бўлади.

Персонажнинг онгига бир вақтнинг ўзида яшаётган барча аргументлар ва ниятлар орасида ҳар сафар характерда бизда биргина *аниқ қадам* қўйиш истагини тугдирадиган битта *аниқ мотив* қизиқтиради. Биз драмада ҳар сафар *биргина устун мотивациянл* танлашимиз лозим.

Прозада эса бу шарт эмас. Ҳикоя қилиб бериш учун персонаж ламинг кўпқаватли мотивациялари, фикр юритишлари, ноаниқ ниятлари ва ноилож ҳолатлари - бу одатий, табиий ва саводли ҳои. Аммо драманинг персонажи тубдан бошқача, у ҳаракат қилиши, антагонист билан курашиши ва томошабинни унга хамдард бўлиши учун жалб қилиши керак. Шунинг учун *унда ҳар сафар биргина тушунарли ҳаракат учун биргина яққол мотивация* бўлиши лозим. Умумий йўл жуда мураккаб бўлиши мумкин. Лекин ҳар бир қадам содда бўлиши керак.

Девид Маммет бу ҳақида шундай деган эди: «Персонажнинг ҳар бир ҳаракатида фақат битта мотивация бўлиши керак, агар шундай бўлмаса сиз: «мен автобус ҳайдовчилари иш ташлаганлари учун дарсга кеч қолдим, менинг холам бўлса зинадан йиқилиб, оёқларини синдириб олди, деган талабага ўхшаб қоласиз». Мотивациялар кўп бўлса, муаллифнинг ғояси, актёрнинг ижодий иродаси ва томошабиннинг қизиқишлиари унда чўкиб кетади.

Ҳар қандай ҳикоя даматик ҳолатдан бошланади. У юзага қанчалик тез қалқиб чиқиши керак? Энг яххиси – дарҳол.

Алтематив омил - драмадаги ҳар бир персонаж хатти-ҳаракатлари мотивациясининг асосий жиҳатларидан биридир.

Наг бир драматик ҳолатда *алтематив омил* иштирок этиши керак. У қаҳрамонга хавф-хатар солади. У: «Менинг хавф-хатаримга қарши сен нима қиласан?» - деб савол беради. Сиз алтематив омилни топмаган ва уни

ишлашга мажбур қилмаган экансиз, драматик ҳолат ҳаракатдан маҳрум қолади. *Алтематив омил - агар қаҳрамон драматик ҳолатга бас келолмаса, унга нима бўлади? - деган саволга аниқ жавоб берииши лозим.* Бу ҳолда уни қандай даҳшатли алтематив кутаяпти? Бу алтематив аниқ, равshan бўлиб, шу ерда ва айни шу пайтда амал қилиши керак.

**Алтематив омил** - бу рақибнинг қуроли, антагонистнинг қуроли. У шу ернинг ўзида ва айни шу пайтдаги аниқ хавф-хатар даҳшатидир. Хавф-хатар қанчалик ноаниқ ва узоқда бўлса, драматик ҳолатнинг таранглиги шунча камаяди. Ҳеч кимни келаси йили бўладиган ва бутун Японияни вайрон қиладиган зилзиладан эси чиқиб кетмайди. Ҳозир суғириб олинаётган тиш - айни даҳшатнинг ўзи. Агар уни бугун суғириб ташламаса, жағ йиринглаб кетиши мумкин. *Алтематив омил* - бу шундай тамойилки, биз уни шу ернинг ўзида ва айни шу пайтдан кечикмасдан келадиган хавф-хатардан келтириб чиқарамиз.

Дунёда даҳшат ва хавф-хатарларнинг сони жуда қўп, аммо уламинг ҳаммаси етти даражада атрофида тўпланади:

1. Ўзини ҳурмат қилишга бериладиган зарба.
2. Касбий ўпирилиш.
3. Жисмоний зарар.
4. Ўлим хавфи.
5. Оила ҳаётига таҳдид.
6. Популация ҳаётига таҳдид.
7. Инсониятга таҳдид.

Назарий жиҳатдан бу омиллар драматик ҳолатнинг кучайиб бориши тартибида жойлаштирилган. Аммо амалда ҳар бир омил энг юқори стресс ва юқори даражадаги ҳаракат ташкил этиши мумкин.

Аёл киши эридан нималарнидир талаб қилаётганида, қўпроқ қайси сўзларни айтади?

- Сен мени менсимайсан!

Барча ёшдаги кишиларга ўзига ҳурматнинг йўқолиши таъсир этади. Гўдак эндиғина оёққа турган пайтда дастлаб пайдо бўладиган туйғу - ўзининг шахс эканлигини тушуниш ҳиссидир. Мен онанинг уч ёшли бола билан шундай гаплашаётганини эшитганман:

- Нега додляпсан? Сен ҳеч ким эмассан. Жим бўл!
- Йўқ, мен кимман! Йўқ, мен кимман! - деб қичқиради бола. Биз ҳаммамиз «кимдир» бўлишни истаймиз. Биз бошқалардан фарқ қилишни истаймиз.

Кўп кишиларга, айниқса ёшларга, шахслик туйғуси тўдага тегишли туйғу ўрнига келади. Бу шахснинг - тўданинг,

гурухнинг, банданинг, қандай аташингдан қатъи назар - ўзини ҳурмат қилиш ҳиссидан кўра агрессивроқ нарса йўқ. У ўз худудида уни тан олишларини талаб қилади. Унинг нафсониятига тегиб қолсангиз, у сизга тишларини ғижирлатган ҳолда, агар тўппонча билан бўлмаса ҳам, пичоқ ва касета билан ташланиб қолади.

Аммо ҳар қандай тўда ичидаги табақаланиш амал қилади. Ҳар бир аъзонинг ўзини ҳурмат қилиши бу табақаланишдаги даражаси билан аниқланади. Ўзини ҳурмат қилиш ҳамиша ҳар бир кишининг шахсан аниқ мақсади ва ўзини ҳурмат қилишини йўқотиши билан келиб чиқадиган аниқ<sup>^</sup> хавф-хатарга боғлиқдир.

Ўзига ҳурматни бутунлай йўқотган киши йўқ. У ҳар бир кишида бор ва ҳамиша ўзига ҳурматнинг пастроқ даражасига тушиб қолиш хавфи мавжуд. Ўзини ҳурмат қилиш табақаланиши нафақат одамларга хос, у -ҳар қандай популяция учун табиатнинг умумий қонунидир. Бу табақаланиш ҳар қандай ҳайвон тўдасида ҳам амал қилади. Бабуинлар тўдаси сардори тўдадаги барча урғочи бабуинлар билан қовушиш ҳукуки учун ўлар даражада жанг қилади. Уни бу ҳукуқдан маҳрум қилсангиз, ўзига ҳурматнинг йўқотиш стресси уни ўлдиради.

Олимлар шундай тажриба ўтказдилар. Ўртаси ойна тўсиқ билан ажратилган қафаснинг бир бўлагида тўда сардорини жойлаштирилар, иккинчи қисмига - оддий бабуинни.

Оддий бабуинга биринчи навбатда банан беришди, сардорга - иккинчи. Оддий бабуинга урғочисини киртиб юбориши ва у ғазабдан қутурган саркорнинг кўзи олдида қувонган ҳолда авлод келтириш иши билан шуғулланди. Аввал саркор ақлдан озган ҳолда ўзини у ён-бу ён урди, кейин эса руҳий изтиробга (депрессияга) учради.

Касбий ўпирилиш хавфи - персонаж фаоллигини ақл бовар қилмайдиган даражада кучайтирувчи нарсадир. Песонаж ўзига: мен бу ишни амалга ошиrolmasara нима бўлади, - деган савонни қўйиши билан таъсир, энергияси бирданига ошиб кетади.

Жарроҳ, «Қочоқ» фильмидаги персонажи, Гаррисон Форд муваффақиятларга эришади, гўзал рафиқасини севади ва у ҳам буни севади. Бирданига, бир оннинг ўзида, ҳаммаси вайрон бўлади. Рафиқаси ўлдирилади, жарроҳ ҳақсиз равишда қотилликда айбланади ва ўлимга ҳукм қилинади. Тасодиф уни турмадан қочишига ёрдам беради. У қотилни излайди. Ким у? Унга ҳамкасб врач янги дори яратишда касбий муваффақиятсизликка учраган, жарроҳ бўлса ҳисоботлардаги унинг ёлғонини топган эди.

Касбий ўпирелиш конфликтни, унда нима қилиб бўлса ҳам ғалаба қозониш кераклиги даражасида кучайтиради: бу ишга миллионлаб маблағ тикилган. Мурдалар бири иккинчиси ортидан қулай бошлайди. Барча рақиблар йўқотилган. Агар Гарресон Форд ғалаба қилмаса, биз ҳам бу заарли дорини қабул қиласиз. Касбий ўпирелиш, қайси касблигидан қатъи назар, ҳар бир персонаж тажрибасига эмоционал ҳамдардлик қилиш имконини беради.

Бу ҳолатлар бестеллерни эффектлар хисобига ўта кучайтирган бўлиб кўриниши мумкин. Аммо ҳаёт бизга бирон бир бестеллерда, бирон мумтоз адабиёт дурдоналарида ҳам учрамайдиган қонли воқеаларни тақдим этади.

1934-йилда Сталин барча доҳийларнинг энг дахоси, гений, ўзи лагерларга тиқсан миллионлаб ишчи ва деҳқонлар у ёқда турсин, барча болаламинг, олимларнинг ва физкультурачиларнинг отаси деб эълон қилинди. Ўзининг биринчилигини мустаҳкамлаб қўйиш учун у кўпчилигини ўзи ҳокимият тепасига олиб келган партиявий мнексионерлар съездини чақирди. Бу аглаҳлар эса яширин овоз бериш пайтида Сталинни 14-ўринга қўйишиди. Биринчи ўринга оташин югурдак ва жўшқин сўзамол, Ленинград коммунистларининг раҳбари Киров чиқди.

Сталин учун бу «касбий ўпирелиш» эди. У тезда чора кўрди. Киров ўлдирилди. Унинг кетидан қон дарёси оқизилди. Кировдан кейин Ленинграднинг барча раҳбар коммунистлари ўлдирилди. Бутун мамлакат бўйлаб оммавий отишлар ва қатағонлар бўлиб ўтди. Натижада Сталин тирик доҳийлар ўртасида 1- дан 14- гача бўлган барча ўринлар эгаси бўлди. Бундан кейин у ҳеч қачон касбий ўпирелишга йўл қўймади. вафот этганида бутун мамлакат йиғи-сиғидан ларзага келди.

Жисмоний заар - тенглаштиришнинг агрессив агентидир. Чаплин давридаги комиклар уришган қувноқ беозор тюрклардан бошлаб экрандаги барча зарбалар шу оннинг ўзида ва ёрқин бир тарзда бизнинг онг остилизда жавоб қайтаради.

Бу персонажни раўлжалга олиб отганда содир бўлади. Унинг машинаси портлаб кетади, уйи ёнади, у бўлса сценарий муаллифининг ўйлаб топган мавзусини баҳтли хотимага етказиш учун маҳв бўлишдан қутилиб қолади.

Шунингдек, бу қаҳрамоннинг охиригача боришга қарор қилгани хақида гувоҳлик ҳамдир.

Гамлет мўралаб қараётган Полонийга қиличини саншиб олади ёки айғоқчи дўстлари Гилдестерн ва Розенкрансни ўлимга маҳкум этади -у ҳаёт мамот жангига тайёр турибди.

Жулетта уни кун давомида ҳушсиз ҳолга келтириб, ҳаётига хавф солган хатарли уйқудорини ичади.

Чехов фақат бир раарта, «Иванов»да драмани ўқ узиш билан тугатган. Аммо амалда унинг барча песалари мукаррар ўлим - унинг энг фожеавий маносида - тириклайн ўлим хавфи билан тутайди. Полкнинг кетиши ва Тузенбахнинг ўлимидан кейин уч опа-сингилни нима кутади? Ҳаёт мазмунидан жудо бўлган Ваня тоғани нима кутади? Тириклик манбаисиз қолган Раневскаяни нима кутади? Қашшоқликда ўлим топиш, аникрофи - ўз жонига қасд қилиш. У бир марта муаммоларини шундай ҳал қилмоқчи бўлган эди.

Агар биз бу таҳдидни яратса олсак, ўлим мурдаларни экран бўйлаб ҳар тарафга итқитиши ёки туманли келажакдан қараб туришидан қатъи назар, у иш беради. У драматизмнинг қудратли омилидир.

Шундай нарсалар борки, кўпчилик учун улар ҳаётдан кўра муҳимроқдир. Булар сен севадиган кишиларинг: болаларинг, рафиқанг, баъзан ота-оналаринг ва амалда, оиласнинг бир қисми бўлмиш кишиларингнинг ҳаётидир.

Буларда оптимизм унчалар ҳам кўп эмас. Аммо драма алифбоси айтадики, драманинг оптимизми нафақат бахтиёр, балки фожиавий хотимада ҳам ифодаланади, бунда хотима қаҳрамон учун мумкин бўлган аниқ ҳолатлар ичидаги энг яхши ечим бўлади.

Ҳамма нарса «инсониятга таҳдид» шу ердаги ва айни шу пайтдаги ҳар бир кишига таҳдид солувчи омил бўлиб қолишига олиб борилади. Зийрак ақл эгалари учун бу вақт аллақачон келиб бўлди.

## **6-Мавзу. Драматик вазиятларда архетиплар. Драматик перипетия. Конфликт Режа:**

- 6.1 Драматик вазиятларда архетиплар
- 6.2. Конфликт

### **6.1 Драматик вазиятларда архетиплар**

Хожатхонада сийишдан қўрқадиган тўрут ёшли бир болани билардим. Акаси, саккиз ёшли галварс, унга у ерда, сувда каламуш яшашини айтган: болакай сияётганида каламуш чиқиб, унинг чукини тишилаб олади. Бу болакайнинг ҳаёти азобдан иборат эди. Ҳар сафар сийгиси келганида у акасидан, ҳожатхонада каламуш бор-йўқлигини текшириб беришни илтимос қиласарди. Акаси бўлса доимо нима биландир банд бўлар, аммо майли, бир бўлак сақич эвазига ҳожатхонанинг хавфсизлигини текшириб берар эди.

Бир сафар кечки пайт болакай бир ўзи қолади. Бутун оила меҳмонга кетган, болакайни ухлашга ётқизишганди. У ухлай олармиди? Назарида каламуш коридор бўйлаб югураётгандай, у болакайни бир ўзи қолганини билиб, ўзининг қариндош-уругиарини идишларни ичини текшириб кўргани олиб келгандай бўларди. Устига, болакайнинг сийгиси ҳам келарди. Тўшакка сийиб қўйса ҳам бўлаверарди-ю, аммо бу билан акасига кулги бўларди. Ва ниҳоят болакай қўрқувдан титраб-қақшаб хавфли саёҳатга чиқади. Ва қаҳрамонлик қилди! Ҳатто: «Эй, сен, каламуш, мен сендан қўрқмайман!» - деб қичқирди. Кейин ғизиллаганича орқага, кўрпаси ҳимоясига югорди. У шунчалик баҳтиёрки, ҳатто ухлай олмайди. Меҳмондан қайтган ота-онаси унлан хавотирда: «Касал-пасал бўлиб қолмадимикан?» Болакай: «Мен сийдим!» - деб қичқиради ва ойисининг қўлларига яширинганича йиглаб юборади.

Драматик ҳолат болакайни бурчакка сиқиб қўйди. У ўз характеридаги барча имкониятларни ишга туширди ва ҳамма тўсиқларни: ўзига ҳурматни йўқотиш тўсиғини, ирова тўсиғини, мардлик тўсиғини енгиб ўтди. У ҳаракат қилди ва конфликтда ғалаба қозонди.

Нима деб ўйлайсиз, бу тўсиқлар Швартсенеггер учун муаммо туғдиармиди? Йўқ. Сиз учунчи? Сиз учун ҳам йўқ. Агар ростдан ҳам каламуш бўлсачи? Болакай учун у ростдан ҳам бор эди.

Телевидениенинг пайдо бўлиши билан «танишларимиз» асосан телевизорга кўчиб ўтдилар. Минг-минглаб сериялар бизни бундай одатий таом билан боқмоқдалар. Қаҳрамонлар билан бирга ҳар кунлик тўсиқларни ошиб ўтамиш ва бу нарса ҳеч қачон жонимизга тегмайдиганга ўхшайди.

Чунки энг яхши «танишларимиз» - бизнинг ўзимиздир. Ўзининг муаммолари кимга яқин эмас дейсиз?!

### **«Ундердог» («Андердог»)**

Ўзларининг сиёсий вазиятларини ўзгартиromoқчи бўлган сон жиҳатдан янада кўпроқ кишилар «андердог» соҳасини ташкил қиласди (атаманинг ўзи ит уриштиришдан кириб келган: андердог - рақиб томонидан эзғилаб ташланган итдир) Булар синфий тўсиқларни енгиб ўтиб, юқорига интиладиганлардир. Аллақачон ва мустаҳкам шаклланишга улгирган ғарб жамияти учун ижтимоий чегарани ўзгартириш - мураккаб масала, бу мақсадга кишилар ўзларининг бутун ҳаётларини бўйсундирадилар. Бу нарса билим, ирода, мардлик, айёрлик, ақл-заковат, қатъиятни талаб қиласди. «Андердог» муваффақият қозонишга ва жамиятнинг асоси бўлишга интилади. У уддабурон, лекин қонундан четга чиқмайди. Аммо мақсад яқин бўлса, у қотилликдан бошқа деярли ҳамма нарсага тайёр.

Бош қаҳрамони «андердог» бўлган сценарийлар, одатда, «андердог»нинг ҳаётий энергияси билан тўлиқ бўлади. Бўшанг, лоқайд, мақсадиз характер муваффақиятли «андердог» бўла олмайди. Катта муваффақиятларга эришаётган продюсердан, нега унинг фильмлари муваффқият қозонаётгани ҳақида сўраганларида, у тахминан шундай жавоб қиласди:

- Мен ҳам бошқаларга ўхшаб сценарийларни унча яхши тушунмайман ва хато қилишим мумкин. Аммо мен ҳеч қачон қаҳрамони «андердог» бўлмаган сценарийни иш учун олайман.

Муваффақият қозонадиган сюжетли фильм учун энг яхши персонаж - бу «андердог»дир.

Майк Николснинг Мелани Греффитс бош ролда ўйнаган «Ишловчи аёл» фильми.

Режиссёр Стоуннинг «Уолстрит»и.

Англиядаги 60 у янги тўлқинининг фильмлари.

Россия фильмлари учун «андердог» - энг жозибадор шахслардан биридир. Ҳамма бирдай камбағал бўлган мамлакатда бирданига буржуазия синфи пайдо бўлиб қолди. Барча «янги рус»лар, агар улараинг бойликлари жиноятлар билан боғлиқ бўлмаса - «андердог»лардир.

Джонатан Демменинг бош ролни Том Хенкс ўйнаган «Филаделфия» фильми. ОИТС (СПИД) билан касалланган ёш адвокат уни ноқонуний ишдан бўшатган компания билан ўз гражданлик ҳуқуқлари учун кураш олиб боради. Соғлом киши учун одатий ҳои. Аммо ўлимга маҳкум киши ўз ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбур қиласа -таҳсинимизга сазовор бўлади.

Ўттиз йиллик танаффус билан икки марта тасвирга олинган «Аёл хиди» фильмі. Аввал Италияда олинган, унда бош ролни Витторио Гасман, кейин Америкада Голдманнинг ажойиб сценарийси асосида олинган, бош ролни Ал Пачино ўйнаган. Кўзи ожиз полковник ўзини ўлдирмоқчи бўлади. Унинг ҳаёти мазмунсиз. Аммо, у ўзининг ёш етакловчисига ёрдам бериши мумкинлиги маълум бўлади. У коллежда етакчисининг хуқуқини ўртоқлик судида ҳимоя қилаётганида полковник ҳали йўқотмаган ахлоқий қадриятлар бугун ёшлар учун керак эканлиги маълум бўлади. Унинг ғалабасини минглаб ёшлар чапак чалиб қарши олади. Дурдона асарларга хос лўнда аниқлик билан ифодаланган ажойиб фильм.

Бу фильмлар қаҳрамонга айланиш жараёнини кўрсатади. Дастрлаб қаҳрамон худди қўллари боғлаб қўйилгандай ҳаракат қиласи ва фильм қаҳрамони қандай қилиб кураш учун куч топиши ҳақида ҳикоя қиласи. Қаҳрамон нимага эришишидан қатъи назар, бу нарса барчани ҳаяжонга солади. Фильм: «Ҳаёт - бу ахлат уюми эмас. Унинг учун курашиш керак. Бу курашдаги ҳақиқий ғалаба - бойлик ва муваффақият эмас, балки ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ҳаётда бошқалар билан бир қаторда тўлақонли иштирок этишдир», - дейди.

Мен бу фильмларни кўрганимда кино инсонийликнинг чин ахлоқий қадриятларини қанчалик ишончли тасдиқлай олишидан қалбим ифтихор туйғусигатўлади.

«Андердог» тоифасидаги фильмлар инсоний биродарлик «Ҳаёт шундай бўлади» деб аталган кодланган ном остидаги умидсиз курашда ғалаба қилиш учун курашадиган драматик ҳолатларни кўрсатади. Нима бўлганда ҳам бундан бошқаси бўлмайди. Мана шунинг учун курашиш керак.

### **«Бой берилган қалблар»**

**Булар** ўзимизга ўхшаган, аммо ахлоқий мўлжалларини йўқотган, қонун ва ахлоқ мезонларини бузган кишилардир. Улар бизга ўхшаб бошлаган, аммо нотўғри йўл танлаган.

Бетмен ва супермен маълум вақт оддий одамлар ниқобида бўйадилар, аммо уларнинг ҳақиқий моҳияти - ҳар нарсага қодир бўлган «санамлар» эканлигидир.

«Санамлар» оддий одамлар қиёфасида чиқишади, лекин уларнинг ҳақиқий моҳияти - ҳар нарсага қодирлигидир.

«Санам» - бизнинг ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларимизни осонлик билан ҳал этувчи персонаждир. У кўнгилхушлик саноатининг эркатойидир. Биз ўйин-кулгига жуда зарурат сезамиз, улар - бизнинг руҳий

саломатлигимизни сақлашнинг муҳим қисмидир. «Санамлар» бизга болаликдаги байрамимизни қайтаришади. Чироқ ўчиб, экранда кучсизни кутқарувчи, абрахни жазоловчи, тенгсиз жангда ғалаба қозанувчи персонаж пайдо бўлганида, биз барчамиз болага айланиб қоламиз.

Драма унинг майдонига тушган барча нарсаларни ўта юқори кайфият ҳолатига туширишга интилади. Бахтиёрлик жаннат сингари бўлишига, бахтсизлик эса жаҳаннам даражасига тушишига интилади. Қаҳрамон фаришта қиёфасида идеалга интилади, нобакор - иблисга. Ҳаётга ўлим таҳдид солади, севгига - бевафолик.

Буларнинг барчасини «санам» жуда қисқа вақтда энг юқори самара билан ҳал этади.

«Санамлар»нинг мотивацияси бошқа оддий одамларнинг мотивациясидан фарқ қиласди. Масалан, реал ҳаётда фақат тутқаноқиаргина қасос олиш ғоясига интилишади. Одатдаги киши ҳозир ва келажак ғамида бўлади. Бунинг қизиқ бир тасдиги бор. 30- йилларда мафия билан толмас курашчи бўлмиш Чикаго полициясининг бошлиги кўпгина хавфли жиноятчиларни панжара ортига юборади. Уларнинг деярли барчаси озодлик билан хайрлашар экан, барибир полиция билан ҳисоб-китоб қиласман, деб таҳдид қилишарди. Аммо унинг қўнгли тинч эди. У: «Қасос - жиноятчининг бизнеси эмас. Қамоқдан чиққанидан кейин у келажаги ҳақида ўйлаши керак», - дерди.

Қалбини касаллик жизғанак қилган тутқаноқнинг қўнглида ғайритабиий ўч олиш нияти пишиб етилади. Аммо улар суперменлар хатти-ҳаракатида ҳам худди шу тарзда содир бўлади. Бу бизга ёқади, чунки ёв қочгач, ботир бўлиш ҳар биримизнинг орзуимизда бор.

Агар сиз тадбиркор инсон бўлсангиз, жин тўлиқ рўйхатни яна узок вақт кутади.

Агар бу жин бўлмасдан, сиз дарёдан тутиб олган кичкинагина олтин балиқ бўйсачи? У сизнинг кафтларингизда типирчилаяпти. Сиз уни дарёга қайтариб ташламоқчи бўлиб турганингизда у бирданига нафаси сиқилган ҳолда:

- Биргина тилагингни айт... фақат бир сўз билан, биттагина тилагингни... Вой, мен шунчалик кучдан қолдимки, бўғилиб кетаяпман... қани... қани.. мен кута олмайман.. - деб пичирлаб қолди.

Ана шунда сиз титрай бошлайсиз. Нима тиласам экан? Бойликми? Агар бедаво касал боиадиган бўлсангиз ундан нима наф? Соғлиқми? Агар уйингизни ёндиришса-ю, оилангизни ҳалок этишса, бунда саломатлигингиздан хурсанд бўласизми?

Кафолат бераманки, қисқа вақт орасида сиз ўз орзуларингиз көпқонида қоласиз. Сизнинг барча орзуларингиз учун кифоя биргина сўз йўқ... Йўқ... Жин билан ярим соат ичида бир қарорга кела олмаган эдингиз. Бу ерда эса бир сўз билан ҳамма энг муҳим нарсаларни айтиб бўладими? Йўқ...

Аммо шундай сўз бор. У узокларда, бизнинг интилишларимиз уфқида милтиллаб турибди. У ҳақида биз бир умр орзу қиласиз. Ва ўлимимиз олдида биз болалиқдан бошқа ҳеч нарсамиз бўлмаган бир пайтда бундай бойликка эга бўлганлигимизни эслаймиз. Сиз «Гражданин Кейн» фильмидаги ушбу буюк кадрни эслайсизми: Кейн ўлаётир, унинг қўхна шиша зўлдир, зўлдир ичида эса қор ёғаяпти...

Бу - «бахт»сўзиdir.

У бўлганида биз унга эътибор бермаймиз, у бўлмаганида эса қолган барча нарсалар маъносини йўқотади.

Бахт - биз туғилгандан то ўлгунга қадар онгли равишда ва ҳеч кимга ҳисоб бермаган ҳолда бир умр интиладиган нарса. Нима билан шуғулланишимиздан қатъи назар биз бахтли бўлишни истаймиз. Ва, энг ажабланарлиси шундаки, у ҳамиша олдинда, ёнгинангда, худди кўл узатсанг етадиган жойдадек бўлади. Ушлайсан, аммо у худди ҳаммомдаги ҳўл совун парчасидай қўлингдан сирпаниб чиқиб кетади. Худди аёзли қиши кечасидаги орзу қилганинг иссиққина ўриндиққа ўхшайди. Липпиллаб туроди ва: «Қани, кел ёнимга»- деб ўзига имлайди.

Бахт сари интилар экан, киши тоғни талқон қилиши мумкин. Бахт орзуси кишиларни энг аёвсиз жанг сари ҳам бирлаштириши мумкин. Бахт учун дарё-дарё қон тўкилиши ва мурдалардан тепаликлар қурилиши мумкин.

Драматик ҳолатда перипетия эмоционал ривожланишнинг энг сермаҳсул тузилмасидир. Унинг соддалиги ва шиддатли таъсир эта олишига тенг келадиган нарса йўқ.

Бизга яхши таниш бўлган бир драмага назар ташлаймиз. Ромео Монтекки шўхлиги туфайли дўстлари билан ўз оилаларининг душманлари - Капулетти оиласида бўлаётган зиёфатда қатнашадилар. У *бехосдан* (бу сўзни эътиборингиздан чиқарманг) нотаниш қизни кўриб қолади ва қиз унинг ҳиссиётларини алана олдиради. Ромео бахтиёр. Ва *бехосдан* (яна бир бор бу сўзга эътибор қилинг) оиласининг бош душманининг қизи эканлигини билиб қолади. Бу қиз - Капулетти, улар бахтли бўлишлари мумкин эмас. Бахт чўққисидан Ромео чорасизлик гирдобига ташланади. Схема: *бахт -янги ахборотни баҳолаши - баҳтсизлик*.

Ромеонинг уни ўз комига тортган севгига қарши курашишга куч йўқ. Барча севишганлар сингари у ўз севгилисини кўришни истайди. Ва қоронғу оқшомда қалбидаги севгилиси унинг севгисини қабул қилмаслиги хавотири бўлгани ҳолда, кўркувни енгиди, Ромео ўз душманларининг боғига киради ва **бехосдан** (яна шу сўз), ҳамма нарса афсонавий бир тарзда ўзгаради, гўё бутун олам мушакбозликдан товланиб кетади. Ромео Жулеттанинг унга айвондан муҳаббат ашъорларини йўллаганини эшигади. Ишониб бўлмайдиган ҳолат! Аммо қиз ҳам уни худди ўзи севгани мисоли севиб қолганди. Ромео баҳт чўққисида. Схема: ***бахтсизлик -янги ахборотни баҳолаши - баҳт.***

Юқоридаги «бехосдан»ларга бир қаранг. Улар ҳикояда ҳар сафар персонаж қандайдир мақсад сари интилганида ва янги хабар олган пайтида пайдо бўлади. Ва бу нарса унинг ҳиссиётларини кескин ўзгартириб юборади. Ромеонинг феъл-автори кескин ўзгаради.

## 6.2. Конфликт

Шундай тушунчалар борки, улар ҳаётда сизга шунчалар таниш, гўёки улар ҳақида гапириб ўтириш ҳам зарур эмасга ўхшайди - шусиз ҳам ҳаммаси тушунарли. *Конфликт* нима эканлигини ҳамма билади. Бу икки томон бир-бири билан баҳслашяпти, урушаяпти, жанг қиласяпти, бир-бирини ўлдиришяпти деганидир. Бутун умримиз давомида биз атрофимизда минглаб конфликтлар билан дуч келамиз, улар ҳақида ўз тажрибамидан биламиз, телевизор оқали кўрамиз, газеталардан ўқиймиз. Аммо касбий манфаат бу атамага диққат билан қарашга мажбур қиласи.

### *Конфликт - драманинг калим сўзи*

Биринчи қоида: **конфликтда ёрқин, аниқ ифодаланган кучлар курашаадилар**. Яхшилик ёмонлик билан курашади. Ёмон болалар яхши болалар билан муштлашишади. Конфликтларнинг энг ёрқин учқунлари келишиб бўлмайдиган кучларнинг тўқнашувида, шайтон фаришта билан жангга кирганда чақнайди. Мураккаб шаклларда ёмонлик яхшилик ниқоби остида яшринган бўлади. Фаришта шунчалик яхши ўраниб олган бўладики, уни бирданига таниб бўлмайди. Бир-бири билан келиша олмайдиган рақибларни - протагонист ва антагонистни -топиш ҳамда билиб олиш - бу бизнинг вазифамиздир. Бизнинг муаммоларни - персонажларнинг мураккаб ва кўпмайноли, маъноси ўз-ўзича кўриниб турнайдиган конфликтларига ойдинлик киритишдир.

Ҳар бир ёш ижодкорнинг ҳаётий тажрибаси унинг тасаввури туфайли туғилган, ҳали ҳеч ким томонидан баён қилинмаган ва ҳеч бир танилмаган

персонажлар ва ҳолатларни ўртага ташлайди. *Персонажлар -сизнинг ноёб бойлигингиздир, аммо уларни конфликтда таниб олиши усуллари анчайин универсалдир.* Персонаж лардаги фарқ қанчалик кучли бўлса, конфликт шунчалик яхши ривожланади.

Тафовутларни топиш - ижодкорнинг вазифасидир, бу тафовутларни конфликтда юзма-юз қўйиш - касб усталарнинг технологиясидир.

Чехов персонаж ларидаги тафовутларга қараймиз. Танлаб ўтирасдан қўлга тушган исталган бир новеллани олсангиз ҳам ғайриоддий ва сўнгги чегарасига етказилган тафавутларни кўришингиз мумкин.

### **А.Чеховнинг «Веражон» («Верочка») ҳикояси.**

Иван Алексеевич Огнев ва Верочка - ёлғиз, бир ижтимоий даражадаги ёшлар. Уларнинг муҳаббатига нима халақит қиласди? Қиз 21 ёшда, йигит 29 да. Жуда муносиб, шундай эмасми? Верочка сарвқомат, чиройли. У Огневга бутун вужудини қамраган, оловли муҳаббатни изҳор қиласди. Қиз лов-лов ёнмоқда. Йигит бўлса мутлақо жонсиз, совукқалб, ҳиссиётларга укуви боимаган шахс. Верочка титрайди ва ловуллаб ёнади. Огневнинг қалби бўлса муз эмас, балки ҳатто тошнинг бир бўлаги.

Зиночка чўчиб тушди, қип-қизариб кетди ва мен қилган ишорадан эсанкираган ҳолда устига сув тўла стакан ва шамдон қўйилган стулга ўтириб қолди.

- Мен сизлар қандай... ўпишганларингни кўрдим... - дедим мен қиқирлаб ва унинг довдирашидан маза қилиб. - Аҳа! Мана, онамга айтиб бераман».

Конфликт пайдо бўлди ва жадаллик билан ҳаиокат сари елдек учиб бормоқда. Биз конфликт - драматик ҳолат ривожланишида асосий восита эканлигини аллақачон тушуниб олдик. Ҳар бир персонажнинг ўз драматик ҳолати бўлади ва улар конфликтда тўқнашадилар. Драманинг ҳаёти - бу конфликтдаги кураш, икки драматик ҳолатнинг олишувидир.

Драматик ҳолат бошланишда тарангликни вужудга келтиради. Қаҳрамон иложсиз ҳолатда. У бундан қандай чиқади?

Америкаликлар қоидасида: драматик конфликтдаги ёвузлик ижтимоий ёки экологик воқеада ифодаланиши мумкин эмас, дейилади. У фалсафий категория сифатида юзага чиқа олмайди. Ёвузлик албатта конкрет антагонист қиёфасида жамланган бўлиб, у қаҳрамон билан шу ернинг ўзида ва шу тобда курашади. Бундай ёвузлик томошабинни эмоционал ҳамдардликка ҳамма нарсадан кўра кучлироқ жалб қиласди, у ривожланиши давомида кутилмаган воқеаларга бой бўлади.

Ёвузлик ташувчи персонаж ҳар қандай фалсафий ғояни ифодалаши мүмкин, аммо буни сўз билан эмас, балки конфликтдаги хатти-ҳаракати билан қиласи. Агар у ирқчи бўлса, у нутқ ирод қилиб ўтирумайди, балки негрларни ёки яхудийларни ўлдиради. Ёвузлик конфликтда ўз характери ва шахсий манфаатларига эга бўлган аниқ одам - антагонист қўринишига эга бўлиши керак. **Ўз хатти-ҳаракатлари билан рақиб қаҳрамонга саволлар қўяди. Қаҳрамон хатти-ҳаракатлари билан унга жавоб беради.** Драматик ҳолатдан конфликт мана шу тарзда ривожланади. Савол -жавоб - савол - жавоб. Ҳар бир воқеа шундай баён қилинади, уни икки киши: қаҳрамон ва унинг рақиби - антагонисти ҳикоя қиласи.

**Конфликтда ҳамиша икки томон:** икки шахс, икки гурӯҳ, икки армия ёки бир киши ҳамма билан тўқнашади, аммо бу «ҳамма» конфликт учун бир шахс - антагонистдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам икки шахс бўлади. Ҳатто саҳнада биргина одам ҳаракат қилсада, у конфликтнинг қатнашчисидир. Унинг иродаси мавжуд бўлмаган рақиб билан тўқнашиши мүмкин.

Протогонист ва антагонист драмада кўп ҳолларда бири ёмон, боиҳқаси эса яхши бўлгани учун курашмайди. Йўқ. Фақат уларнинг Икклси ҳам драматик ҳолатга уларнинг тақдирлари тўқнаш келган ва ктллшиш мүмкин бўлмаган умумий муамрао туфайли жалб этилгандир.

Эр ва хотин ажрашишди, болани бўлиб ололмаяптилар. Уларнинг Иккаласи ҳам яхши одамлар, иккаласи ҳам болани яхши кўришади. иола ҳам уларни яхши кўради. «Крамер Крамерга қарши» фильмини эсга олинг. У ерда кучли, ривожланган конфликт, одамларнинг эса ҳаммаси яхши. Аммо уларнинг курашаётган мақсадлари бир-бирига мос эмас.

**Конфликтнинг марказида** энг мұхим ҳаётий манфаатларга чуқур таъсир этадиган қандайдир аниқ нарса бўлиши лозинт. Биз аввал ҳошданоқ персонаж ламинг манфаатлари қандай аниқ нарса устида лўқнашишини аниқ билишимиз лозим.

«Олчали боғ»да - ер-мулкни сотиш.

«Гамлет»да - қиролнинг ўлдирилиши.

«Ромео ва Жулетта»да - икки оиланинг душманлиги.

Аниқ муаммолар одатда ҳис-туйғу уйғотувчи деталлар билан ўралган бўлади. Улар конфликтнинг энергетик ядросини кўринувchan ва ҳажмли қиласи, бу эса рақиб персонажлар дунёсига эмоционал тарзда кириб ҳоришга ёрдам беради.

Абстракция эса бундай туйғулар туғдира олмайди. Улар биз орқали худди радиотўлқинлар девор орқали ўтиб кетгандай ўтиб кетади. Иъушунчалар деталлар ва фаол шахсларнинг хусусиятлари билан

қопланғандагина уларнинг онгимизда ёпишиб қолиш имконияти күпроқ бўлади.

Эр овқат емоқчи, хотиннинг эса уйқуси келган. Ҳали улар ўзларининг оддий хоҳишлирини тўқнаштирган бир пайтда конфликт йўқ эди. Эр ишдан келди ва ошхонадаги бўш музлатгич олдида овқат егиси келиб турибди. Хотин эса чарчаган ва телевизор олдидағи диванда ухлашни хоҳляяпти. Конфликт етилаяпти. Мана биз персонажларни тўқнаштирамиз.

Эр келади ва:

- Эй, мен чарчаганман, овқат ейишни хоҳляяпман, - дейди.

- Хотин эса:

- Мен ҳам чарчаганман ва ухлашни хоҳляяпман, - деб жавоб беради.

Битта «мен хоҳляяпман» иккинчи «мен хоҳляяпман» билан юзма-юз тўқнашди. Агар бу «мен хоҳляяпман»лар турли мақсадга эга бўлса, конфликт ривожланади.

*Бизнинг вазифамиз-персонажларни рашириб қўйши эмас, балки конфликтни ҳалокат дарајасигача ривожланиши учун туртки беришидир.*

Эр: «Мен хўқиздай ишлайман, чарчайман, уйда бўлса менга ҳеч қандай эътибор йўқ! Хотиним мени ҳурмат қилмайди. Уни мени ҳурмат қилишга мажбур қиласман», - деб ўйлади.

Хотин: «У қўпол, у мен билан ҳисоблашмайди. Балки у мени яхши ҳам кўрмас. Мана, нима учун у «мен хоҳлайман»га тушди, менинг уйқум келаётганини кўриб турибдику. У мени яхши кўрмайди - бу менга аён», - деб ўйлади.

Бу фикрлар персонажлар хатти-ҳаракатини мотивлайди.

Эр столга мушт туширади, хотин йиғлайди - бу ҳалокат. *Конфликтда ҳалокат рўй берганида, хатти-ҳаракатлар кутилмаган томонга қараб ривожланади*

Эр курткасини олади ва кўчага югуриб чиқади. Эр ёлғиз ўзи қолади, хотин ҳам ёлғиз қолади. Конфликт тугадими? Ҳеч ундан гўзалроқ ва ғамхўрроқ қизлар мингта, бор ўшаларга. Улар сенга ейишга бирор нима берар», - деб пицирлайди. Иккинчи қулоғига фаришта: «Қайт! Сен уни севасанку. Уни қучоқла. Ҳазиллашдим деб айт», - деб шивирлайди.

Эр иккиланади, охир оқибат фариштанинг гапига киради ва шайтонни улоқтиради. Ички комфликт ечилди. У уйга қайтиб келади. Хотин эса у ерда йўқ.

*Конфликт аҳволни шиддатли равшида ёмонлаштиради ёки кутмалмаган оқибатларга олиб келади*

«Хотиним қани? Қаерга кетди? Кечқурун у нима қилади? Усиз мен нима қиласман?» - эр хавотирга тушган.

*Конфликт қутқу солувчи саволлар туғдиради: персонажларнинг келажаги нима бўлади?*

Эр яна кўчага отилади. Айни шу пайтда қизил машма уй олдидан жўнаб кетади. Хотин унинг ичида ўтирганга ўхшайди. Ва у ёлғиз эмас! Эр машина орқасидан чопади. Унга етиб бўлармиди? Эр хотинни йўқотди.

Конфликт ташқаридан алтернатив фактор хатар солганда ривожланади.  
*Конфликт - бу жонли импровизация у о Ҳи бўлиб, воқеалар и бўйича ривожланади.*

Конфликт - бу икки муаллиф импровизация қилаётган сценарийга ўхшайди. Эр ўз сценарийсини ёзади. Хотин ўзиникини ёзади. Хотин қаттиқ ранжиган ва ўз ҳаётида қандайдир ҳалокатли нарсани қилишга тайёр.

Эр ўзини машинасига отади ва ҳаётини хавф остига қўйиб, қизил машина ортидан учади.

*Конфликтни шу ернинг ўзида ва айни шу пайтда ҳал этиши лозинт. Вақтнинг босим ўтказишияхии ишлайди*

Эр шаҳарнинг ярмини айланиб чикади. Қизил машма ҳеч қаерда йўқ. У уйга қайтади. Унинг ҳолати кескин ёмонлашади. Конфликт бошида у факат овқат емоқчи эди, энди у ёлғиз қолди. У лўла бахтсиз. Бехосдан у уйда ёруғлик кўради, хонада бўлса - хотини. Хотини қайтди. Унинг қалбида фаришта шайтондан ғолиб келди. Ссишганлар бир-бирларининг бағрларига отиладилар, бир-бираим ўпадилар в.и бахтиёрликдан кўз ёши қиласадилар.

Конфликт бўлмаганида на персонажлар, на томошабин эр-хотин бир-бирларини бунчалик кучли севишларини билмас эди.

*Конфликт бизга қаҳрамонлар ҳиссиётини худди ўз эмоционал тужрибамиз сингари кечиришишимизга ёрдам беради.*

Йўқ. Бу масалалар гўёки конфликт танасида бир вақтнинг ўзида тебраниб туради. Улар доимо ҳаммаси бир пайтда ва ҳар. бири алоҳида-алоҳида пайдо бўлади. Бу масалаларнинг жавоби бизга конфликт тўғри ривожланаяптими, ўз ҳикоямизда конфликтнинг имкониятидан тўлиқ фойдалана олараизми ёки йўқ эканлигини тушунишга ёрдам беради.

Конфликт - ҳиссиётлар ҳақидаги ҳикоя ҳамдир. Ҳиссиётларни ташқарида ҳаракатдан бошқа ҳолда ифодалаш конфликтда умуман шарт эмас. Ҳиссиётларга эга бўлиш керак. Агар сиз уларни зоҳирان саводли баён қилсангиз, уларни конфликтлар кўрсатади.

«Чўқинтирган ота» фильмидан нима тушса шуни олиб бир нечта саҳна кўринг. Сиз, Майкл Корлеоне барча ҳолатларда ўз ҳиссиётларини шундай яширганини кўрасизки, улар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса фаҳмламайди.

Ўзингизга, сиз шунчалик зийрак тамошабинсизки, гўё буларни ўзингиз фаҳмлаб олгандек бўлиб туюласиз. Аммо сиз ўз-ўзингизни мақтаяпсиз. Саводли қилинган ҳикоя ва конфликтнинг ривожи сизни худди ёш бола сингари воқеанинг қоронғу ўрмонзори узра етаклаб боради. Воқеани картиналарда баён қилишнинг уддасидан чиқиш - ёши катта кишиларни ҳамма нарсага ишонадиган болага айлантиришнинг уддасидан чиқишидан бошқа нарса эмас. Тузилма томошабин ҳиссиётларини ўйнатади. Кинода шундай бўлади. Таниқли сценарист ва режиссёр Девид Маммет ўзининг талаба-режиссёrlарга биринчи марузасида шундай деган: «Актёр ўз туйғулари билан ҳикоянинг ривожини белгилаб бериши керак эмас. Бундай қилиш худди релсда ҳаракатланаётган поездга вагон деразаси орқали қўлингизни силкитиши билан ёрдам беришингизга ўхшайди».

**Хулоса қиласиз. Конфликтни ривожланишига ёрдам берувчи қоидалар:**

1. Саҳнанинг бошида персонаж ламинг мақсадлари бир-бирларига мос келмайди ва уларга эришиб бўлмайди.
2. Ташқаридан алтернатив омил хавф солади.
3. Вақт босими мавжуд. Муаммони шу ернинг ўзида ва айни шу пайтда ҳал қилиш лозим.
4. Биз персонажларни ҳалокатга итаришимиз лозим.
5. Биз, томошабин ўзидан: персонаж нима қиласи? деб сўрашини кузатиб борамиз.
6. Конфликт худди биз персонажлар билан бирга ҳис қила оладиган уларнинг эмоционал тажрибаси сингари ривожланади.

*Конфликт ривожланишининг зарурий сифати - унинг олдиндан айтиб ҳўлмаслигиdir.* Агар томошабин персонажнинг кейинг! қадами ҳақида пайқаб қоладиган бўлса, қилган барча уринишларингизнинг қиммати линслиб кетади.

Олдиндан билиб бўлмаслик - персонажлар хатти-харакати билан ишлаш жараёнида биз ҳал қиласиган масалалардан биридир. Сценарийда конфликт қанчалик яхши ривожлантирилган бўлмасин, олдиндан айтиб

бўлмасликни ҳар бир саҳнада актёрларнинг онгли ва ҳисоблаб чиқилган хатти-лиаракатлари эвазига қўлга киритиш керак.

Мен бир таниқли актёрдан: партнёр билан саҳнада ишлашнинг сенда қандайдир бир ягона тамоили борми? - деб сўрадим.

- Албатта бор, - жавоб қилди актёр. - Ҳар бир саҳнада мен ўз олдимга: партнёрни қандай қилиб ўзгартиришим керак? - деган вазифани қўяман. Қандай қилиб уни зарур бўлмаган ишни қилишга мажбурлаш керак? Унинг ҳам олдида менга нисбатан шундай масала турса керак. Биз бу нарсаларни топсак, саҳна тафсилотлар билан гуллаб-яшнайди. Бу ииарса топилмас экан, ҳеч нимани ўйнаб бўлмайди.

Ёлғиз персонажни ҳамиша яхшилик ва ёмонлик курашадиган майдон, конфликтдаги ҳаракат майдони деб тасаввур қилиш мумкин. Агар бу нарсабўлмаса, ҳаракатларга юзакилик хавф солади.

Шайтон ва фаришта - қарама-қарши томонларнинг истиорасидир. Ҳаётда биз ҳамиша ҳам қарама-қаршиликларнинг охирги чегарасигача боравермаймиз. Жуда кўп ҳолларда ички конфликтлар хатти-ҳаракатларда ташқарига чиқиши йўлини топмасдан, бизнинг қалбимизни элас-элас уйғотади. Бизнинг ниятларимиз, одатда, кўп ва уламинг ҳаммаси ҳар хил. Аммо ҳали биз улар учун конфликт хатти-ҳаракатларида шакл топмас эканмиз, улар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса фаҳмламайди.

Шон-шуҳратга эришиш, бойиб кетиш, оламни забт этиш истаги қалбни пора-пора қиласи. Бу натижасиз орзуладар - сизнинг сирингиз.

Бу сирларни кўринадиган қилиш учун уларни конфликтдаги ниятлар кураши сифатида тақдим қилиш керак. Бу ҳолда конфликт ривожининг барча қоидалари ишлайди - сиз уларни биласиз: конфликтда икки персонаж иштирок этади, уларнинг хатти-ҳаракатларини қарама-қаршиликламинг энг чўққисигача олиб бориш керак... Ким улар, сизнинг бу шахсий сирларингизнинг вакиллари, сизнинг шахсий шайтонингиз, сизнинг ўз фариштангиз?

Конфликт ривожи учун бизга рақибларнинг ҳар бири нима билан заарланганини тушуниш керак. Потенциаллар айирмаси қанча катта бўлса, конфликтдан чиқадиган аланга шунча ёрқин бўлади. **Потенциаллар айирмаси** муносабатлардаги жуда нозик тирқиши бўлиши мумкин. Биз унга таҳлил пичоини киритамиз ва эҳтиёт бўлиб бу тирқиши конфликт билан икки томонга сурәмиз. Профессионал ҳикоячи ва режиссёр унда конфликт ривожлантира олмайдиган ҳолат йўқ. Потенциаллар айирмаси қанча катта бўлса, конфликт алангаси шунча ёрқин бўлади.

Бири қочади, иккинчиси уни қувлайди - бу ерда ҳаммаси тушунарли. У қотиллик юқтириб олган, мен қутилишни юқтирганман.

Бир киши айблайди, иккинчиси судда ўзини ҳимоя қиласы - бу ерда қарама-қарши манфаатлар очиқ-ойдин қўриниб турди. Аммо мана, икки киши сұхбатлашишапти:

- Сен мени севасанми?
- Мен сени севаман.

Бу ерда конфликт борми? Жавоб бериш учун ҳар бир персонаж нимани юқтириб олганини аниклашимиз керак бўлади.

Қиз севги касалига чалинган. Йигитнинг эса бундан муҳимроқ ишлари бор. Йигит калласини кўтартмаган ҳолда жавоб беради. Йигит пул санаяпти. Айни шу топда, у (қиз) боласи туғилиши ҳақида хабарни қўшмоқчи бўлган пайтда!..

Воқеадаги конфликтни ривожлантиринг, сиз қўз ёшлари ва ўзини ҳар ён уриб жазавага тушишгача бориб етасиз. Аммо ҳаммаси беозоргина ўпичдан бошланган эди.

Йигит ишонч билан заарланган. «Тинчлан. Мен сени қутқараман», - дейди унга йўғрилган нарсаси. Конфликт ташқаридан хавф солмоқда.

- Сен мени севасанми?
- Мен сени севаман.

Қиз-ку севадия. Йигит бўлса абрах ва қўшмачи. Фақат қиз бу ҳақида фаҳмлагани йўқ. Соч толасидай нозик бўлган потенциаллар (имкониятлар) айрмаси тирқишини суриб очамиз. У воқеалар жарлигига айланиши мумкин.

Конфликтда сўзлар эмас, балки ниятлар муҳим. Персонажлар узок муддатга нимани юқтириб олгани муҳим. Конфликтда хатти-харакатда нима ҳукмрон эканлигини аниклаши муҳим.

Албатта, саҳнадаги хатти-харакатни фақат барча роллардан келиб чиқсан ҳолда тушуниш мумкин. Ҳар бир воқеа - бутун фильмдаги бир бутун конфликтнинг бир қисмидир. Аммо ихтиёрий бир саҳнада биз бу тирқиши топишимиз, ривожлантиришимиз ва воқеага айлантиришимиз мумкин.

Ривожланган муносабатларда потенциаллар (имкониятлар) айрмаси бошланишданоқ катта бўлади.

- Сен мени севасанми?
- Мен! Сени! Севаман! - деб бақиради йигит қизнинг юзига қараб. Аслида эса у қиздан нафратланади. Аммо у қопқонга тушган ва қиз уни қўйиб юбормайди.

Муносабатлар бўлса потенциаллар айрмасидан бўртиб кетмоқда.

- Сен мени севасанми?

- Мен?.. Сени?.. Севаман... - хўрсинади йигит. Севадиганга ўхшайди. Балки унча кучли севмас... Йигит елкаларини қисади. Қиз йиғлайди. Йигит тинчлантиради... Конфликт ўтиб кетди.

Потенциаллар айирмасидаги тирқиши элас-элас кўзга ташланиши мумкин, аммо конфликтнинг илдизлари, одатда, олдинги саҳналардан ўсиб чиқади.

- Отелло сенга ёқадими?
- Менгажудаёқади Отелло.
- Сен унга ачинмайсанми?
- Мен унга жудаям ачинаман.
- Дездемонагачи, ачинасанми?
- Албатта ачинаман.

Икки киши ҳозиргина кўришган филтраини тинчгина муҳокама қилишмоқда. Уларнинг иккаласига ҳам айни саҳналар, айни артистлар ёқади, айни бир хил ҳолатлар уларни мафтун қилган. Аммо улардан бири маданиятлироқ ва уни иккинчисига намойиш қилгиси келади. Бу нарса энди конфликт учун сабабдир. Ёки бири иккинчисига ёқмоқчи, унга қалдан яқин эканлигига ишонтиromoқчи бўляяпти.

Икки севишган ўпишмоқдалар. Яшил тўтикушлар бир умр шу тарзда тумшуқлари билан ўпишадилар ва дараҳт шохланда баҳтиёр бўладилар.

Аммо йигитча дугонаси унга таклиф қиласидан кўпроқ нарсани истайди. У бу нарсага эришишга интилади, қиз унга қаршилик қиласи. Қиз йигитни йўқотишдан кўрқади. Йигитча бўлса, худди танқ сингари унинг устига бостириб келади. Мушкул ҳолат рўй беради. Бундан сўнг характерлар ниқобсиз юзага чиқади.

Кишилар машинада кетишмоқда. Улар бир-бирлари билан дўст ва бир мақсад сари кетмоқдалар. Рулда ўпкасини қўлтиқлаган ҳайдовчи -конфликт. Ҳайдовчи ўта эҳтиёткор ва имирсилаган - конфликт.

Икки киши бир ишни амалга оширмоқда. Аммо бири учун у ҳаётининг мазмунни, бошқаси эса бу иш учун ундан кўра муҳимроқ нарсадан воз кечади - конфликт.

Агар саҳнада партнёрларни юзма-юз тўқнаштириш имконияти мавжуд бўлса, биз уларнинг муносабатларини конфликт сифатида ривожлантира оламиз. Ва бу драмада ҳамма нарсадан кўра биз қила оладиган энг яхши нарсадир.

Конфликт ривожининг энг асосий вазифаси - томошабинни актёр билан биргаликда персонажламинг эмоционал тажрибасини бошидан

кечиришга мажбур қилишдир. Бу - айнан ҳамдард бўлишнинг ўзгинасидир. Томошабинни ҳамдард бўлишга жалб қилиш осон иш эмас. Конфликт бунга эришишга жуда яхши ёрдам қиласди. Чунки конфликтда ҳиссиётлар аниқ курашда бизнинг кўз ўнгимизда туғилади. Бизнинг ҳиссиётларимиз ривожланиш учун йўл кўрсатилади - биз унинг орқасидан эргашамиз ва ҳиссиётлар ортиб боради. Ҳамдардлик амалга ошган маҳали саҳна ўз мақсадига эришади.

Конфликтнинг муҳим элементларидан бири тўсиқлардир. Тўсиқлами енгиб ўтиш орқали персонажлар конфликтни кўринарли қиласдилар. Тўсиқлар характерлами очади. Агар тўсиқлар боимаса, конфликтнинг ривожи ҳам бўлмайди.

Энг осони конфликтни персонаж ламинг даҳанаки баҳсларида кўрсатишдир. Одатда қаҳрамон ва антагонист барча асосий нарсаларда қарама-қарши қарашда бўлади. Уламинг баҳсидаги мулоқотларини ёзиш жуда мароқли. Тасаввур таъсирчан луқмалардан семиради, қўл ўз-ўзидан ёза бошлайди. Аммо бу биз қилишимиз керак бўлган энг сўнгги ишдир.

Диалогнинг драмада мақсадга мувофиқлигининг бошқа оддий мезони мавжуд. Агар сўзлар конфликтда рақиб енгиб ўтиши лозим бўлган тўсиқ қўядиган бўлса, улар ёрдам беради. Агар сўзлар фақатгина характер чизгиларини ойдинлаштираса, аниқлаштираса, айни жойда ва айни шу пайтда ривожланаётган нарсаларга тааллуқли бўлмаса, сўзларга улар тўсиқ туғдириши мумкин бўлган бошқа жойдан ўрин ахтариш керак. Ёки улардан воз кечиш керак.

Роман ёки қиссада диалогнинг бошқа вазифалари бор. У ерда диалог бизнинг ҳаётдаги оғзаки муносабатларимизга жуда яқин бўлади.

Драма ўз майдонига тушувчи барча нарсалами энг сўнгги ҳолатларгача ривожлантиришга интилади. Баҳт жаннатга айланишга интилади, баҳтсизлик - жаҳаннамга. Ҳаётга ўлим хавф солади, севгига - бевафолик.

Конфликт ҳам драмада чўққига интилади. Унинг чўққиси -ҳалокат. Чехов айтганидек: «Охирида қаҳрамон ё уйлан ёки ўзингга ўқ уз». Кўлингда конфликтнинг сифатига бефарқ бўлган лузилманинг бўлиши фойдали бўларди. Асл ёки сийқаси чиққан, элас-элас билинувчи ёки қўпол, қонли ҳар қандай конфликт бундай тузилмада ҳалокатгача ривожлана олиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Албатта, бунда конфликтлар ўзларининг аслигини йўқотмасликлари лозим.

Агар турли хил конфликтлар учун тайёрлаб қўйилган шундай болванка (яrim тайёр хомаки тузилма) мавжуд бўлса, биз конфликт

имкониятини ривожлантира бориб, нимага ва қайси жойда эриша олмаганимизни кўришимиз мумкин бўларди. Биз иш столимизда доимо туриш имкониятига эга бўладиган моделга эга бўламиз.

Фильм учун энг яхши тузилма уч кўринишли ривожланишdir.

*Биринчи* кўринишда конфликт сезилади, унинг персонажлари билинади. Уиринчи кўринишнинг охирида кескин бурилиш нуқтаси пайдо боиади.

*Иккинчи* кўринии. Бурилиш нуқтаси қаҳрамоннинг ҳолатини мураккаблаштиради. Бош қаҳрамон йўлида у енгиб ўтиши керак бўлган тўсиқлар пайдо бўлади.

*Учинчи* кўринии. Қаҳрамоннинг драматик ҳолати кескин мураккаблашади. Унга батамом ҳалокат хавф солади. Энг танг ҳолатда - кулминацияда - қаҳрамон чора топади ёки ҳалок бўлади. Наг қандай ҳолатда ҳам конфликт тарангликнинг энг юқори чўққисида ҳал этилади.

Бир китобда мен сценарий персонажлар ўтирган қайиқ сузуб бораётган дарё сифатида берилган схемани кўрдим. Қайиқнинг йўлида сувдан хавфли тошлар чиқиб туради. Оқим қайиқни парча-парча қилиб юбориши мумкин. Дарё - берилган ҳолат, оқим - алтернатив омил, тошлар - конфликтдаги мақсадга томон бора туриб, енгиб ўтилиши керак бўлган тўсиқлар.

Биринчи кўринишнинг охирида дарё кескин бурилади. Бу биринчи бурилиш нуқтаси. Дарёнинг ўзани тораяди - оқимнинг тезлиги ортади (алтернатив омил ўсади). Тошлар борган сари кўпайиб боради (тўсиқлар мураккаблашади). Бурилиш нуқтаси бош қаҳрамонни ҳалокат ёқасига олиб келади. Конфликт ортади.

Ҳар қандай қиёс сингари бу схема соддалаштиради, аммо сценарий ривожланишини назорат қилиш учун у яхши иш беради. Бундан кўринадики, схема ҳар қандай драматик ҳолатдаги ҳар қандай конфликтни ривожлантириш учун ёрдам беради. У кичик шаклда худди бир ярим соатли фллмдагидай яхши ишлайди. Бу схемада ҳаёт оқимининг узлюксизлиги муваффақиятли равища ҳикояда бирлаштирилганидир.

Ҳаёт дарёси узлюксиз оқиб боради, аммо ҳар бир кўринишнинг охиридаги бурилиш нуқталари қаҳрамоннинг муаммоларини кескин мураккаблаштириб боради. Бу дарёда суза бориб, персонажлар ўз конфликтларини фильм кулминациясида умумий ҳалокат даражасигача олиб борадиганга ўхшайди.

Балки бу модел оммавий коммуникациялардагина яхши ишлар? Балки ҳақиқий санъатда уч кўринишда ривожланадиган стереотип тузилма эътиборга лойиқ эмасдир?

Америкалик сценарийчиларнинг «Қандай қилиб дурдона асар ёзиш ва уни миллионга сотиш керак?» номли семинарини тасаввур этайлик. Унга чўққи соқолли йигитча келиб, шундай дейди: «Салом, менинг исмим Антон. Дўстларим мени импрессионист деб аташади, мен конструк-сияларимнинг бозорда муваффақият қозонишига ишонмайман. Балки, сиз буларни эвидан чиқарсиз? Мана, менда бундай ғоя, характернинг оддийгина уч варақдан иборат қораламаси бор.

Конфликтдаги драматик ҳолатнинг уч кўринишли ривожини барча даҳолардан топишингиз мумкин, бунинг сабаби оддий: бу қандайдир алоҳида олинган услуб бўлмасдан, муаллифлик ғоясини драматик ҳолат ва унинг конфликтдаги ривожи орқали ифодалашнинг универсал усулидир.

Бугунги кунда бозорга чиқарилаётган бирорта фильм бусиз тасаввур ҳам қилина олинмайдиган конфликтдаги драматик ҳолатнинг уч кўринишли ривожи «Юниверсал» ёки «Парамаунт» қарида пишиб-етилган эмас. Оммавий маданият буни ва барча бошқа нарсаларни ҳам даҳолардан ва мумтозлардан олгандир. Уларнинг янгиинклари ва кашфиётлари оммавий қолип ҳолига келтирилган.

Албатта муаммо мавжуд. Бунга жавоб бермасдан туриб олдинга юриш тўғри бўлмасди. Муаммо, менинг назаримда, санъатдан завқ олиш ҳамиша янгилик ва қоидадан четга чиқиш билан боғлиқ бўлади. Айнан улар ҳаётнинг сирлари ва ҳудудсиз ҳақиқатларига ёндашиш қувончини бизга ато этади.

Оммавий маданият қоидалар билан иш кўради. Фақат қоидалар билан. Агар сизнинг бисотингизда фақат қоидалар бўладиган бўлса, унда қуйидан тепагача бошдан-ёёқ бир хил нусхаларни оласиз. Структурализм назариётчиси Ролан Барт айтганидек: «Нусха-қолиплар - кўнгилни айнитадиган даражада ўла олмаслиқдир», мен эса сизни ижодда бундай абадий чала ўликларка итармоқчи эмасман.

Аммо ҳар қандай санъатнинг пойдеворида ётувчи асосий унсурлар ҳамиша тузилмага эга. Сиз уларни стериотиплар (қолиплар) деб аташингиз мумкин, аммо улар шаклнинг асосидир.

Буюк эсценавис ва синчков мутафаккир Пол Валери доноларча қисқа қилиб: «Сўзлар билан ўйланмайди, иборалар билан ўйланади» -деганди. Яъни ижодкорнинг фикрида шакл иштирок этиши керак.

Бу ҳар бир санъатга дахлдордир. Балетда ҳаракат қоидаларига асосланган иборалар асосида фикрлайдилар. Шахматда доналарни майдонда суришнинг ўзгармас қоидалари асосида ўйладилар.

Етиб келган поезддан қариндошлар ва уларнинг болалари галаси ёпирилиб тушадилар. Аниқки, дала ҳовлисидағи тинчлик ва осойишталик барбод бўлди. Натижада энди эр ёш хотинини севмайди, балки ундан нафратланади - бу қариндошлар унинг меҳмонлари эди. Сиз уч кичик кўринишда ривожланувчи воқеани кўрасиз:

-биринчисида баҳтга интилувчи севишганлар кўрсатилган;

-иккинчисида уларнинг муҳаббати тўсиққа учрайди;

-учинчисида муҳаббат ҳалокатли тарзда барбод бўлади. Уч қисмга бўлиниш юморескага тушунарли ва аниқ шакл беради. Ва биз муаллифнинг фикрлари уч туртки орқали ривожланганлигини асло сезмаймиз.

Турткилар худди ҳаракатни кейинги кўринишга суриб чиқарувчи бурилиш нуқталари сингари ишлайди.

**Бурилиши нуқтаси** - персонаж драматик ҳолатга тушди. Яхши эди, ёмон бўлиб қолди. Ёмон эди, янада ёмонлашди. Жуда ёмон эди - бирдан ҳаммаси жойига тушди. Мана шу нарсанинг ўзи ҳикоядаги бурилиш нуқталаридир. Ҳикоя янги йўналиш олди.

Персонаж ўз ҳаракатлари билан кутилмаган «бехосдан!»га жавоб бериши керак. Бундан конфликт шиддатли равишда ўсиб боради. Биз драматик перипетияни таҳлил қилганимизда бу «бехосдан»га диққатимизни жалб қилган эдик. Энди бизга драма тузилмаси перипетияларни босқичмабосқич тизиб қўйиши янада аникроқ бўлди. Ҳар бир босқич олдингисидан кўра юқорироқда жойлашган. Бу босқичлар орқали биз кулминация томон кўтарилимиз. Айни шу пайтда бутун зина уч қадамга бўлингандир. Бу эса ўша уч кўринишdir. Шу тариқа конфликтни ривожлантирган ҳолда биз ҳикояни баён қиласиз.

Чеховнинг «**Уйқи хоҳиши**» номли кичик ҳикоясидаги зинапоянинг уч босқичини кўриб чиқайлик.

13 ёшли Варка этиқдўзникида энага бўлиб хизмат қиласи. Дарҳол драматик ҳолат берилган: Ҳали ўзи бола бўлган Варканинг ақл оғиши даражасида уйқуси келади, «унинг кўзлари юмилиб, калласи пастга тушиб кетаяпти, бўйинлари оғрияпти. У қовоқларини ҳам, кўзларини ҳам қимиirlата олмайди ва унинг назарида юzlари қуруқшиб, ёғочга, калласи эса худди тўғноғичнинг бошига ўхшаб қолгандай».

Варка туни билан бақириб чиқкан гўдакни тебратиб чиқиши лозим. Тонг отиши билан хўжайиннинг: «Варка, печкани ёқ», - деб қичқириши

ҳаракатни иккинчи кўринишга қувади. Ҳаракатнинг шиддати ва суръати кескин ўзгаради.

Қайиқ мустаҳкамга ўхшаб кўринганди, унинг тешиги бор экан.

Оқим тинч эди, энди эса қайиқни даҳшатли куч билан снуб бормоқда.

Дарё худди Кустодиевнинг картинасидаги савдогар хотин синг;м маҳлиё бўлиб ўзига тортган эди, энди сувдан тошлар чиқиб турибди, сув атрофда қутироқда.

Йўлдошлар виждонли кишиларга ўхшаган эди, кўринаяпти, улар ёлғончилар, ярамаслар ва зўравонлар экан.

Бу билғанларингиз сизга ўз ҳаётий тажрибангиздаги нималарни дир эслатаяпти, шундай эмасми?

Иккинчи кўриниш камаиакнинг орқа тарафини аниқлайди. Биз биринчи кўринишда баён этилган бареҳа ҳолатларни тушуниш бўйича чуқурлашамиз.

Ҳаётда сиз:

-Тўхта! Мен бу қайиқда бошқа сузрайман. Омон бўлинг. Берилган сабоқ учун раҳмат. Менинг саёҳатим тугади, - деган бўлардингиз.

Аммо драмада асосий нарса энди бошланаяпти. Биринчи ва иккинчи кўринишлар - фақат учинчи кўринишдаги ҳалокатга тайёргарликкина холос. Драмада сиз ёмонликнинг моҳияти нимада эканлигини аниқлашни, ўзингизнинг ҳақ эканлигинизни исботлашни, ўз дунёнгизда адолат ва тартиб ўрнатишни хоҳлайсиз. Драмада сиз конфликтнинг ортиб борувчи зарбаларидан қоча олмайсиз. Сиз дастлабки икки кўринишда дарёнинг маккор қиликлари, унинг инжиқ оқими билан яхши танишиб олдингиз. Сизда қайиқнинг мустаҳкамлиги ҳақидаги алдамчи тасаввур йўқ. Энди шерикларингизни сўз ва ваъдалар ишонтира олмаслигини биласиз. То ўлим ёки ғалабагача уриш бўлади. Майли, қайиқ шаршарадаги жарликка кулайверсин. Сиз энг асосий нарсага диққатингизни жалб қилишингиз керак. Шунда сизнинг қалб тўрингиздан шу пайтгача яшириниб ётган қўшимча кучлар пайдо бўлади. Конфликт энг тўлиқ ҳолда ечилади ва содир бўлаётганларнинг фалсафий маъноси аёвсиз ва келиштириб бўлмайдиган курашнинг натижаси сифатида пайдо бўлади. Бу - драма.

Кўраяпсизки, сизнинг ўз мақсадларингизга эришишингиз учун учинчи кўринишда сизни сўнгги курашдан чалғитувчи янги хабарлар бўлмаслиги керак. Сизнинг бутун кучингиз сизга маълум бўлган ёмонликка қарши курашиш учун берилиши керак. Томошабин учун ҳам бу нарса фойдали. Улар тасодифий бир тарзда бир соатдан ортиқ сизнинг қайиғингиз ортидан кузатиб келишмоқда.

Эр-хотиннинг ҳаёти кундалик майда-чыйдалар билан қуршаб Олинган. Дастрлаб уларни конфликт ҳам деб бўлмайди. Тушунмов-и луликлар, кичик рашик, озгина ёлғонлар, аниқланмаган даъволар. Ҳар л.ниига ҳам маълум бўлган майда-чыйдалар бир бутун тўрга айланиб боради. Йўл-йўлакай улар битта гўвалакка айланиб, иккинчи ва учинчи киринишларда конфликт таранглашганда болға бўлиб урадиган нарсага уйланади.

*Биринчи кўриниши* серодам, ҳашаматли, у қўплаб завқ-шавққа лўлдирувчи деталлар ва кузатишлар билан тўлиб-тошган. Унда ёзниинг ёмғир олдидан бўладиган дим ҳаволи куни муҳити берилган. Биз ҳамма нарса ўзининг тўлиқ табиий ўзанида бўлган беташвиш ҳаётга бутунлай шўнғиганмиз. Бу нарса нафақат ҳаётнинг моҳирона чизилган тасвири, балки иккинчи кўринишдаги портлашга ва учинчи қўринишдаги ҳалокатга пухталик билан тайёрланган ҳолат эканлиги хаёлимизга ҳам келмайди.

Биринчи кўринишининг охирида сизда чиндан ҳам бадавҳил қўрғонда хўжайиннинг туғилган кунига бағишлиланган байр-ам кунини ўтказганлик туйғуси пайдо бўлади. Олга Михайловнанинг хушмуомала бека ниқоби остидаги чарчоқлик ва тutoқкан зардали ҳолатини ҳам яхши тушунасиз,

*Иккинчи кўриниши.* Эр-хотин нимқоронгу ётоқда. Барча меҳмонлар биринчи кўринишда қолиб кетишган. Конфликтнинг асосий шахсларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Биринчи кичкинагина тош ҳам орқасидан кўчкини келтириб чиқаради. Биз ўзимизга келгунча ҳамма нарса оиласвий можаро оловининг домига тушади. Бу бемаънига ўхшаб туюлади, аммо биз қаҳрамонлар хатти-харакатлари мотивини, ҳар бир сўз ва имо-ишора сабабини яхши тушунамиз. Буни биринчи кўриниш бажарган эди.

Можаро тезлик билан ўз кулминациясига чиқади ва ташқаридан қараганда тўхтагандай бўлади. Амалда эса олов ичкарига ҳайдалган бўлиб, уучинчи кўринишдаги ҳалокатдапортлайди.

### **Учинчи кўриниши.**

Муддатидан олдинги туғиши тўлғофи бошланади. Ҳамма нарса азоб еяётган Олга Михайловнанинг юзида тўпланган. Муддатидан олдинги туғиши азоби.

Бола тушиб қолади.

Ўликбола.

Олга Михайловнанинг ўзи ҳаёт билан ўлим ўртасида.

Эр бутунлай умидсизликка тушган.

Пётр Дмитриевичнинг: «Нима учун биз боламизни сақлаб қололмадик», деган умидсиз фарёди билан тўхтатилмагунича ҳамма нарса жаҳаннам томон думалаб борарди.

Дохиёна ёзилган матнга тегмай турайлик. Конструксияга назар соламиз. Биринчи кўринишда биз керакли барча ахборотни олганмиз.

Иккинчи кўриниш бу ахборотни конфликтга айлантиради ва бу конфликтни максимал даражасигача ривожлантиради.

Учинчи кўриниш иккинчи кўринишдаги конфликтни ҳалокатга айлантиради.

Фильмларда содда бўлган бу конструксия қўполроқ кўринади. Сиз уни ҳеч бир қийинчиликсиз ажойиб бестеллер бўлмиш «Чўқинтирган ота»да ҳам, жуда ажойиб триллер «Қочиш»да ҳам, муваффақиятга эришган ҳар қандай фильмда ҳам топа оласиз.

Аммо, яххиси, яна Чеховга мурожаат қилишдир. «Туғилган кун»да воқеалар бир сутка давомида бўлиб ўтади.

Эндрюс ролни уч қисмга ажратди.

Биринчи қисмида у жонли, таъсирчан, тез гапирадиган, кўзлари ёниб турар эди - унинг эркинликдаги ҳаёти шундай эди.

Иккинчи қисмда у вазмин ҳаракат қиласи, шошилмасдан ўйлади, гўёки энг оддий ахборот ҳам унинг меров бўлиб қолган миясига қийинчилик билан қабул қилинаётганга ўхшайди. Бу унинг лагердаги ҳаёти эди. У ҳайвонга айланган эди.

Учинчи қисмда беражмлик ва аниқлик пайдо боиди. Ҳар бир дақиқада очик олишувда ўз ҳаёти учун ўлгунича туриб беришга тайёр бўлган жангчи ўсиб улгайди. У ўз атрофидаги барча нарсаларга қаттиқ ёпишиб олган ва бир онга бўлса ҳам ўзининг таранглашган диққатини сусайтирmas эди. Гўёки бошқа одам туғилгандай эди. Бу фильмнинг якунловчи қисми эди.

Бу картинаси турлича бойитиш ёки қисқа бир онга бўлса ҳам уни портлатиш ҳақидаги ҳар қандай таклифни Энтони қабул қилмас эди. Тасвирга туширилган фильм монтаж столига келиб тушганидан сўнг бизнинг актёrlаримиз томондан қилинган ранг-баранг импровизациялар парча-парча бўлиб саватга учишди. Эндрюнинг ролида бўлса ҳар бир кадр бошқасига метиндеқ боғланган ва ундан таассуротлар кундан-кунга ортиб борарди. У фақат конфликтнинг моҳияти бўйича ўйнаган эди. Рол аниқ шакл олди. Охирида энди ҳамма бу нарса фильмнинг муваффақиятларидан бири эканлигини билар эди.

Персонажнинг уч кўринишли ривожи ҳамиша ҳам сценарийда берилган бўлавермайди. Бу биз ролга киритишимииз мумкин бўлган нарсадир. Биз фильмнинг ва бош ролларнинг бутун сценарийсини ривожлантира бориб, бу билан ишлашимиз керак.

Менда, балки барча режиссёрларда ҳам, «Олчали боғ»ни қўйиш ғояси бор эди. Мен биринчи кўринишда Раневскаяни ўзидан анча ёш кўришни истаган эдим. Ёш, бахтиёр, жўшқин ҳаракатланувчи, илдам қадам ташловчи, бутун вужуди тўлқинланган, қувончли кулгудан йиғига ўтадиган қиз. Бўлмасам-чи! У беш йил уйда боимади ва дафатан ўзини-ўзига яқин бўлган кишиларининг диққат марказида сезиб қолди, боғ, мана шу қалбга яқин боғ ҳам унинг атрофида эди.

Иккинчи кўриниш. Раневская ўз ёшига монанд кўринади, диққатини бир жойга тўплаган ҳолда фикрлайди. Ўз муаммосини ҳал этиши лозим. Варяни нима қилиш керак?

Иккинчи кўринишда ҳалок бўлаётганларини тушунмаётган бу лелбаларнинг барчаси унинг ғашига тегади. У қийинчилик билан ўзини тутиб туради. Ич-ичидан доимо сўкиниб юради. Эсипаст бекорчилар ииларни қутқариши мумкин бўлган ёрдамни қабул қилишмайди! У ҳар доим ўзича ҳисоб-китоб қилиб юради ва ҳамиша боғни дала ҳовлиси қурувчиларга сотиш ҳамиша фойдали бизнес бўлиб чиқади. Бундай лимтастик бизнесни у совға қиласи. Раневская ва Гаевлар эса уни қабул қилмайдилар. Бу бемаънилик эмасми?

Учинчи кўриниш - ҳалокат. Лопатин худди доктор Жекилга айланган доктор Хайдга ўхшайди. У мутлақо бошқа одам: ёввойи, қўпол, тийиқсиз, ҳайвоний хирсга тўлган. У бузоқча ёнига бекиниб борган, ғалабанинг қайноқ қони билан маст бўрига ўхшайди. У қуи бўлган боғ энди унинг мулкига айланди! Барча яширин орзулари умалга ошди.

Ривожланишнинг уч кўринишли тузилмаси - драманинг Нитске лаҳмлаб етган сирларидан биридир. У драмада ҳаётни фалсафий мушоҳада қилиш тажрибаларимизга санъат асари шаклини беради.

Конфликтнинг уч кўринишли тузилиши нуқтайи назар ёки оптималь варианлардан бири эмас, балки универсал формула эканлиги фойдасига яна бир далил мавжуд. У холисалиллоҳдир, чунки у томошабин идрокининг лурғун қолипига асосланади.

Ҳар бир одам - алоҳида олам. Аммо биз турли-туман кишилар сифатида тўпланиб, тартибли қаторларга ўтириб, чироқ ўчиб, экран ёришганда биз худди бир одам каби нафас оламиз, қувонамиз ва куйинамиз. Биринчи кўринишдан иккинчи кўринишга кескин бурилиш айни томошабиннинг қизиқиши ва диққатини қўзғатувчи қандайдир бир янгиликка талаби пайдо бўлган чоғда юзага чиқади.

Ички туйғу ва ҳисоб-китоблар тўғри бирлашганида «Какку иаи устидан нимадир учиб ўтди» ёки «Велосипед ўғрилари» фильмлари кая

мўжизалар рўй беради. Экранда ҳаммага маълум бўлган туйғуларнинг пайдо бўлиши дунёнинг барча кинотеатрларида катарсис бўлиб портлади.

Сиз аллақачон менинг: Чехов даҳоларга хос фаҳм-фаросат билан ўзининг барча ғояларининг конфликтли ривожи учун энг мақбул ечим топа билган, деган ишончим ҳақида биласиз. Бу нарса уч кўринишни ривожланишга нисбатан қандай кўринишга эга бўлади?

Бунга яхши мисол - кичкина «Ғилоф бандаси» ҳикоясидир.

**Биринчи кўриниши.** Бирданига бош қаҳрамон Беликовнинг характери баён қилинган.

«У шуниси билан ажойиб эди, ҳатто жуда яхши ҳавода ҳам калиш кияр ва соябон тутарди ва албатта, иссиқ паҳтали палто киярди. Унинг соябони ҳам, соати ҳам кулранг замшдан тайёрланган ғилофда эди, қалам йўниш учун қаламтарашини олганида, унинг пичноғи албатта ғилофда бўларди; унинг юзи ҳам ғилоф билан қоплангандай эди, чунки у ҳамиша юзини кўтарилиган ёқаси билан тўсарди. У қора кўзойнак тутар, қора фуфайка кияр, қулоғига паҳта тикиб олар ва извошга ўтирганида, албатта, тепасини кўтаришга буюрарди».

Характер аниқ, кўриниб турадиган бир қатор ёрқин деталлар билан баён этилган. Гўё режиссёр томонидан актёр, кастюмер ва реквизитлар бўйича ассистент учун ёзилгандай. Айни шу пайтда бу характеринг мағзи ҳамдир. Ва ҳамиша яхши ҳикояларда бўлганидек, характер мағзи сизни сездирмаган ҳолда конфликтга ишлов бериш учун жалб қиласи. Аммо шуниси ажабланарлики, биринчи кўринишдаги конфликтнинг ривожи ўз навбатида аниқ уч кўринишни бўлинишга эгадир.

Биринчи кўринишда Беликовнинг ўқитувчилар билан конфликти баён қилинган.

«... Педагогик кенгашларда эса у оддийгина ўзининг эҳтиёткорлиги, гумонсираши, эркаклар ва қизлар гимназиясида қандайдир ёшлар ўзларини ёмон тутишлари ҳақидаги соғ ғилофий фикрлари билан эзиз ташларди...»

Фильм - бу характерлар ўзларининг конфликтдаги ҳаракатлари орқали ҳикоя қилиб берадиган воқеадир. Муаллиминг ниятлари яширин. Биз экранда реал ҳаётни кўрамиз. Қандай қилиб бу билан сизнинг ғояларингизни энг юқори даражада ривожлантириш ва томошабинни ҳаяжонлантириш мумкин?

Драматик ҳикоя муаллифнинг сезилмайдиган даражадаги ниятларининг турткилари остида эмас, балки персонаж ламинг кураши туфайли худдики, ўз-ўзидан ривожланиши учун у *воқеалар занжисиридан* иборат бўлиши керак. Шундай боиганда ҳикоя ўйлаганимизга мос ўсиб

боради, унинг энергияси эса персонажлар конфликтининг мотори сифатида ҳаракат қиласди. *Воқеадан* воқеага ҳаракатлана бориб, биз ҳикоя ривожида энг юқори даражадаги тарангликни вужудга келтиришимиз мумкин бўлади.

Фильмдаги воқеалар занжири одатда 30-50 воқеадан иборат бўлади. Буни вақтида Станиславский аниқлаган эди. Голливуд бу рақамни худди мустақил аксиома тарзида қабул қиласди. У ўнлаб, минглаб марта турли фильмларда синаб кўрилди. Бундан келиб чиқсан ҳолда воқеанинг узунлиги 2,5-5 бетдан иборат бўлади (Жаҳон стандартига кўра сценарий 105-115 сахифадан иборат бўлади. Бизга ўхшаб жуда ихчам ёзишмайди). Ва барча воқеалар ягона тузилмага эга бўлади. Уни кўриб чиқиш фойдаи бўлади. Бу нарса воқеа ичидаги конфликтни ривожлантиришга ёрдам беради.

*Воқеа* - ҳикоянинг шундай қисми, унда ҳаётйи ситуация реал сезиладиган тарзда ўзгаради.

Бундан кейин воқеадан воқеага конфликт елдай учиб боради.

*Воқеа* ҳикоянинг эмоционал қийматни аниқ ифода этади. Воқеада персонаж ламинг ҳаракати реал ҳаётйи икир-чикирлар орасида гавдаланади. Уларга ҳаёт муҳити, кайфияти, таровати сингган. Улар томошабинни воқеа оламига жалб этади.

***Бутун ҳикоямизни биз воқеадан воқеага баён қиласмиш.***

Қачонки ҳикоя бошидан охиригача худди воқеалар занжири сингарл тизилса, биз маънога эга бўлган ҳикояни қўлга киритамиз в;и томошабин билан тўлиқ эмоционал боғланишга эга бўламиз.

*Воқеа* ҳеч қачон бутун фильм ҳикоясининг қисқартирилган нусхаси ёки унинг истиораси бўлиши керак эмас. У ҳикоянинг конкрет, реалликка асосланган, «мана шу жойда ва айни шу пайтда» кечадиган кичик бир қисмидир.

***Воқеа - ҳикоядаги характерлар қисматида рўй берадлган нимадир.*** Драмада характерлар фақат конфликтлар орқали юзага чиқади. Драматик ҳолат одамга босим ўтказганида у танлашга мажбур бўлади ва бу босимга қандайдир тарзда жавоб қайтариши керак бўлади. Воқеада у ўзини қандай тутиши эса характердир. Бу биз кўришимиз, тушунишимиз ва баҳолашимиз мумкин бўлган нарсадир. Бунинг учун воқеалар бошқа ҳамма нарсалардан кўра яхшироқ ёрдам беради.

Гамлет гилам орқасидаги жосусни билиб қолди ва унга қилич тиқди. Бу Гамлет ҳақидаги билганларимизга нимадир қўшди.

Майкл Корлеоне отасининг қотилини жазоламоқчи бўлади ва оиласининг ишончсизлигини енгигб ўтади. Ана сенга характер! Биз бу юввош боладан бунақа нарсани қутмаган эдик.

Раневская ўз фароғатини олчазорни сотиш ҳисобига сақлаб қолишдан бош тортади. У ўзига ўзи ўлим ҳукмини чиқараётганини билганга ўхшайди.

### ***Реал ҳаёт қучогига гарқ бўлган характернинг бундай танловини воқеа келтириб чиқараду***

Алоҳида олинган воқеада биз унинг тўлиқ маъносини билмаслигимиз керак. Тўлиқ маъно ҳикоядан англаради. Бутун ҳикоядан ажратиб олинган ҳолда кўринадиган воқеа реал ҳаётнинг бир қисми тарзида ўзининг таровати ва тафсилотлари билан кўриниши лозим.

Персонаж ламинг ҳар қандай ҳаракати эмас, балки факат характерламинг муносабатида сезиларли ўзгаришларга олиб келадиган ҳаракатларигина воқеа бўлади.

Икки киши бир-бирларини ёмон кўради. Бу ёмон кўриш улардан ҳар бирининг ичида сақланганида, у муаммо келтириб чиқаради, аммо у ҳали воқеа эмас эди. Воқеа тайёрланаяпти, аммо ҳали содир бўлгани йўқ. У етилаяпти. Ҳозирча персонаж ламинг ташқи муносабатлари ўзгарганича йўқ. Улар бир-бирларига совуққина қулиб қўйишади, ичида бир-бирларини лаънатлашади, аммо дўст бўлиб кўринишади.

Воқеа режиссёр ва актёрлар учун алоҳида аҳамиятга молик. Ҳар бир воқеа - бу (ҳеч бўлмаганда) икки персона) ўртасида иивожланадиган конфликтнинг юқори чўққисидир. Воқеа охирида персонажлар орасидаги муносабат ўзгаради ва бу муносабатлар орқага қайла олмайди. Воқеалар - ҳомиладорликдан кейинги туғишига ўхшайди. И уғишдан кейин ҳамма нарса ўзгаради ва бундан кейин шу болага қнийладан ҳомиладор бўлиш мумкин эмас. Бундан кейин яшашни давом эттириш, болани ўстириш, у ҳақида қайғуриш лозим... Воқеа худди тўлғоқ чақаиоқни хамманинг эътиборига сиқиб чиқаргани сингари ҳикояни ҳаракатлар орқали олдинга итаради.

Станиславский «методи» бўйича ўйналадиган драмада ҳикоя қуйидаги схема бўйича баён қилинади:

Ҳаракат => воқеа => воқеа => ҳаракат.

Персонаж ламинг ҳаракати воқеани тайёрлайди, конфликтни тўплайди. Воқеа уни портлатади ва муносабатларни ўзгартиради.

Воқеа ҳам албатта, ҳаракатдан ташкил топади. Бу нарсалар ҳамиша саҳнадаги энг ёрқин ҳаракатлардир. Бу ёрқинликни воқеани ҳаёт таровати билан ўраган ҳолда биз вужудга келтирамиз.

Воқеа ўз атрофида ҳар хил вазиятлар ва тафсилотларни йиғиши хусусиятига эга боиади.

Ромео Капулеттилар хонадонидаги балга келади. Ҳозирча у Жулеттани кўргани йўқ, воқеа тайёрланаяпти. Ромео маска орқасида

бурчакда меҳмонлар орасига яшринади. Мана у Жулеттани кўрди, унга интииади. У нотаниш қиз билан рақс пайтида, залнинг марказида учрашиди. Гаплашди ва севиб қолди.

Шекспирга эргаша бориб, биз Ромео ва Жулеттанинг учрашуви асосий воқеа бўйиганлигини биламиз. Аммо биздан бошқа балдаги бирор киши бу нарсани сезмадику. Меҳмонлардан у ерда нима воқеа содир бўлганлиги ҳақида сўраб кўринга?

-Ҳайратомуз меҳмондорчилик. Эрталабгача хурсандчилик бўлди. Йилнинг энг ёрқин воқеаси. Афсонавор винолар!

-Чўчқага ўхшаб роса ебман. Бу Капулеттиларнида роса боқишишади.

-Ҳаммани кўрдим. Кўп ишларимни битқазиб олдим. Ағнаб тушгунимча ичибман.

-Қандай гўзал оқшом! Ҳамманинг мени янги либосимга ҳаваси келди...

Юзлаб кишилар. Минглаб чироқлар. Оркестр, сихга тортилган буқалар. Узоқ вақт сақланган винолар тўлатилган бочкалар очилган. Тибалд соқчилари билан кузатиб юрибди: уйда душманлар ёки безорилар йўқмикан? Ота билан онанинг болаларидан қўнгли қувончга тўлаётгани йўқ. Қани айтингчи, бундай байрам тўполонида ким икки ёшнинг рақс пайтида бир-бирларига алоҳида маъно билан қарашганини сезади? Фақат Шекспир ва биз.

Воқеанинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унга ҳаётий деталлар ва тафсилотлар жуда яхши илашади. *Воқеалар ўз атрофида драма тақлиф этадиган вазиятларни иигади.*

Давом этамиз.

Тунда Ромео девордан ошиб ўтиб, Жулеттанинг балконига пусиб боради ва унинг изҳорини эшитади. Балконга чиқади ва унга севги изҳор қиласди. Бу воқеа. У Ромео ва Жулеттанинг барча қадриятларини бутунлай ўзгартириб юборди. Улар муҳаббат оғушида, аммо севишганлар ўз оилаларига қарши боришмоқда. Оилалар бўлса ашаддий душманлардир.

*Воқеа фильмдаги асосий драматик масалани ҳамма нарсадан қўга яхшироқ кескинлаштириб юборади.*

Конфликтдаги характер воқеа орқали ўзи истаган нарсага эришади. Аммо у бошида ўйлаган тарзда эмас, балки конфликт кўрсатган тарзда эришади. Мана шу нарса воқеанинг олдиндан башорат қилиб бўлмаслик томонини вужудга келтиради.

## **7-Мавзу. Перипетия ва катарсис**

**Режа:**

**7.1. Перипетия**

**7.2 Катарсис**

### **7.1. Перипетия**

Перипетиялар нафақат персонажлар ҳиссиётини турли-туман қилади - улар ҳиссий кескинликларни ҳам вужудга келтиради. Улар характерларни қувончдан ғам-ғуссага, умидворликдан ноумидликка улоқтиради. Булар характернинг яширин имкониятларини юзага чиқаради. Биз ёрқин ҳистайғуларга бўялган турли хулқ-атворларга эга боимиз.

Агар биз песадаги бутун воқеаларга қарайдиган бўлсак, кўрамизки, бошидан охиригача перипетияларнинг ҳамма вақт бир хил содда схемаси ишлайди. Балки бу Шекспирнинг шахсий услубидир? Аммо биламизки, ўз даврида бу схемани қадими юононлар очишган ва «драматик перипетия» деб атаган эдилар. Ўша олис замонлардан шу кунларгача бу оддийгина схема драмада миллионлаб марта ва ҳар сафар муваффақият билан хизмат қилди. У - драматик ҳаракатнинг оддийгина ҳужайраси. Сиз ҳаяжонли ҳикоя олишни истаганингизда ушбу схема бошқа ҳамма нарсадан яхши ишлайди. Биз эса айнан шуни истаймиз.

Яхши драмада воқеалар қаҳрамонларни узлюксиз равища гоҳ тўла баҳтсизликка ташлайди, гоҳида эса батамом баҳт-саодат сари юксалтиради. Драматик ҳолатлар бир-бирининг ўрнига келишади. Алтернатив омил кучаяди ва ўзгаради. Аммо ҳис-туйғдарнинг ривожи воқеада ҳамма вақт бир хил схема бўйича боради: баҳт сари ҳаракат қилаяпман - бехосдан - баҳтсизликка йўлиқдим. Перипетия - бу ҳис-туйғулар катализаторидир.

Албатта, шуни унутмаймизки, бу ерда гап схема ҳақида, мотив ҳақида бораяпти, у драманинг жонли танасининг ичида бўлади.

Драманинг оддий қўпол шаклида бу перипетиялар аниқ конфликтлар ҳосил қилади: яхши йигитлар фаолиятни баҳт сари олиб боришади, ёмонлари, табиийки, баҳтсизлик сари.

Муаммо шундаки, драманинг юксак шакли - унинг қуий шаклининг алтернативаси, қарама-қаршиси эмас. Драма қонунлари универсалдир. Драматик перипетия ҳар қандай драматик структурада ҳаракат қилади ва ҳамиша битта вазифани бажаради: бизни драманинг ҳиссиёт оламига жалб қилади. Ташқаридан қараганда ҳиссиётлар ўта жиловланган бўлиши мумкин: ҳаракатсиз башара никоби остида биз перипетиялар оловини пайқаймиз.

Драматик перипетия драманинг вазифаси - томошабин билан юқори даражадаги ҳаяжон ҳолатида боғланиб туриш вазифасини ҳаммадан кўра яхшироқ бажаради.

Драматик перипетия - ҳар дақиқада тактик таъсир этиш қуролидир. Бу муҳим, чунки сизни бир ярим соат ушлаб туриш керак. Агар сиз барча асосий ҳаяжонли зарбани финал олдидан берадиган бўлсангиз - унда ишларингиз чиппакка чиқади. Томошабин буни қутиб турмаслиги мумкин.

Жонимга теккан юк машиналари коммиявожерлигини ташладим ва кечки мактабга ўқитувчилик қилишга бордим. Мен бир қарорга келдим, у менинг бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди. Мен барваста ва чиройли йигитга айландим. Сочларим жингалак тус олди. Қойил қолган болалар гала-гала бўлиб менга осилишарди. Қизлар хушмуомалалик билан табассум қилишарди, рақсларда бир-бирларидан мени қизғанишарди».

Биз бу ҳикояни эшитамиз. Кўзларимиз ўз-ўзидан ёшланади, ҳеч ким: «Эй, аҳмоқ, илгари қаерда эдинг? Шундай яхши касбинг бор экан, нега каламуш ва сувараклар орасида яшадинг? Нега фақат пичоқ суягингга тақалгандан кейингина ўзгардинг?» - деган оддийгина саволни бермайди.

Нега шундай? Чунки *драма қонунлари қарама-қарши ҳолатларнинг конфликтини талаб қиласди*. Агар улар тўқнашсалар мўжизалар содир бўлади - биз ҳикоя ортидан эргашиб кетамиз - бирорларнинг муаммоси бизнинг муаммолизга айланади. Агар оддийгина қилиб амалда ўқитувчи қандай қилиб муваффақиятга эришганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берилса, пашшалар зерикишдан ўлиб қолишар, томошабин эса ухлаб қоларди.

Драматик перипетия орқали ҳикоя қилинган ҳар қандай воқеа жуда ишонарлилик касб этади.

Нега шундай? Чунки биз ўзимизда ҳам ҳамда кимга ҳамдардлик қилаётган бўлсак, уларнинг ҳаммасида ҳам шундай боиишини истаймиз. Драматик перипетия - ҳамдардлик қуролидир.

Ҳаётдан олинган воқеалар ишонарлироқ бўлади, деган фикр бор: агар ҳамма нарса ҳаётдагидай бўлса, ҳикоя яхши чиқади, - деб ўйлашади. Бу заарли ва аҳмоқона адашиш. Унда нега ҳар бир киши ўнлаб ажойиб сценарийлар ёзиб ташламаётганлигини тушуниб бўлмайди. Ахир ҳар бир кишининг ҳаётида юзлаб қизиқарли ва ҳақиқий воқеалар ўтганку.

Кабобчилар гўштдан қандай фойдалансалар, профессионал ҳикоячилар ҳаётдан шундай фойдаланадилар. Улар ҳаёт боиакларини сихга ўтказадилар ва сихлардан эгри-буғри лавҳалар тузадилар. Агар тузилиш схемаси тўғри бўлса, «ҳаққоний воқеа» ишлаб кетади.

Бир сафар мен ўзининг сурбетлиги билан буюк бир «ҳаётдан олинган» ҳикояни ўқидим. Америкалик русларнинг каторгадаги қамоқхонасида бўлганига ишонтиromoқчи бўлади. У ўзининг қийинчилклари, оёқости қилингани, қийноқларга дуч келганини ёзади. Ва чорасиз аҳволга туширилган у киши тунлари камерасидан лаҳим кавлай бошлайди.

Ҳамма ҳикоялар ҳам сизнинг ҳамадардлигинизни қўзғаливсинаиди. Бундай мушкилотга сазавор бўлишга ҳаммадан кўра ги и ннажлари драматик ҳолатда бўлган ҳикояларнинг имкониятлари кўпроқ эканлигини айтиб ўтган эдик. Драматик ҳолат бошланишда ҳамдардлигимизга туртки беради. Ундан кейин эса биз драматик ии и ипстия бўйичаҳаракат қиласиз.

Кичкина Маша («Маша ва айик» эртагида) қоронғу ўрмонда адашиб қолади. Ўрмон борган сари қалинлашиб бормоқда. Маша энди ҳеч қачон уйи томон йўл топа олмайди. Аммо бехосдан...

Ирkit ўрдакча ғазабнок ва кучли қушлардан калтак ер эди. Аммо бехосдан...

Драматик перипетия бизнинг ҳаяжонларимизни қўзғатади. Айнан мана шу «бехосдан» содир боиганида биз ҳикоя учун руҳан очиламиз. Бу нарса перипетия баҳт сари юз тутганида вужудга келади.

Золушка шаҳзодани учратади ва барча меҳмонларнинг ғоят завқли нигоҳлари остида нурафшон залда рақс тушади.

Қўрқсан ва йиғлаган кичкина Маша ўрмонда кичкинагина уйча топиб олади, уй ичида эса бир қозон бўтқа ва ётоқ жой бор эди.

Искірт ўрдакча навбатдаги зарбадан ҳурпайиб олади ва бехосдан елкаларида қордай оппоқ қанотлар борлигини ҳис этади, уларни ёзади ва қуёш томон парвоз қиласиз.

Яхши баён қилинадиган ҳикоя узлюксиз алмашиниб турадиган драматик перипетиялардан ташкил топган боиади. Бу занжир драматик ҳикоянинг ички тузилмаларидан биридир. У персонажларни ҳам, бизтомушабинларни ҳам ўзига жалб қиласиз. Айнан у актёрларга ҳаракат учун бой материал беради.

Оддий эртакда бу тузилманинг узлюксиз таъсирини қараб чиқамиз.

Золушка онаси тириклигига баҳтли ҳаёт кечирарди. *Бехосдан...*

Онаси ўлади. Баҳтсизлик томон перипетия. Отаси аҳмоқ қизлари бўлган ғазабнок ўгай онага уйланади. Баҳтсизлк ортиб боради. Золушка опаларига чўридай хизмат қиласиз. Опалари ва ота-онаси зиёфатга кетганида у ёлғиз қолади. У баҳтсиз.

**Бехосдан** сеҳиргар аёл пайдо бўлади ва баҳт томон парвоз бошланади.

Каламушлар, сичқонлар ва қовоқ бир зумда фойтун ва хизматкорларга айланади. Золушка чиройли кийимлар ва хрустал туфлича олади. У зиёфатга боради. Бахт сари шиддатли парвоз давом этади.

Зиёфатдаги меҳмонлар бекиёс гўзал қизга мафтун боиишади. Шаҳзода унга ошиқ боиб қолади. Золушка баҳтиёр. Аммо *бехосдан...*

Ҳамма нарса барбод боиади ва баҳтсизлик томон думалаб кетади. Ярим кечада ҳамма нарсасини бир онда йўқотган Золушка югуриб бормоқда. У яна баҳтсиз.

Шаҳзода ҳам баҳтсиз. У ҳамма жойдан Золушкани ахтаради. Ва ниҳоят уни топади. Энди уларнинг иккалалари ҳам баҳтли.

Фильмнинг фалсафаси зиён кўрмади. Гарчи омниа идрокига иниуслаштирилган бўлсада, мазмуннинг чуқурлигига путур етмади. Фильм нъзи учун нима керак бўлса шунга - шакл сифатида драматик перипетиялар тузилмасига эга боиди. Чунки драматик перипетиялар фильм йиратиш имкониятига эга бўлади. лининг ёрдамида баён қилинган воқеалар тугалланган шакл сифатида намоён бўлади. Худо драма майли ҳи Иан сийлаган драматурглар бу шаклни интуитив -ички туйғу билан ҳис қилиндилар.

Бир сафар мен бундай «бехосдан»ларнинг универсал таъсири ҳақидаги фикрим билан оғайним, таниқли фантаст Кир Буличев билан ўртоқлашдим. У шундай деди:

-О, мен ҳамиша шундай ишлайман. Фақат менда бошқа формула, «бехосдан» эмас, балки «бу онанг эмас».

-Бола уйга келади, эсликни тақиллатиб, қичқиради:

-Ойи, очинг - бу мен!

-Эшик секин очилади, аммо бу онаси эмасди.

-Унда ким эди?

-Ҳалитдан қизиқа бошладингми?

Бир кутилмаган нарсадан бошқасига томон борувчи драматик перипетиялар занжири - қизиқарли ҳикоя бориши мумкин бўлган энг мақбуи йўлдир.

Барча саргузаштлар нималардан иборат? Драматик перипети-ялардан.

Қаҳрамонлар билан турли ҳодисалар бўлиши мумкин. Муаллиф бўлиши мумкин бўлмаган хавф-хатарларни ўйлаб топади. Тузилма бўлса драманинг бирдан-бир ҳужайраси: **хавф-хатар - баҳолаш - қутулишни**, яъни: баҳтсизлик - баҳолаш - баҳт формуласини такрорлайди.

«Йўқолган кема қидиравчилари»нинг бошини, Индиан Жонснинг Жанубий Америкадаги саргузаштларини эсга олинг. Бир дақиқа ичida у ўн

марта муқаррар ўлим хавфи остида бўлишга ва хавф-хатарни бир зумда баҳолаб, яна ажалга рўбару бўлиш учун ундан қочиб қолишга ҳамда дарҳол кейингисига дуч келишга улгуради. Сиз: бу «санам»нинг йўлида, дейишингиз мумкин.

«Чўқинтирган ота»нинг мижози ва оғайниси, киноактёр, хонанда ва сўниб бораётган киноюлдуз умидсизлик гирдобида. Янги фильмдаги бош рол уни яна юлдузга айлантириши мумкин. Аммо у бу ролни ололмайди.

Дон Корлеоне бу ишни тўғрилаш учун Голливудга ўз адвокатини юборади. Биз аллақачон Корлеоне оиласи - таъсири кучли қавм эканлигини биламиз ва бу ишдан муваффақият кутамиз. Аммо бехосдан адвокатни павилондан қўпол тарзда ҳайдаб солишади. Муваффақиятга интилган эди, аммо кутилмаганда - омадсизлик.

Бунинг орқасидан таникли Голливуд режиссёри бу сурбет адвокатнинг ким эканлигини аниқлашни сўрайди.

«Бахт сари» перипетияи полковникни ҳаётдаги тўла мағлубиятдан тўлақонли баҳтиёрликка кўтаради. У бир неча ттц йигитчаларнинг гулдирос қарсакларига сазавор бўлади. Унинг принциплари ёш авлод учун муҳим ва фойдали бўлиб чиқади. Бундан ташқари, бу принциплар келажакда унинг умр йўлдоши бўлиши мумкин бўлган аёлни ҳам қойил қолдиради.

Биз драматик перипетиялар йўналишлари бўйича ҳаракат қилар эканмиз, орқамиздан томошабинни goҳ умидсизлик гирдобига, goҳ тўлиқ баҳтиёрлик чўққиларига эргаштириб борамиз. Фильмда асос бўлиб хизмат қилувчи иккита перипетия бор эди, аммо бундан ташқари фильм давомида кўплаб майда перипетиялар ҳам содир бўлади. Баъзан умидворликдан умидсизликка, баҳтиёрликдан баҳтсизликка томон ғира-шира зоҳир бўлувчи бурилишлар ҳам персонажларнинг бўронли денгиздаги кемасини чайқатиб ташлайди. Гўёки уларнинг ҳеч бири ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Биз қанчалик кўп ҳаяжон қўзғатишни истасак, бизга шунчалик кўп перипетиялар зарур бўлади. Мумтозлар буни яхши тушунар эдилар.

Шекспир, агар унга керак бўлса, энг кам ахборотлар билан перипетиялар орқали ҳиссиётлар базмини вужудга келтиради эди. Мана, мисол учун, кичкинагина, ўткинчи бир сахнача, унда энага Жулеттага Ромеонинг шаҳардан ҳайдалганлиги ҳақида айтади. Ҳамма хабар икки жумлага жамланган: «Тибалд ўлдирилди. Ромео қувилди». Бу хабардан Шекспир нималар чиқариб олганини кўринг.

Дастлаб Жулетта баҳтиёр, у ҳалигина майдонда юз берган фожиадан хабарсиз. У севиклиси билан учрашиш орзусида. Энаганинг «Ўлдирилди! Ўлдирилди!» - деб қичқириши уни эсанкиратиб қўяди. Жулетта Ромео

ўлдирилган бўлса керак, - деб ўйлади. Жулетта *умидсизлик зулматига*. ташланади. Йўқ, Ромео тирик - Жулетта *уана баҳтиёр*, аммо унинг эри - акасининг қотили - Жулетта Ромеодан *газабланади*. Унинг қалбида *севги ва газаб* курашади ва севги ғолиб чиқади -можарода Ромео эмас, балки Тибалд ҳалок боигани туфайли унинг *кўзларида севинч ёшлири* қалқиёди. Ромео тирик - энг асосийси мана шу! Фақатгина шундан сўнг Жулетта хабарнинг бутун тафсилоти билан тушуниб етади: Ромео ҳайдалган! Жулетта уни бошқа кўрмайди. Бу эса унинг учун минглаб Тибалдларнинг ўлимидан кўра кўрқинчлироқдир.

## 7.2 Катарсис

Драманинг сирли олий мазмуни, шунингдек, драматик перипетияларда ҳам мавжуддир. Унда инсон руҳининг ажабланарли хусусияти бўлмиш кўтаринкилик ва тушкинлик, ижодий фаоллик ва сусткашликнинг алмашинувини ҳис этиш туйғуси акс этади.

Композитор Шнитке менга фильм учун берган интервюсида шундай деган эди: «Мен, нега баъзан ҳамма саволларга бир онда жавоб топа олишимни, кутилмагандан бу қобилият мени тарқ этишини ва умидсиз паришон аҳволда қолишимни тушунолмайман. Баъзан бу паришонлик бир асар ичida содир бўлади. Бир сафар ҳаётимнинг икки йилини бошланган асаримни тугатиш учун самарасиз уринишлар билан ўтказганман. Ўнлаб варианtlарни қилиб кўрганман. Улар бошқа асарлар учун ҳаёт бағишилаган-у, аммо асосий асар учун фойдасиз бўлган».

Бу генийнинг, қалби санъатдаги чексиз имкониятлардан тўқилган кишининг эътирофидир. Агар бу сўзлар ижод сирларига ёндашиш бўлмаса, нима у?

Ижодий энергиянинг бундай тўлиб-тошиши ҳаммага маълум нарса. Улар гўёки ўз-ўзича пайдо бўлади ва ҳеч бир сабабсиз пайдо бўлган лоқайдлик билан алмашинади. Драматик перипетия, ҳеч нарсани тушунтириб ўтирмасдан, бу воқеага шакл беради, шакл эса - бу бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз интилган нарсадир. Агар шакл бўлмаса - санъат ҳам бўлмайди. Драма руҳий таъсирининг сири унинг оддий тузилмаларидадир. Буни Фридрих Нитшедай драманинг чуқур таҳлилчisi аллақачон фаҳмлаган эди: «Фожиавийлик туйғуси ҳиссий идрокнинг юксалиши ва пасайиши билан ошиб ва сусайиб боради».

Фалсафа генийсининг дикқати драма механизмининг моҳиятига кириб борди ва у ерда катарсис томон йўлнинг конструктив ривожланиш тамойилини топа билди.

Яхши, биз катарсисни орзу қиласиз. Биламизки, у, умуман олганда, эришиб бўладиган нарса. Аммо унга қандай эришиш керак?

Жавобимни сезган бўлсангиз керак... Ҳа. Драматик перипетиялар йўли билан. Улар ҳамма нарсадан кўра бизнинг ҳиссиётларимизни ишончлироқ қўзғатади ва бизни драманинг кулминация юксаклигига, чўққисига олиб борадики, у ерда бизни биз истаган катарсис қарши олади. Агар сизда кучли перипетияларнинг яхши захираси бўлмаса, унда катарсисни эсдан чиқаринг. Бу мақсад бир зарб билан қўлга киритилмайди.

Кейинги босқич - амалдорларнинг лоқайдлиги унинг йўқолган севгилисини топиш учун қилган уринишларидан ноумид қиласди. «Умидсизлик сари» перипетия чизиги охиригача чизилган эди.

Бирданига янги перипетия юзага келади. Петербургда Қасос рухи пайдо бўйади. Башмачкин фантастик фигура кўринишида драмани ўзининг жувонмарг қилинган афсонавий баҳти учун қасос сари юқори кўтаради. Мана шунда кулминация ва катарсисга етиб келинади.

Сиз бу кичик дурдона асарни ўқимоқдасиз. Ҳаммаси шунчалик табиий, шунчалик жонли. Ишониш қийин, бир ярим асрдан сўнг ҳам бу асар нозиклиги, киноялари, дунё бечораҳолларига раҳму шафқати билан бизни таъсиrlантиради. Биз ҳиссиётларимиз оддий драматик перипетияларнинг аниқ йўлланмаларига кўра пайдо бўлаётганини ва ривожланаётганини асло пайқамаймиз. Турли-туман, умидлари ва баҳтсизликлари, кундалик ғамгин ташвишлари ва кутилмаган байрамлари бўлган кўп кишилик ва ёлғиз саҳналари бир-бирининг ўрнига келувчи бутун бир қиссада улар учтагина. Кескин бурилишлар персонажлар баҳт ёки баҳтсизлик сари қилаётган ҳаракатлари охиригача етган пайтларида юзага келади.

Даҳолар дурдона асарларида эришадиган ғайриоддий ҳодиса оддий ва аниқ тузилмаларга асосланган эканлигини танқидчилар пайқамайдилар ва пайқашлари ҳам керак эмас. «Синди Кроуфорднинг таз бўғими ва нозиктаъб қайрилган қобирғалари деярли ёғ қатламисиз мускуллар тўқимаси туфайли кучайтирилган пластик эффектни таъминлаб беради», -деган жумлани эшитиш ғалати бўларди. Аммо рассомлар моделларини чизаётгандарида бош суюгини ҳам, мускуларини ҳам ёдларида сақлаб туришади - ўн йиллик академик таълим даврида бу нарсаларни уларнинг каллаларига роса қуишишади. Бизга ҳам драманинг скелети қай тарзда тузилганини, уларга қандай мускуллар қувват беришини билиб қўйиш ёмон боимасди.

Санъат - бу туйғулар алмашинувидир, унинг драма шакли эса - бу алмашинувнинг бутун дунёга тарқаладиган тармоғи учун жойланиш ўрамидир.

Зийрак, ақлли кишилар аллақачон драматик конструксияда алоҳида мазмун мавжудлигига эътибор қаратганлар. Шопенгауер шундай деган эди: «Драма инсон борлигининг энг мукаммал ифодасидир».

Биз назаримизда томошабинни изтиробга солишга ва қувонтиришга мажбур қиласидиган фильм ҳақида ўйлашимиз ва режалаштиришимиз мумкин. Аммо биз ўз ишимизни қўлдан қўлга топширамиз ва ҳар бир кейинги киши ундан олдинги кишининг натижаларини ривожлантиради. Бундай шароитда ҳиссиётнинг кучига ва ички туйғунинг сеҳгарлигигина ишониб қолиш мумкинми? Йўқ. Бу режа чуқур ўйиаб кўрилган ва аниқ фарқланадиган бўлиши керак. Перипетиялар бу конструктив тузилмада бизга яхши ёрдам қилиши мумкин.

Қадимий юнонлар бизга яхшигина совға қилишган. Ундан фойдаланмаслик аҳмоқлик бўларди. Ҳали ҳам шубҳа қилаётган кишилар бўладиган бўлса, драманинг энг зукко файласуфларидан бири бўлмиш Фридрих Нитцшенинг сўзларини ўқинг: «Драмада сахна ва ёрқин образларнинг тузилиши шоир сўз ва тушунчаларга юклай олганидан кўра чуқурроқ донишмандлик касб этади».

## **8-Мавзу. Ҳаракатнинг ривожланиши. Протагонист ва антагонист. Кульминация**

### **Режа:**

8.1.Ҳаракатнинг ривожланиши. протагонист ва антагонист

8.2. Кульминация

8.1.Ҳаракатнинг ривожланиши. протагонист ва антагонист

### **8.1.Ҳаракатнинг ривожланиши. протагонист ва антагонист**

Биз, тўрт мезондан фойдаланган ҳолда, фильм ҳаракатидаги таранглик ривожини ортиб бориш тартибида назорат қилишимиз мумкин. Улар биргаликда лilmни кулминацияга олиб боради.

#### **1. Тузилманинг уч саҳнали ривожи.**

У худдики тузилма ичида тузилма, тузилма ичида тузилма, лу/,илма ичида тузилма... каби иш кўради.

Яъни умуман фильм бир бутунича уч кўринишли ривожланишга эга бўйади. Ҳар бир кўриниш ҳам ўз ичидаги тузилма, тузилма ичида тузилма, лу/,илма ичида тузилма... каби иш кўради. Яъни ҳаракатнинг бир жойда тўхтаб қолишидан саклайди.

Бундай схема бўйича баён қилинган фильм ўсиб бориш тартибида, яъни ҳикоя таранглигининг ортиб бориши билан ривожланиб боради.

#### **2. Драматик перипетиялар.**

Бу тузилма конфликтнинг эмоционал тўлдирилишини назорат қиласи. Ҳаракатнинг умиддан умидсизлик томон ва умидсизликдан умид томон узлюксиз алмашиб боришида, қадимий юононлар ўз вақтида айтиб ўтганларидек, томошабиннинг эмоциялари ортиб боради.

Бу тузилма гўёки фильмнинг эмоционал кардиограммасига ўхшайди.

#### **3. Рахна**

Рахналар тузилмаси гўёки орзу билан тезда ҳаракат қилиш орасидаги узилишни назорат қилиш имконин беради. Рахна - бу рақиблар сиз учун қазиган чуқур - чоҳдир. У антагонистдаги барча кучламинг узлюксиз ривожланиб боришига ёрдам беради.

Фильмдаги узлюксиз рахналар кетма-кетлиги қаҳрамонни рахналард;м ўтиб олиш учун бор кучини сафарбар қилишга мажбур қиласи.

Рахна - қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларига жамият қиласиган жавобларни бирлаштирувчи сермаҳсул ифодадир. У қаҳрамонни

антагонистнинг ўсиб борувчи қарши ҳаракатларига жавоб беришига мажбур қиласди. Биз ҳикояни гүё ортиб борувчи рахналарни енгиб ўтиш йўли сифатида тасаввур қилиш имкониятига эга бўлишимиз керак.

#### 4. Тўсиқлар

Худди рахналар сингари, тўсиқлар ҳам қаҳрамоннинг мақсадга етиш йўлидаги қийинчилкларни назорат қиласди. Аммо тўсиқлар қаҳрамон тўлайдиган ҳақни ҳаммадан яхши аниқлади. Ҳақ хавф-хатар ва жасорат билан ўлчанади. Бутун ҳикояни тўсиқлар оша мақсад сари ҳаракат сифатида тасаввур қилишимиз мумкин.

Тўсиқлар ёрдамида қаҳрамоннинг мақсад сари хатти-ҳаракатларини: унинг ақлини, иродасини, чидамлилигини, айёрлигини, энергиясини ва ботирлигини ва ҳ.к. ифодалаймиз.

Бу тўрт параметр бир нарсани - Драмада конфликтнинг ривожланишини ўлчайди. Аммо улар конфликтга турли нуқтайи назардан, гўёки уни турли томондан ёритгандай қарашади. Буларнинг барчаси биргалиқда ҳикояни ҳажмий даражада кўришга, унинг энергиясини дикқатдан қочирмасликка имкон беради.

Аммо яна бир таъриф бор. У янада нозик ва кенг қамровлидир.

У бу тўртала таърифлардан фойдаланган ҳолда, уларнинг барчасини ўзида қамраб олади. Бу таъриф энг креатив потенциалга эгадир. Унинг ёрдамида биз ҳикоядаги конфликтни янада тўлароқ ривожлантирамиз. У ҳикоянинг узлюксиз ривожини энг тўлақонли тарзда назорат қиласди, ҳикоядан олиш мумкин бўлган нарсаларни максимум сиқиб олади.

Бу гўёки фильм ва томошабин эмоционал боғланишининг стратегиясидир. У беш элементдан (унсурдан) иборатдир:

1. Қизиқишининг юзага чиқиши ва чақнаши (ундовчи воеа).
2. Мураккабликларнинг ривожланиши.
3. Бўлиши шарт бўлган саҳна.
4. Кризис.
5. Кулминация ва финал.

Бу нарсалар кўплек қилмайдими? Йўқ, айни зарур нарсалар. Агар биз бу тузилма билан ишлайдиган бўлсак, ҳар бир дақиқада бундан кейин қандай ва қай томон ҳаракат қилишимиз кераклигини биламиз.

Беш босқичли тузилмани аввал оддий ва қизиқ эпизод мисолида ко нб чиқиши фойдалидир. Аниқроғи, таниқли комик Геннадий Хазанов ҳи вол дан олинган ҳолат сингари айтиб юрадиган ҳикоя мисолида. Кейин рсит бу билан жиддий шуғулланамиз.

80-йилларда Геннадий Хазанов конферансе сифатида ўша вақтдаги совет эстрадаси юлдузлари бригадаси билан Жанубий Америкада гастролда Имълди. Темир парда эндиғина кўтарилиган, руслар қизиқиши уйғотган бир

пайт, беш минг кишилик қишки стадионлар ва спорт саройлари олдиндан тўлиғича сотиб олинар эди.

Хазанов концертни очиши керак эди. Табиийки, ҳамма юлдузлар ҳаяжондалар. Уйда улар - худди илоҳ сингари, омма қарсаклар билан қарши олади. «Кобзон куйлайди», - деб эълон қилсанг, уни чиқишида бўрон қарши олади. Бу ерда, ернинг бошқа бурчагида улар ҳақида ҳеч кирн ҳатто эшитмаган ҳам. Қандай эгарласанг, шундай минасан. Бу экспозицияда биз билишимиз лозим бўлган ахборий минимумдир.

Дарҳол ишга тушамиз - чақноқ қизиқиши тайёрлаймиз: Хазанов ўз конферансини испанча ёдлаган. Бу сўзлардан бошқа испанча деярли ҳеч нима билмайди. Ёдланган матнга риоя қилган ҳои да, у аудиторияга мурожаат қиласди:

- Конферансе деб ўйлаётган бўлсангиз керак? Йўқ, мен кулинария техникумининг битирувчисиман...

Ва орқасидан ватанда ҳамиша ялписига кулги уйғотадиган, жаладек қаҳқаҳа туғдирадиган репризлар келаверади. Ютуқ кафолатланган.

Аммо бу ерда, олис Аргентинада, у Россияда ҳар бир киши учун ланиш бўлган уялчанг савдойи йигитча образида, ўзининг титроқи ловушида сўрайди:

-Биласизми, мен кимман?

Залдан кимдир қичқиради:

-Педиксан!

Зал қулоқни қоматга келтирадиган даражада хохолайди. Ҳамма Хазанов нима деб жавоб қайтаришини кутмоқда.

Драматик ҳолат одатий кучлар мувозанатини бузиб юборган эди. Концертнинг тақдирини Хазановнинг жавоби ҳал қиласди.

Хазановдан кейиноқ куйлаши керак бўлган Кобзон кулис ташқарисидан қичқиради:

-Гена, унга жавоб қайтар!

Хазанов, ҳолат ўз-ўзидан ҳал бўлишига ва раҳнадан сакраб ўтиб олишига умид қилган ҳолда, саволни қайтаради. Ҳамма жим бўлади ва концерт ўз ўзанига тушиб олади, деб ўйлайди.

-Биласизми, мен кимман?

-Педик! - такрорлайди номаълум киши.

Зал кўзига ёш келадиган даражада хо-холар эди. Маълум бўлишича, бу улардаги одатий ҳазил экан.

Давюрак Кобзон буни ўз юзига туфлаш сифатида қабул қиласди.

- Унга жавоб бер! - қичқиради у. - Агар унга жавоб бермасанг, мен куйлай олмайман! Алтернатив омил ишга тушди. Агар Хазанов дарҳол жавоб бермаса, у нафақат томошабинлар олдида, балки ўзиникилар олдида ҳам

ахлат ичида қоларди. У дархол ҳаракат қилиши керак. Вақт ўлчагич секундларни санашга тушди. У хавф-хатар ва жасорат билан, томошабинни қизиқтирган ҳолда, ҳаракат қилиши лозим. Ва Хазанов саҳнадан залга сакраб тушади ва қатъият билан овоз томон боради. Учинчи босқич бошланади - ривожланиш мураккаблашади.

Мураккаблашув прогрессияси бир қанча қадамгача давом этади, у конфликтни бўяб ташлашга имкон бермайди. У конфликтни таранглаштиради. Бош қаҳрамоннинг ҳолати ҳар бир қадам билан ёмонлашади. Саҳнада артист қирол ва ҳолатнинг хўжайини. У ҳимояланган. У томошабиндан юқорида. Залда эса у ҳамма билан teng. Қанақасига teng! Бегона юртда, деярли тил ва таомилни билмаган ҳолда у ҳеч ким эмас. Ҳамма нарса унинг топқирлигига боғлиқ. Конфликт худди импровизация сингари ривожланади. Омма таранглашган - ҳақиқий саспенс. Буқалар жанги - испанларнинг севимли кўнгилхушлиги. Бу сафар жанг қонли бўлишни ваъда қилмоқда.

Беш минг кишилик зал нафасини иеҳига ютади, факат Хазановнинг тавонлари бетон полга қандай урилаётганлигигина эшитилади. Ҳазиллашган кишигача яқин қолаяпти. Хазанов ҳам кўрадики, у давангирдай йигит, кўринишдан күшхонадаги қассобга ўхшайди. Ва бу қассоб қўлинни мушт қиласди. Нима бўлади? Муштлашувми? Пичоқлашишми? Бир-бирини ўлдиришми? Ёввойи Сибирдан, дунёning нариги чеккасидан келган бу русларни ким ҳам билибди?!

Тушунарлики, томошабин келгинди артистни эмас, балки ўзиникини тенглаштиради. Аяш бўлмайди. Бўлиши лозим бўлган саҳнада қилирамон рақиб билан яккама-якка курашда ғалаба қилиши ёки луилок бўлиши керак. Аммо ғалабага деярли имкон йўқ. Нима қилмоқ ксрак? Рақибни ҳақорат қилсинми, қарши ҳужумга учрасинми, концертни луизиб, синган бурни билан касалхонага тушсинми? Ёки ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳиссига тупирган ҳолда ниқобини ечиб, ўзининг оддий нртист эканлигини кўрсатсинми? Бунда хатар йўқ, аммо жасорат ҳам йўқ. Бу ҳалигиси каби ютқазиш бўлади. Кулинария техникумининг битирувчиси хафа қилинди, ҳамма унинг курашишини кутмоқда. Аммо қандай қилсин? Бу кризис:

Қаҳрамон таслим бўлиш ёки максимал хавф-хатар ва жасорат билан курашиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим. Қаҳрамон томошабиннинг кутганларини оқлаши керак, аммо бу нарса улар кутганидан мутлақо бошқача бўлиши керак. Ва қаҳрамон қайтиб бўлмайдиган нуқтадан ўтиб кетди.

Хазанов қассобнинг олдигача келади. Мана, у деярли ёнма-ён турибди. Қассоб қўлларини мушт қилиб туккан. Ҳамма нафасини ичига ютган. Хазанов бўлса қассобнинг тиззасига сакраб чиқиб олади, уни қучоқлайди ва ўз

персонажининг образида микрофонда бутун залга эшилладиган қилиб уятчан ва назокат билан дейди:

- Умид қиласанки, сен ҳам шунақадирсан?

Зал қаҳқаҳа ва қарсаклардан ёрилай дейди. Кулис орқасидаги артистлар севинчдан сакрайдилар. Эртаси куни газеталар Хазанов бир оннинг ўзида миллий қаҳрамон даражасига кўтарилиганини ҳақида ёзадилар. Барча артистламиング зафарли муваффақиятга эришганликлари ҳақида хабарларни айтмаса ҳам бўлади.

Бундай «ҳикоянинг охиригача айтилган хотимаси» ҳам -тузилмавий элемент, бешинчи босқичдаги қисмдир.

Қисқагина эпизод оддий кўринишда беш босқичли тузилманинг барча элементларини ўзида қамраб олган. Бу нарса бизга тузилма -назарий ўйлаб топилган нарса эмас, балки ҳаётий вазиятлами энг сермаҳсул ривожланишини танлаб олиш натижаси эканлигини кўрсатади. Агар

сиз бир ярим соатлик фильмда ўз ҳикоянгизни шу тузилмага кўЛ ривожлантира олсангиз, - «шаҳарни эгаллайсиз ва барча келинлар сизники бўлади».

Элементларни эслатиб ўтаман.

1. *Экспозиция.* Билимлар йифиндиси кечикмасдан ҳикоянл бошлиш ва кучларнинг одатдаги мувозанатини ўматиш имкониятини беради.

2. *Қизиқишининг авж олиши.* Кутимаганд ҳаммаси ўзгариб кетади, Биргина - ягона ҳаракат бизда: «Энди нима бўлар экан?» -деган қизиқиши ўйғотади.

3. *Мураккабликлар прогрессия* Қаҳрамон ҳар бир қадами билан ўз ҳолатини тобора драматикаштира боради. Ҳар бир қадам фалокат томон элтади. Кризис қаҳрамонни танлов олдига қўяди: ғалаба қилиш ёки ҳалок бўлиш? курашиб ёки таслим бўлиш, бўлиш ёки бўлмаслик?

4. *Бўлиши лозим саҳна.* Давид Голиаф билан жанг қииади. Қаҳрамон ўз аждари билан жанг қииади.

5. *Кулминация ва финал* У ғалаба қииади, аммо биз ўйлаган тарзда эмас. У енгииади, аммо у қалбимиздан жой олди. Биз қаҳрамон билан фахрланамиз.

Беш босқичли стратегия фильмнинг уч энг аҳамиятли жиҳатларини назорат қииади.

1. Ҳикояни бошидан кулминациясигача ва финалигача эмоционал ривожлантириш.

2. Томошабин билан эмоционал боғланиш.

3. Асосий конфликтни максимал ва нозик тарзда ривожлантириш.

Унча кам нарсалар эмас. Бу тузилмани фильм энергиясининг стратегияси дейиш мумкин.

Характерлар, биринчидан, уларга харакат қилиш ва ишончли бўлиш имкониятини берувчи сифатларга эга бўлишлари керак.

Бизни ҳаяжонга соладиган масала - ҳикоя учун характер ҳәтидаги қайси моментлар энг муҳими бўлади? деган масала - бизни ҳаяжонга солади.

Одатда биз ўз характерларимиз ҳақида ҳикоя сиғдира оладиганидан анча кўп нарсалами биламиз. Қайси воқеаларни танлаш керак? Бунинг жавобини тузилма беради. У характер ҳәтидаги энг муҳим онларини

Ҳикоя қилинадиган прозада бу нарса табиий. Сценарийда бу нарса ёмон ишлайди. Ишнинг охирида, сценарий ёзилгандан, қўйилган, талантли артистлар томонидан ўйналган, қобилиятли оператор томонидан тасвирга олинган, монтаж қилинган ва мусиқа билан овозлантирилгандан ксайнингина биз экранда жонли одамларни, фантазиямизнинг жонланган меваларини кўрамиз. Аммо бу катта сонли кишиларнинг биргаликда ёзган романи бўлади. Биз бошлаган пайтда эса қўлимиизда аста-секинлик билан тана ўсиб чиқадиган воқеанинг юрагигина уриб туради.

Майкл Корлеоне оиланинг жиноий бизнеси билан шуғулланишини истамайди. Отаси ҳам буни истамайди. Майкл фариштадай пок қолиши керак.

Аммо душманлар сал бўлмаса отасини ўлдирап эдилар. Ҳозир ҳам, бўм-бўш касалхонада, Майкл бир ўзи, қуролсиз отасини ҳимоя қилмаса, уни ўлдиришади. Майкл шундай қиласи, у таваккал қилиб, ҳәтини хатарга қўйиб, биринчи тўсиқни ошиб ўтади.

Чўқинтирган ота кутқарилади, аммо уруш авжига чиқади. Отани ва оилани ҳимоя қилишнинг ягона йўли - қотилни ўлдиришдир. Бу анча баланд тўсиқ. Аммо Майкл Корлеоне душманларни ўлдиради, катта таваккал ва катта хавф-хатар орқали катта тўсиқни енгиб ўтади.

Майкл энди фаришта эмас, унда қотилнинг «йўқотилган қалби» уриб турибди. Аммо янги рахна аввалгиларидан ҳам кўпроқ унинг оиласига хавф солмоқда. У янги, илгаригиларининг ҳаммасидан баланд тўсиқни ошиб ўтиши керак. Ўз оиласи ўлдирилиши фараз қилинган ёки ўлдирилиши мумкин бўлган кун олдидан Майкл барча душманларини қонли ва аёвсиз равишда биратўла ўлдиришни ташкил этади.

Душманлар йўқотилади, Майкл янги Чўқинтирган отага ва янги иблисга айланади.

Воқеа максимал энергия билан ҳикоя қилинган. Мураккабликлар прогрессияси ёи бизга фариштанинг иблисга айланишининг ишонарли траекториясини чизиб беради.

Барча «кичик бюджет» продюссерларининг севимли қаҳрамони -ҳамма нарсага тайёр бўлган телба антагонистдир. Унинг ажойиб мураккабликлар прогрессияси бор. Аввал у уйингиздан бир хонани ижарага олади. Кейин у

учун түламайди. Кейин хонада сұвараклараи қўпайтиради. Кейин сизни ток уриб ўлдириши учун барча симларни ялонғочлайди. Кейинчалик маълум бўладики, у сизни ўз уйингиздан сиқиб чиқармоқчи экан. Яна биласизки, сиздан олдин у бошқа уйларда муваффақият билан шундай қилган экан. Сиз ярамсни куч билан чиқариб ташламоқчи бўласиз. Аммо маълум бўладики, оёғингиз остидаги полнинг барча тахталари кесиб қўйилган. Сиз подвалга йиқилиб тушасиз ва у ерда тириклиайн ёниб кетишингиз керак... Шунга ўхшаш нарсаларни мен бир неча марта турли вариантларда кўрганман.

2. Муракабликлар ортиб боришининг иккинчи йўли - бу *конфликтни ҳенгайтириши* йўли. Бош персонажлар ҳаракати атрофида ижтимоий шароитлар слоиралари кўпаяди, улар конфликтга қўшилишади. Бу ҳолда биз телба иинтагонистсиз иш қўришимиз мумкин. Аммо бизни қизиқтирган муаммо қандайдир умуминсоний аҳамиятга эга бўлиши керак.

Бунинг мисоли - «Крамер Крамерга қарши» фильмидир.

Дастлаб у ерда фақат Мерил Стрип, Дастин Хоффман ва кичкинтой, улар бўлиша олмаётган уларнинг ўғиллари ҳаракат қиласиди.

Кейин бу можарога мактаб аралашади.

Кейин бола билан богииқ муаммолар Крамернинг ишхонасини банд қиласиди.

Кейин ишга адвокат киришади.

Ва охирида конфликтга бир неча ўнлаб киши тортилган боиади. Конфликтнинг ўзи бўлса икки ота-онанинг хусусий ишидан «Ота ҳам худди она сингари болани яхши тарбия қила оладими», деган архитипик муаммо ўсиб чиқади.

«Крамер Крамерга қарши» - ажойиб ҳикоя. Аммо «Ромео ва Жулетта» ҳаир ҳолда ундан яхшироқ. Унда драма учун зарур бўлган ҳамма нарса, табиийки, муракабликлар прогрессияси ҳам, мавжуд эканлигини сиз аллақачон биласиз.

Дастлаб конфликтга Ромео ва Жулетта тортилади.

Кейин севишганлар томонига Энага ва Лоренсио ота, душман томонга - Тибалд ва Меркутсио қўшилишади.

Кейин бунга Ромеони сургун қилувчи шаҳар бошлиғи, Жулеттанинг ота-онаси ва улар билан бирга граф Парис қўшиладилар.

Ҳар бир янги фигура билан воқеага муракабликлар қўшилади. Рахналар ортади, тўсиқлар ўсади.

Шунда Жулетта ухлаб қайта уйғонмаслик хавфи бўлгин қутқарувчи ўйқудорини ичмоқчи бўлади.

Хусусий ҳои сифатида бошланган воқеа муҳаббат ва жамияи ўртасидаги конфликт ҳақидаги архитипик универсал афсонага айланади.

Албатта, муракабликлар прогрессиясида энг яхиси **конфликтнинг бит вақтнинг ўзида ҳам кенгайиши, ҳам чуқурлашишидк.** Бундай ривожланиш «Эпидемия»да мавзу ва контрмавзу ўртасидаги курашда жуда ёрқин кўрсатилган.

Дастлаб аёвсиз касалликнинг дастлабки ҳолатлари - **йўқ қилиши контрмавзуси** пайдо бўлади. Олимлар у билан курашга тушадилар - бу **кутқариши мавзуси.**

Кейин касаллик ҳолатлари қўпая бошлайди. Аниқки, шаҳарни эпидемия қамраб олган - **контрмавзу.** Олимлар ожиз. Аммо армия уларга сир сақланувчи препарат беради, у ҳам ёрдам бермайди **-мавзу.**

Муаммо муракаблашади. Вирус мутациялашган, у ҳаво орқали тарқалиши мумкин. Эпидемия бутун Америкага ва бутун ер шарига хавф солмоқда - **контрмавзу.**

Олимлар вирус тарқатувчини ахтармоқдалар - **мавзу,** ҳарбийлар бўлса, худди Африкада қўллаганларидек, вирусни бутун шаҳар билан бирга битта бомба орқали йўқотишмоқчи - **контрмавзу.**

Олимлар вақт стреси ва ўлим хавфи остида маймунчани, эпидемия тарқатувчисини топадилар - **мавзу.**

Ҳарбийлар томонидан алданган АҚШ президенти шаҳарни йўқотиш ҳақида буйруқ беради. Самолёт бомба билан мўлжал томон учмоқда - **контрмавзу.**

Полковник учувчиларни бомбани ташламасликка ишонтироқда - **мавзу.**

Олимлар вакцина топадилар. Эпидемия устидан ғалабага эришилади - **кутқариши мавзуси йўқотиши контрмавзуси** устидан **ғалаба қилди.**

Кўраяпсизки, мавзу ва контрмавзу ўртасидаги узлюксиз курашда рахналар тинмай ортиб боради, тўсиқлар янада баландлашиб боради, конфликтлар зонаси кенгайиб ва чуқурлашиб боради. Бу ҳақида қисқа қилиб: **ставкалар ошиб боради,** - деймиз. Дастлабки ставка - беш касалнинг ҳаёти, кейин - юзлаб умидсиз касаллар, кейин - бутун шаҳар эпидемия ичиди, кейин - бутун Америка, орқасидан бутун дунё ҳалокатга маҳкум.

## 8.2 Кулминация

Ҳаракат ўзининг эмоционал чўққисига яқинлашганда, фильмнинг якуний қисмида кулминация ривожланади. Бу фильм тугаши олдидан эмоцияларнинг портлашдир. Аммо барча эмоцияламнинг ичак човоги зарурий саҳнада ағдариб бўлинган бўлса, бу бош драматик саволга жавоб бериладиган оддийгина тинч жой бўлади. Бу мавзу контрмавзу устидан ўзил-кесил ғалаба қиласиган жойдир. Воқеа охирига етади.

**Кулминация** - мавзунинг воқеалар воситасида амалга оширили-шидир. Мавзунинг ғалабаси албатта хеппи-энд бўлишини билдирамайди. Қаҳрамон ўлиши мумкин, аммо ўз ўиими билан мавзунинг ғалабасини тасдиқлайди.

Ромео ва Жулетталар ўлишади. Аммо уларнинг севгиси ўлимидаги ҳам ғалаба қиласи. Мурдалар устида севишганларнинг оила бошликлари бир-бирларига дўстлик қўлини чўзишади.

Гамлет ҳалок бўлади, аммо ёмонлик оламида адолат тантана қиласи.

Мен кинода иш бошлаган пайтда кулминация ва финал ҳақида менга драматург Александр Володин яхши маслаҳат берган эди.

Мен фмалда қаҳрамон учун монолог ёзиб беришни илтимос қилдим. Назаримда у томошабинларга илгари кўрсатилганларнинг маъносини тушунишга ёрдам берарди. У:

- Сўзни ёзиш қийин эмас. Эсингдан чиқмасин, томошабин сўзнинг маъносини чақиши учун диққатини жалб қилмасин. Улар қаҳрамонни гапиришга мажбур қиласидиган эмоцияни ҳис қилишлари кифоя.

Драмада ақлли сўзлар факат томошабинлар «О, бу ақлли йигит!» эканлигини тушунишлари учун керак. Драманинг ақли - характерларни тўқнаштирадиган ҳаракатлардадир.

Кулминация - бу эмоционал ҳаракатлардир. Энг маза қиласидиган жой кулминация оддий ва тошунарли ҳаракатлардан ташкил топганда келади - ҳеч қандай сўзнинг кераги бўймайди.

«8 1/2» даги ажойиб кулминацияни эсга олинг. Қаҳрамон тўлиқ мағлубиятга учрагандай. Фильм декорациялари тўкилиб тушмоқда, гураҳ режиссёр билан хайрлашади. Йўқотилган музани, ночор илҳом фариштасини ўйнайдиган Клаудия Кардинале ғамгин хайрлашув табассуми қиласи. Қаҳрамон бирданига фильмнинг ечими қандай бўлиши кераклигини тушунади. Унинг парчаланган ҳаёти персонажлари аста-секинлик билан чиқиб кела бошлайди. Мусиқадаги мавзу сокин марш билан ҳаракат ҳақида хабар бериб туради. Барча персонажлар зина орқали пастга тушишади ва доира ҳосил қилишади, унинг марказида кичкина флейтачи бола ва уч масҳарабоз марш ижро этишмоқда. Кулминация учун энг оддий ва аниқ ечим топилган. Оддий кўринадиган формула: бутун ҳаёт узлюксиз муҳаббат доирасини ҳосил қиласи. Бу оддий ҳаракатлар чуқур маънога тўла бўлган балетdir.

Кулминация пайтигача томошабинлар аллақачон ўйинда бўладиган барча қадриятларни билиб оладилар. Улар фақат тасвири топишса боиди.

Агар бу нарса қилинадиган бўлса, томошабинларнинг эмоцияси портлайди. **Кулминация - теманинг тантанасидир.** Кулминацияда томошабинлар режиссёрнинг сўзлар билан эмас, балки характерламинг ҳаракатлар билан ҳикояни охиригача, охирги нуктагача ривожлантира

оладиган тасавурини, унинг интеллектини кўришни истайдилар, улар инсон тажрибаларининг чегараларигача боришни истайдилар.

Кулминация - Эйзенштейнчасига диалектик монтаж ишлайдиган жойдир. Оддий статик кадрлар тўқнашади ва улар бирлашадиган жойда муҳим маънога тўла учинчи маъно алангаланади.

Ўсмирлар Кабирияга очиқ чехра билан жилмаядилар. Кабирия уларга жавобан жилмаяди. Бундан ҳам осон нарса боми? Биз бўлса, ҳаёт у учун курашишга арзишини тушуниб етамиз.

Майкл Корлеоне черковда гўдакни Чўқинтираяпти. Унинг бандитлари бўлса, унинг буйруғи билан бўлиши мумкин бўлган душманларни ўлдиришшайяпти. Биз биламиз: у иблис. Айтишларича, Коппола бу кулминация учун лўнда, сўзсиз тушуниладиган ва ҳаракат энергиясига тўлиқ бўлган оддий ва кучли ечимни жуда узоқ вақт ахтарган экан.

Кулминация - фильмнинг воқеаси режиссёр олдига қўядиган вазифадир. Фильм охирига этаяпти - эмоционал нуқта қўйиладиган вақт бўлди.

У балки яхши олимдир, аммо у ҳеч қандай режиссёр эмас. Яхши линал - режиссёр учун «Талантли бўл!» деган таклифдир. Финалда бажариладиган ишда муаллифнинг ўзи қиласидиган муҳим қисм бор. У режиссёрга тўғри саволлар таклиф қиласиди.

Сенинг режангда мезансаҳналар балети борми? Финал ҳаракатлар пантомимасичи? Саҳнадаги асосий образларнинг режиссёрлик жиҳатидан кўриниши борми? Сен драманинг мусиқасини эшитасанми? Аниқ ва одий ҳаракат қил. Мана булар эса бунинг учун зарур бўлган ва ҳеч қачон панд бермайдиган деталлар тўплами: қиличлар, заҳар, заҳарланган ичимлик - улар ҳаётдан ўлимгача бўлган минимал ёини чизиб беради. Сен бўлса уларни ўз талантинг билан безагин.

Кулминацияда драматик перипетиялар кардиограммаси баҳтсизликдан баҳт томон, мавзунинг мағлубиятидан мавзунинг ғалабаси ва тасдиқланишига, умидсизлик ва ишончсизликдан умидга, қоронгуликдан тунел охиридаги нурга томон энг кескин сакрашни амалга оширади.

*Кулминацияда қаҳрамоннинг ҳаётидаги ва қалбидаги кучларнинг бутун мувозанати ўзгаради.* Янги мувозанат ўрнатилади. Агар қаҳрамон ҳалок бўладиган бўлса, кулминация унинг ҳаёти қийматини аниқлайди.

«Какку»даги афсонавий гўзал кулминация айнан шундай. Мак Мерфи тўлиқ мағлубиятга учрайди. Уни жуда кучли электрошокка тутадилар, унинг миясини оддийгина қилиб куйдирадилар. У қарашлари маъносиз ва қўллари қалтирайдиган телба бўлиб қолади. Касалхонанинг бошқа қаватларида пичирлашиб, «Мак Мерфи қочди», деб афсона тарқатишади. Ҳақиқат шу эдики, у сабзвотга айлантирилганди. Унинг ҳинду дўсти ҳикояни охиригача

олиб боради. У Мак Мерфини умидсиз қийинчиликлардан озод қиласы, уни бүғиб ўлдиради. Ўзи бўлса Мак Мерфи истаган, аммо қила олмаган ишларни қиласы: полдан оғир мармар тақсимлагични кўчириб олади, у билан панжарали деразани синдиради ва озодликка чиқади.

Сокин, оддий ва кучли кулминация. Бир неча он ичидаги драматик перипетия орқали тўлиқ умидсизликдан максимал мумкин бўлган баҳт томон учамиз. Мавзу ғалаба қиласы - инсоннинг ғалабага боиган интилишига ҳеч нарса қарши тура олмайди.

Умумийлик ичидаги турли-туманликлар драмага эмоционал тўлақонлилик беради. Бу барча моментларда ишлайдиган принципиал ҳолатдир. Тузилма турли-туман хатти-харакатларни, эмоцияларидаги контрастларни, персонаж ламинг тафовутлари каби барча қарама-қарши чегараларни бирлаштириш учун ҳам зарурдир. Бу бизнинг эмоционал энергиямиздаги энг нозик қисмни фаоллаштиради. Бизнинг барча асад толаларимиз титрайди. Биз қаҳрамоннинг ички конфликтлари сирларини топиб оламиз.

«Балиқчилар қироли» фильмида бош қаҳрамоннинг қиз дўсти -актриса Мерседес Руел (ўз вақтида бу роли учун «Оскар» олган) фильм охирида қаҳрамоннинг дил изҳорини эшитади. Қизнинг биринчи жавоби - ишончсизлик. Ундан кейин баҳт, кейин у Жеф Бринжеснинг юзига бор кучи билан жаранглаб кетувчи шапалоқ уради. Бу шунчалик узоқ вақт бошидан кечирган хавотир ва умидларининг отилиб чиқиши эди. Бирданига эмоциялар гулдастаси. Агар сиз улардан тўғри фойдалана олсангиз, кризис эмоцияси бекор кетмайди.

Кулминация билан муҳим бир муаммо боғланган - бу фильмнинг хотимасидир. Агар сизда асосий сюжетдан ташқари кулминация томон бир неча ост сюжетлар харакат қилаётган бўлса, уларнинг барчасини ечиш керак. Кулминацияда соғ, ён сюжетлардан тозаланган, бош, асосий харакат ҳаммадан яхши харакат қиласы. Айнан шундай харакат бизга эмоционал ҳолатда ва охиригача очик бўлишга имкон беради. Ост сюжетларни кулминациягача ечиш фойдали. Энг яхши кетма-кетлик - аҳамияти камроғидан аҳамияти каттарогига томон навбати билан қутилиб боришидир.

Энг ажойиб кулминацияларда ва хотималарда бир вақтнинг ўзида 5-6 ён сюжетлар ўз ечимини топади. Аммо бу энди устакорона қилинган иш. Уни «Касабланка»да, «8 л/2»дакўриш мумкин.

Зўр иш, одатда кўзга кўринмайди, барча чокли жойлари яширган бўлади. Сиз ажойиб танани ёпиб турган чиройли кийимни кўрасиз.

«Касабланка»да хотима саҳна биратўла беш сюжетнинг ечимини беради.

1. Севувчилар учбурчаги - Ласло Илза билан кетади.

2. Немислар билан бўлган сюжет - Рик полковникни ўлдиради.

3. Рикнинг сюжети - у ўз ҳаётини ўзгариради, Мухолифат жангчисига айланади.

4. Капитан Ренонинг сюжети - у Рикка қўшилади.

5. Визалар сюжети - улар Илза ва Ласлолар ҳаётини саклаб қолади. Бу мутлақо табиий, тушунарли ва ўта лўнда, устакорона бир тарзда амалга оширилган.

«Қочиши»да сюжетлар охирги 5-6 дақиқада навбати билан ҳал этилади.

1. Дастрраб хирург хотинининг бир қўлли қотили тутилади.

2. Қахрамон врачлар конференциясида сохта тажрибаларга асослан-ган фирибгарликни фош қиласи.

3. Кейин бош антагонист билан курашда ҳамкасларнинг хоинлиги сюжети ечилган.

4. Ва ниҳоят, қувиш сюжети ҳал қилинган. Бош таъқиб қилувчи киши хирургни бизлар хурмат қилгандай хурмат қиласи. Машинадаги икки юлдузнинг (Харрисон Форд ва Томми Ли Жонс) машинадаги саҳнаси - фильмнинг ёрқин эмоционал якунидир.

«Эпидемия»да сюжетлар бирин-кетин ечилиб боради.

1. Дастрраб бомба хавфи сюжети. Портлаш шаҳарга етиб келмайди.

2. Кейин антагонист сюжети. Генерал қамоққа олинади.

3. Охирида вакцина ва муҳаббат сюжети ҳал этилади: қахрамон севган аёл янги вакцина ҳаётини саклаб қолган биринчи киши бўлади.

«Ақли расо қахрамон» да:

1. Дастрраб икки дайди ярашиб олишади.

2. Кейин Гейл ва Барнилар сюжети ечилган. Журналист аёл ўзининг ҳақиқий қутқарувчиси ким эканлигини билади ва ундан миннатдор бўлади.

3. Охирида Барни ва ўғлиниң сюжети ечимини топган. Барни боланинг завқ-шавқига сазавор бўлади.

Нима учун барча сюжетларни аниқ ва оддий ечиш керак боиади? Чунки томошабин охиригача аниқ ҳикоя қилинадиган воқеани кўришни истайди.

Бундай воқеа биз инсон тажрибасининг чегарасигача бордик, дейди. Хотимада томошабинда қандайдир янги ҳаётий тажриба ҳосил бўлади. Бу бойлик, у сарф қилинган вақтни хурмат қилиш имконини беради.

Воқеанинг тарномланиш пайти келганда ост сюжетларнинг охирини шундай кўрсатиш керакки, улар ҳали ҳикоя қилинаётган воқеа билан қўшилиб кетсин. Эмоционал жиҳатдан фақат битта нуқта бўлсин. Агар у нуқта фильмнинг охирги кадрларида қўйиладиган бўлса, ҳаммадан яхши бўлади.

Мисолни яна улуғ Шекспирдан келтирмасликнинг иложи йўқ. Персонаж ўз вазифасини бажариб бўлгач, унинг сюжети ҳал бўлади.

«Гамлет»да аввал Полонийнинг сюжети ечилади. Гамлет уни ўлдиради. Кейин навбат сотқин-дўстларга келади: Гамлет уларни ўлимга дучор қилади. Улардан кейин Офелиянинг сюжети келади - у ақлдан озган ҳолда ҳалок бўлади. Ва барча хотималар драма ривожланишини озиқлантиради. Охирида тахта устида, худди яхши шахмат партиясидаги каби, Қирол, Қиролича, Лаерт ва Гамлет қолишади. Битта саҳна барча тўрттала сюжетни ечиб беради ва драмага охирги нуқтани қўяди.

Беш босқичли тузилманинг асосий афзаллиги шундаки, унда ҳаракатдаги тарангийк ривожини қизиқишининг алангаланишидан то зарурий саҳнагача назорат қилиш имкони борлигидир. Агар бу йўл бўйлаб рахналар ва тўсиқларни ошириб бориш режалаштирилган бўлса, ҳикоянинг энергияси ошади.

Сиз ҳали тасвирга олиш ишлари бошланишидан анча олдин асосий зарбаларни тўғри жойларга бериш учун куч ва маблағингизни тақсимлашингиз мумкин. Тасвирга олиш бошланганда маккорона зарба қайси томондан берилишини ҳеч қачон билолмайсан. Дабдурустдан актёр қўйилган юкни кўтара олмай қолади; ёки қўплаб ҳар хил сабабларга қўра саҳна яхши тасвирга олинмаган бўлади. Аммо тез-тез арзимаган саҳналар кичкина кашфиётлар билан чақнаб қолишади. Уларни умумий тузилмага жалб қилиш керак. Фильм ривожини назорат қилиб бормасангиз буни қилолмайсиз. Агар бундай етакловчи йўналиш бўлмаса, сифатга зўр беришгина қолади. Тасвирга олинган материал тез-тез яратувчиларнинг қалбида ёлғон иллюзиялар уйғотади: «Пасено шундай олинган, биз ҳам якунловчи монтажда керакли тарангликка эришамиз!»

Мухим визуал образлар шундай нарсаларки, улар кулминациянинг смоционал таъсирига ёрдам беради. Уларни топиш фойдадан холи эмас.

Кулминация - бу шундай жойки, унда мавзу, худди фильмнинг туб (асосий) ғоясидаги истиора сингари, муҳим визуал образларда жуда аниқ илбдаланиши мумкин.

Бу образлар жуда содда бўлишлари мумкин. Аммо улар фиҳндан ўсиб чиқадилар. Биз уларни ҳеч қачон унутмаймиз. Биз фильмни эсга олишимиз ҳамон улар дарҳол калламиизда вужудга келади.

Ҳинду полдан оғир мармар плитани суғуриб олади ва панжарали деразани синдиради.

Каберия табассум қилади.

Телма ва Луиза осмонларга учиге кетади ва у ерда қотиб қолишади.

Ақлдан озган ёзувчи (Жек Николсон) лабиринтда музлаб қолади («Ёғду»). Кутимагандаги боз уни меҳмонхона девондаги 50 йил олдин олинган фотографиялар ўртасида кўриб қоламиз. Бу қачон бўлганди ўзи? Қайси ҳаётда?

Мұхим образ күпинча оддий элементлардан йиғилади. Ҳар бир кадрда биттадан бит ишга туширилған. Биргалиқда улар ягона образни ҳосил қиласы.

«8 1/2» даги бир бит - режиссёр барча қатнашчиларни доира бўйлаб ҳаракат қилувчи даврага йиғади.

Бошқа бир бит - цирк аренаси марказига уч масхарабоз ва бир бола чиқади. Бизнинг онгимизда бу икки картина ҳеч бир кадрда бир бутун кўрсатилмаган образ сифатида бирлашади. Фильмда бундай манзара йўқ, у бизнинг хаёлимизда пайдо бўлади.

Ёрқин ва эмоционал мұхим образ кўзга кўринадиган лейтмотивга бирлашган кадрлардан йиғилади. Баъзан у икки лейтмотив бўлади. «8 1/2» да улар иккита - масхарабозлар ва персонажлар давраси.

Дастлаб уч масхарабоз ва флейтали бола кўрсатилади. Кейин улар ҳаракат қила бошлайдилар - уларнинг мусиқаси остида фильмнинг барча персонажлари тўпланишади.

Кейин персонажларни фокусчи-серемониймester йиғади. Дастлаб улар оқ соялар каби кўринишади. Бу персонажлар лейтмотивлари намойишидир.

Масхарабозларнинг лейтмотиви ривожланади. Марчелло болага роли қандай эканлигини тушунтиради. У масхарабозларни аrena марказига олиб чиқади.

Зинадан аренага персонажлар тўдаси тушиб келади. Биз фильмда кўрганларнинг барчаси шу ерда.

Марчелло, икки диний иерарх ва хотинини ҳам қўшган ҳолда, барчани катта ҳурмат билан доирага таклиф қиласы.

Унинг ўзи масхарабозлар марши остида аrena атрофида ҳаракат қиласидиган бу персонажлар даврасига киради.

Қоронғу тушади. Масхарабозлар бўшаб қолган аренани тарқ этишади.

Боланинг бир ўзи қолади. У саҳнадан ҳаммадан кейин кетади.

Биз мураккаб образ қай тариқа содда битларга бўлинганлигини кўрамиз. Ва ҳар бир ондаги ҳаракати давомида истиора эмоционал ривожланишга эга бўлади.

Визуал драматик образ статик (турғин, ҳаракатсиз) тасвир сингари таъсир қилмайди. У экран рамкасидаги тасвир эмас - у ҳамиша драматик ҳаракат, драма умумий ривожланишининг бир қисмидир.

Мұхим образ фильмда ўзининг қисқа сюжетли ҳикоясиغا эга бўлиши мумкин. Шунда у кучлироқ эмоционал таъсир этади.

«Какку»даги тақсимловчи плита аввал бошда олдида касаллар карта ўйнаш учун тўпланадиган предмет сифатида кўрсатилған. У оғир, мармар билан қопланган куб. Плита кундалик ҳаётнинг бир қисми сифатида кўрсатилған. Ҳеч қандай кўпмањнолилик, ҳеч қандай истиора йўқ.

Кейин Мак Мерфи бу кубни полдан узиб олиш учун бехуда уринади. Истиора ҳаракат давомида ва конфликтда пайдо бўлади ва у шунинг учун ҳам ишончлидир. Финалда ҳинду плитани узиб олади ва у билан панжарали деразани бузади.

Истиоранинг ривожи бизнинг бўлиши мумкин бўлмаган нарса ҳақидаги тасаввуримизни тубдан ўзгартиради.

Агар муҳим образ деталлар билан тўлиқ бўлса, у ребус сифатида қабул қилинади. Биз кадрларни мусиқадаги тасвирлар сифатида қарай олмаймиз - бунинг учун бизда вақт ҳам, ички мушоҳада эркинлиги ҳам йўқ. Бизнинг онгимиз воқеа ривожига бўйсундирилган. Образ содда ва ёрқин ўқиладиган элементлардан йиғилади. Шунинг учун муҳим образнинг онгимизга кириб бориши ва эмоционал жавоб ҳосил қилишида ёрдам берадиган энг яхши услуг - Эйзенштейннинг диалектик монтажидир. Оддий визуал битлар монтаждаги жумлада тўқнашадилар ва воқеанинг бир вақтда содир бўладиган мураккаб образини ҳосил қиласилар.

Тарковскийнинг «Андрей Рублёв»ида хотималовчи новелланинг охири муҳим образ билан тугайди - кулдан қайта тикланаётган Россия кенгликлари узра қўнғироқ янграйди. Қўнғироқхона остоналарида, секин-аста ёнаётган кўмирлар ўртасида Андрей Рублёв ёш устага тасалли беради. Фалабадан кейин ёш устанинг асаблари чидамаган -бутун куч қўнғироқقا берилган. Бу мен билган энг яхши ижодий истиоралардан биридир.

Канн фестивалида «Синема Парадиз»нинг танлов фильмини кўрсатишиди. Фильм кулминациясида қаҳрамон америка фильмлари кулминациясидан черков цензураси қирқиб ташлаган ўпичларни қўриб ўтирибди. Буюк ўпичламинг узликсиз ва давомли қатори: Кларк Гейбл ўпаяпти, Вивен Ли ўпаяпти, Хемфри Богарт ўпаяпти, Ава Гарднер ўпаяпти, Грэйс Келли ўпаяпти... Залда гулдирос қарсаклар янгради, кейин эса ҳамма бирваракайига жазавага тушиб кетишлиди. Томошабинлар ўринларидан сапчиб туришлиди. Улар қичқиришарди, йиглашарди, қарсак чалишарди, оёқлари билан ер тепишарди.

# IV. БҮЛІМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1-амалий машғулот. Телевидениеда махсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш**

Телевидениеда ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнларини ўрганиш. Телевидение ҳаракатли ишлаб чиқариш йўналишлари ва махсулотлари. Сухбат, спорт мусобақалари бўйича телекўрсатувлар, мусиқа, ўйин, комедия, драма, сериаллар ва ток-шоулар. Буюк Британия мисолида мураккаб махсулотларни ишлаб чиқаришини ўрганиш.

### **2- амалий машғулот. Фильмнинг хронометраж жадвалини ишлаб чиқиши. Сценария асосида ижрочиларга тасвирга олиш майдончасида жойларни аниқлаш**

Кинорежиссёр, кинооператор, сценарийчи, мухаррирлар, режиссер ва оператор асистентлари, фильм директорининг лавозимлари бўйича мажбурятлари.

Бадиий фильм. Европа давлатлари мисолида бадиий фильмларни ишлаб чиқаришда ижодий гурухнинг намунавий (таксминий) таркиби.

Режиссёрлик ва адабий сценарийси асосида фильмнинг хажмини аниқлаш. Тасвирга олиш кетма кетлигини режалаштириш ва эпизодларни синфлаш. Ишларни бажариш режасини тайёрлаш. Тасвирга олиш жойларни белгилаш, декорацияларни ўрнатиш, керакли аппарат ускуналарни ва актерларнинг рўйхатини белгилаш, уларни етказиб берувчи ташкилотлар ва ишлатиш муддатини режалаштириш.

### **3- амалий машғулот. Бадиий фильмнинг харажатларини режалаштириш. Тайёргарлик даврида ишларни режалаштириш ва махсус жадвалларни тайёрлаш**

Сценарий ва сценарий буюртмаси. Хужжатли ва бадиий фильмларнинг фарқлиги. Хужжатларни юритиш, фильмларнинг хажми, жанрлар ва уларни ўзига хос хусусиятлари. Хужжатли фильмни яратиш бўйича харажатларни хисоблаш. Бадиий фильмнинг ғоясининг пайдо бўлиши. Ишлаб чиқариш лойихасида асл адабий сценарийси. Бюджет – бадиий фильмнинг асосий хужжати. Харажатларни аниқлаш ва тасдиқлаш учун адабий сценарийни ўрганиш. Бюджетдаги асосий харажатлар турлари.

Харажатларнинг энг юқори ва минимал кўрсаткичлари. Европа киностудияларида бадиий фильмларни ишлаб чиқаришда ўртача харажатлар сметаси. Харажатларни қоплаш манбалари. Харажатларни бошқариш усуллари. Харажатлар муаммоларини хал этиш.

Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар, либосларнинг чизмалари, декорацияларни тайёрлаш. Фильмнинг хронометражи ва бюджетнинг ўртача бюджети. Сценарийни парчалаш.

#### **4- амалий машғулот. Тасвирга олиш жадвалини тузиш. Кўп қисмли телевизион ва бадиий фильмларнинг бюджети. Календарли тасвирга олинадиган павилон ва табиий жойларни аниқлаш**

Бош режа - фильмнинг постановкасида асосий хужжат деб хисобланади. Эпизодларнинг турлари, тасвирга олиш кунларининг кетмакетлиги. Буюк Британия студияларнинг мисолида фильм бюджетини ўрганиш.

Фильмларни ишлаб чиқаришда харажатларни қоплаш манбалари ва харажатларни сарфлашини назорат қилиш. Бадиий фильмларни ишлаб чиқаришда асосий харажатлар.

Фильмни яратишда асосий йўналишларни аниқлаш. Асосий актерлар. Режиссер ва продюссерларнинг актерлар билан ишлаш жараёнлари. Мехнат хавфсизлиги. Бадиий фильмни яратишни бошлаш учун маҳсус рухсатномани олиш ва керакли ташкилотлар билан шартномаларни тузиш.

#### **5- амалий машғулот. Ижодий гурухнинг тасвирга олиш кунлари ва муддати. Жорий тасвирга олишга тайёргарлик. Маҳсус комиссия томонидан яратилган фильмни баҳолаш ва сметани бажарилганини аниқлаш**

Кино ва бошқа маҳсус аппарат ускуналарни ижарага олиш, шартномаларни тузиш, муддатларни аниқлаш. Тасвирга олиш жараёнларини режалаштириш. Ижодий гурухни бошқариш. Актерларни чақириш бўйича маҳсус вараклар. Дубляж гурухининг вазифаларини аниқлаш. Мусиқани ёзиш бўйича шартномаларни тузиш. Овоз режиссери ва монтажчининг вазифаларини аниқлаш.

Фильмнинг хомаки вариантини тайёрлаш. Мусиқани ёзиш ва маҳсус эфектларни яратиш. Фильмнинг даслабки вариантини баддий кенгашга топшириш. Комиссия қарори бўйича кўрсатмалар чиқариш. Комиссия томонидан қилинган ўзгаришларни хисоботга киритиш. Архив материаллар билан ишлаш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб бериш усуллари.

## **6- амалий машғулот. Фильмнинг даслабки ва охирги вариантларини ҳамда бирламчи материалларни топшириш**

Ишлаб чиқарилган махсулотларни етказиб бериш усуллари. Фильмнинг даслабки ва охирги вариантларини топшириш. Бирламчи материалларни топшириш. Фильмларнинг тоифалари. Дистрибутерлар ва продюссерлар фильмни кенг оммага етказиб бериш бўйича ишлари. Фильмнинг директори тайёр бўлган махсулотни топшириши. Барча хисоботларни тайёрлаш ва қабул қилиш.

## **7- амалий машғулот. Фильмни бозорга чиқариш, реклама қилиш, эфирга бериш, прокат. Дистрибутерлар ва продюсерлар фильмни кенг оммага етказиб бериши**

Фильмни прокат қилиш ёки экранда намойиш қилиш учун фильмнинг нусхаларини кўпайтириш. Фильмни реклама қилиш ва кино бозорига олиб чиқилиши фильм ишлаб чиқаришнинг бутун даврлари мобайнида давом этиши. Фильм ҳақида томошибинларга керакли маълумотларни етказиш. Фильм директори рекламачиларга қўлидан келганича шароитларни яратиб бериши.

Халқаро миқёсида етакчи студияларида фильмларни ишлаб чиқаришда асосий йўналишлар, ўзига хос хусусиятлари. Ишларнинг молиявий якунлари.

Ишларни бажаришда ишлар мейёрлари. Ишлаб чиқаришда асосий даврлар. Бадиий Кенгашнинг фаолияти. Телерадиоканаллар билан бевосита муносабатда бўлиш – асосий буюртмачилар. Тасвирга олиш ижодий гурухларини назорат қилиш, бюджетни текшириш. Муаллифлик хуқуqlари.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар:**

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўнилмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, бадиий ва хужжатли фильмлар намойиш этиш, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, фестивалларда, конференцияда ва мастер-классда эштирок этиш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-хуқуқий хужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

В БҮЛІМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

— МВБТ НОМИ ТИНГЛОВЧИННИНГ ИСМИ-ШАРИФИ	— ЛОЙИХА НОМИ ИМЗО			
ҚИСҚА МАЗМУНИ	БАЛЛ (MAX)			
<b>ТАШКИЛИЙ ҚИСМ</b>				
Жадваллар учун (ҳар бир жадвал учун 5 баллгача )	25			
Ахборот модели учун (реал боғланганлигини кўрсатиш, тўғри ва тескари)	50			
Ёзувлар сони учун (ҳар бир жадвал учун 10 та ёзув, асосий жадвалда 50 та ёзув)	25			
<b>СИЗ ТЎПЛАГАН БАЛЛ</b>	<b>100</b>			
<b>АМАЛИЙ ҚИСМ</b>				
T.P.	ОПЕРАТОР ТУРИ	СЎРОВ СОНИ (МИН)	ҚИСҚА МАЗМУНИ	БАЛЛ (MAX)
<b>АСОСИЙ ОПЕРАТОРЛАР</b>				
1	INSERT INTO	3	турли типдаги ва бир нечта ёзувларни қўшиш	3
2	SELECT	5	чекланган сондаги ёзувлари чиқариш	3
3	DELETE	2	шарт орқали ўчириш, ҳаммасини ўчириш	2
4	UPDATE	3	турли типдаги ва бир нечта ёзувларни ҳамда ҳаммасмни	2
<b>АМАЛЛАР</b>				
5	МАТЕМАТИК АМАЛЛАР	2	камида иккитаси бирга бўлсин	2
6	МУНОСАБАТ АМАЛЛАР	3	камида иккитаси бирга бўлсин	3
7	МАНТИКИЙ АМАЛЛАР	2	камида иккитаси бирга бўлсин	2
8	АРРАЛАШ	2		3
<b>ОПЕРАТОРЛАР</b>				
9	DISTINCT	2		1
10	WHERE	2		1
11	BETWEEN	2		2
12	IN	2		1
13	LIKE	4	фақат бошидан, охиридан, ихтиёрий жойдан	4
14	ISNULL	2	not билан ҳам	1
15	NOT	3	мураккаб амаллар билан	2
16	ORDER BY	2	ҳамма вариантлар учун	1
17	HAVING	2		2
<b>СТАТИК ФУНКЦИЯЛАР</b>				
18	MAX	1		1
19	MIN	1		1
20	COUNT	1		1
21	SUM	1		1
22	COUNT(*)	1		1
23	AVG	1		1
24	АРРАЛАШ	3		4
<b>ЁРДАМЧИ СЎРОВЛАР (SUBQUERY - ПОДЧИНЕННЫЕ ЗАПРОСЫ) БИЛАН ИШЛАШ</b>				
25	ЁРДАМЧИ СЎРОВЛАР	3	камида 3 та статик функциялар, амаллар, операторлардан фойдаланг	2
26	IN	2		2

27	EXISTS	2			2
28	ANY	2			2
29	ALL	2			2
<b>МАХСУС ОПЕРАТОРЛАР</b>					
30	CAST	1			1
31	CONVERT	2			2
32	CASE	3			4
33	COALESCE	1			2
34	NULLIF	1			1
<b>БОГЛАНИШЛАР</b>					
35	ОДДИЙ	2	барча вариантлар		2
36	INNER JOIN	2			2
37	LEFT OUTER JOIN	2			2
38	RIGHT OUTER JOIN	2			2
39	FULL OUTER JOIN	2	барча вариантлар		2
40	CROSS JOIN	2			2
41	UNION	2			3
<b>ЁЗУВ ФУНКЦИЯЛАРИ</b>					
42	FIRST	1			1
43	UCASE	1			1
44	LCASE	1			
45	UPPER	1			
46	LOWER	1			
47	LAST	1			1
48	MID	1			1
49	SUBSTRING	1			1
50	LEN	1			1
51	NOW	1			1
52	САРЛАВҲАНИ НОМЛАШ	1			2
53	FORMAT	1			1
<b>MS ACCESS ДАН БОШҚА МВБТ ТИЗИМЛАРИ УЧУН</b>					
54	COMMIT	2	камида иккита хар хил сўров		2
55	ROLLBACK	2	камида иккита хар хил сўров		2
56	COMMIT & ROLLBACK	2	камида иккита хар хил сўров		2
57	PROCEDURE	2	камида битта сўровли		2
58	QUERY WITH PROCEDURE	2	камида битта сўровли		2
ЖАМИ	107	СИЗ ТЎПЛАГАН БАЛЛ			100
<b>ИЖОДИЙ ЁНДАШИШ</b>					
Амалий машғулотлар жараёнида топшириқларни бажариб кўрсатиши					100
<b>ЖАМИ БАЛЛ (сўз билан)</b>					
<b>МВ нинг ФАЙЛ НОМИ</b>					

### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги жами 110 та муаммога мос ҳолда МББ шакллантириш ва ишлаб чиқиша компиляция жараёнини мониторинг қилиш ҳар бир вариант билан бажариш йўлларини аниқланг (индивидуал).
- Уларни амалиётда бажариш ва бошқариш имкониятларини кўрсатиб беринг (индивидуал ҳолда).

#### **Амалий топшириқлар**

1. Битта ёзув учтадан кўп блоклар билан боғланган бўлсин. Саралаш алгоритмлари билан ишлашни амалга оширинг. Унда қуйтдагича маълумотлар берилган бўлсин (kangaroo, 17), (wallaby, 21), (emu, 1), (wombat, 13), (platypus, 3), (lion, 8), (warthog, 4), (zebra, 11), (meerkat, 6), (hyena, 9), (hornbill, 2), (baboon, 12).
2. Берилган SQL сўровни реляцион алгебрага ўтказишни бажаринг.

```
select T.branch name  
from branch T, branch S  
where T.assets > S.assets and S.branch city = "Brooklyn"
```

3. Ички такрорланишлар орқали куйидагиларни ёзинг.

**branch(branch name, branch city, assets)**  
**customer (customer name, customer street, customer city)**  
**loan (loan number, branch name, amount)**  
**borrower (customer name, loan number)**  
**account (account number, branch name, balance)**  
**depositor (customer name, account number)**

1. Берилган МБси 10та кам бўлмаган амални бажарадиган транзакция яратинг.
2. Берилган МБсида кетма – кет амалга ошириладиган транзакция яратинг.
3. Берилган МБсида навбатма-навбат амалга ошириладиган транзакция яратинг.
4. Берилган МБсида топологик саралашга асоланган транзакцияни амалга оширишга транзакция яратинг.
5. Транзакция маълумотларини log файларга ёзилганлиги ҳақидаги маълумотларни изоҳланг.

# VIII. БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР  
РҮЙХАТИ

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раҳбарий адабиётлар.**

Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.

Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.

Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.

Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.

Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.

Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.

Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 14 февраль.

Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

## **II. Меъёрий- хукуқий хужжатлар.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 августдаги “Олий ўқув юртлари тингловчиларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги 344 сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)” Тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2001., № 7, 43-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

### **III. Махсус адабиётлар.**

1. Gates R. Production Management for Film and Video. Focal Press. 2006.
2. Cleve V. Film Production Management. Focal Press. 2006.
3. Owens J., Millerson G. Television Production. 15<sup>th</sup> Edition. Focal Press. 2012.
4. Фалмер Р.М. Энциклопедия современного управления. Т.1-5. М.. 2002.
5. Коноплев Б.Н. Основи фильмопроизводства. М.: Искусство, 1988.
6. Веснин В.Р. Основи менеджмента. М. Триада, ЛТД», 2007.

7. Средства массовой информации. Учебное пособие для студентов ВУЗов. М.: 2006.
8. Рудая Е.А. Основы бренд-менеджмента. Учебное пособие М.: 2006.
9. Павлов А.В. Разработка бизнес плана. М.: 2007.
- 10.Розенталь А. Создание кино и видеофильмов как увлекательный бизнес. М.: 2009.
11. Гейтс Р. Управление производством кино и видеофильмов. Издательство ГИТР, М. 2006.
12. Русакова А.Б. Экономика телевидения и радиовещания. Программа курса и методические материалы. М.:2003.
13. Блайн Б. Цифровая кинематография. Фокал пресс.:2014.